



Страсбург / Варшава, 2020 йил 12 октябр

CDL-AD(2020)002

Венеция комиссиясининг 998/2020-сонли хулосаси
ЕХХТ/ДИИХБнинг FORB-UZB/387/2020-сонли хулосаси

Or. Engl.

«ҚОНУН ОРҚАЛИ ДЕМОКРАТИЯ» ЕВРОПА КОМИССИЯСИ
(ВЕНЕЦИЯ КОМИССИЯСИ)

ЕХХТНИНГ ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
БЮРОСИ
(ЕХХТ/ДИИХБ)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

«ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ВА ДИНИЙ ТАШКИЛОТЛАР
ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУНИ ЛОЙИҲАСИ БЎЙИЧА ҚЎШМА ХУЛОСАСИ

Венеция комиссияси томонидан 124-сонли онлайн Ялпи
мажлисида қабул қилинган
(8-9 октябр, 2020-й.)

Jan VELAERS (аъзо, Белгия)
Ben VERMEULEN (аъзо, Нидерландия)
Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича ЕХХТ/ДИИХБ экспертлар
гурухи
Silvio FERRARI (эксперт, ЕХХТ/ДИИХБ)
шарҳлари асосида тузилган

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг дин ва эътиқод эркинлиги
бўйича махсус маърузачиси Аҳмед ШАҲИД маслаҳатлари
негизидаги

Мундарижа

I.	Кириш	3
II.	Қўшма Хулосанинг амал қилиш доираси	4
III.	Таҳлилий хат.....	4
IV.	Таҳлил ва тавсиялар	6
	A. Дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига оид халқаро стандартлар ва ЕХҲТнинг мажбуриятлари	6
	B. Миллий ҳуқуқий асослар.....	8
	C. Қонун лойиҳасининг амал қилиш доираси ва мақсади	9
	D. "Динни давлатдан ажратиш" ва диний ташкилотларнинг автономияси/мустақиллиги	12
	E. Мажбурий рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессионал гуруҳларни тақиқлаш	16
	F. Ўз дини ёки эътиқодига амал қилиш ҳуқуқининг чекланиши	18
	1. Умумий чеклаш қонунлари	19
	2. "Прозелизм" ва миссионерлик фаолиятини тақиқлаш.....	20
	3. Диний таълим беришга оид чекловлар	21
	4. Диний ёки эътиқодга оид нутқларга тегишли чекловлар.....	22
	5. Диний урф-одатлар ва маросимлар	24
	6. Диний мазмунга эга материаллар	25
	7. Чет элга саёҳат	27
	8. Диний сабабларга кўра рад этиш ҳуқуқига оид чекловлар.....	28
	G. Диний ташкилотлар, марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасалари	28
	1. Диний ташкилотни таъсис этиш (рўйхатдан ўтказиш)	29
	2. Диний таълим муассасалари	36
	3. Диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.....	37
	4. Хорижий ишчиларни аккредитация қилиш.....	40
	5. Диний ташкилотларнинг фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш	41
	H. Дин ишлари бўйича кўмитаси ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг роли ва ваколатлари	43
	I. Диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш	45
	J. Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёни билан боғлиқ тавсиялар	46

I. Кириш

1. 2020 йил 6 августда Парламент (*Олий Мажлис*) Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари *"Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси* (бундан кейин матнда – "Қонун лойиҳаси", CDL-REF(2020)065) бўйича унинг инсон ҳуқуқлари халқаро стандартларига ва ЕХХТ мажбуриятларига мувофиқлиги бўйича хулоса чиқариб беришини сўраб ЕХХТнинг Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюроси (бундан кейин матнда – "ЕХХТ/ДИИХБ") ва Европа Кенгашининг "Қонун орқали демократия" Европа Комиссиясига (бундан кейин матнда – "Венеция Комиссияси") мурожаат қилди. Жорий амалиётга мувофиқ, Венеция Комиссияси ва ЕХХТ/ДИИХБ ушбу Хулосани биргаликда тайёрлашга келишиб олдилар.

2. Ян Велэрс (аъзо, Белгия) ва Бен Вермейлен (аъзо, Нидерландия) Венеция комиссиясининг маърузачилари этиб тайинланди. Силвио Феррари ЕХХТ/ДИИХБ томонидан ҳуқуқий эксперт сифатида тайинланди. Хулосанинг тайёрланишига Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича ЕХХТ/ДИИХБ экспертлар гуруҳи аъзолари (Монтсеррат Гас Айсендри, Александр Ключев, Эмир Ковачевич, Каталин Райу, Дмитро Вовк ва Мине Йилдирим) ўз ҳиссаларини қўшдилар. Қўшма Хулоса БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид билан ҳам маслаҳатлашиб тайёрланди.

3. 2020 йил 21 сентябрда Венеция Комиссияси вакиллари Ян Велэрс ва Бен Вермейлен ва ЕХХТ/ДИИХБ вакиллари Силвио Феррари ва Дмитро Вовкдан иборат қўшма делегация, Венеция Комиссияси Котибияти вакиллари Каролина Мартин ва Сергей Кузнецов ва ЕХХТ/ДИИХБ вакиллари Константин Вардзелашвили, Миколай Вжесионковски ва Анне-Лиз Чатлэйн ҳамроҳлигида *Олий Мажлис* Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита, Адлия вазирлиги, диний ёки конфессиявий жамоалари вакиллари, нодавлат ташкилотлар (ННТ) ва бошқа манфаатдор томонлар билан видеоконференция мажлисларида қатнашдилар. Ушбу Қўшма Хулоса мазкур учрашувлар давомида олинган маълумотлар ва расмийлар томонидан тақдим этилган ёзма изоҳларга асосланган. ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси ушбу учрашувларни ташкиллаштиришда кўрсатган ёрдамлари учун ҳукумат вакиллари ва ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалари координаторига миннатдорчилик билдиради. ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси давлат органларининг қонунчилик жараёнининг кейинги босқичларидаги Қўшма Хулоса тавсияларини кўриб чиқиш ва яхлитлаштириш бўйича хатти-ҳаракатларини юқори баҳолайди.

4. *Ушбу Қўшма хулоса Комиссия аъзолари томонидан кичик комиссия мажлисларини ўрнини босган ёзма процедура асосида кўриб чиқилди. Хулоса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг (Қонунчилик палатаси) Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Шухрат Бафаев билан бўлган фикр алмашинувларидан кейин Венеция Комиссиясининг 124-сонли онлайн тарзидаги ялпи йиғилишида (2020 йил 8-9 октябр) қабул қилинди.*

II. Қўшма Хулосанинг амал қилиш доираси

5. Ушбу Қўшма Хулоса амал қилиш доираси фақат кўриб чиқишга юборилган Қонун лойиҳасини қамраб олади. Шу тарзда чекланган бўлиб, Қўшма Хулоса Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини тартибга солувчи барча ҳуқуқий ва институционал базани тўлиқ ва ҳар томонлама кўриб чиқишни англатмайди.

6. Қўшма Хулоса асосий муаммоларни кўтаради ва мураккаб соҳаларни ажратиб беради. Қисқача қилганда, унда Қонун лойиҳасининг ижобий жиҳатларидан кўра ўзгартириш ва такомиллаштиришни талаб қиладиган соҳаларга кўпроқ эътибор қаратилган. Қуйидаги тавсиялар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар ва мажбуриятларга, ЕХХТнинг инсон ўлчовлари бўйича мажбуриятларига ва яхши миллий амалиётга асосланган. Зарур бўлганда, улар ЕХХТ/ДИИХБ ва ёки Венеция комиссияси томонидан чоп этилган аввалги ҳуқуқий хулосаларда келтирилган тегишли тавсияларга ҳам таянади.

7. Ушбу Қўшма Хулоса Парламент (*Олий Мажлис*) Қонунчилик палатаси Спикерининг биринчи ўринбосари томонидан 2020 йил 6 августда тақдим этилган Қонун лойиҳасининг инглиз тилига норасмий таржимаси асосида тайёрланган. Таржимада хатолар бўлиши мумкин.

8. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция Комиссияси ушбу Қўшма хулоса Қонун лойиҳасининг барча жиҳатларини қамраб ололмаслигини ва шу сабабли Қўшма хулоса уларнинг келажақда Ўзбекистондаги тегишли ҳуқуқий ҳужжатлар ёки тегишли қонун ҳужжатлари бўйича қўшимча ёзма ёки оғзаки тавсиялар ёки шарҳлар тузишларига тўсқинлик қилмаслигини таъкидлайди.

III. Таҳлилий хат

9. ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция Комиссияси Ўзбекистон Республикасининг дин ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонунчилик базасига уни дин ва эътиқод эркинлиги бўйича халқаро стандартларга мувофиқлаштириш мақсадида ўзгартириш киритишга қаратилган саъй-ҳаракатларини мамнуният билан қабул қилади. Бунга Ўзбекистон Республикасини бир неча халқаро инсон ҳуқуқларига риоя қилишни кузатувчи органлар чақириб келган.¹ Қонун лойиҳаси амалдаги қонунчиликдан фарқли улароқ баъзи бир ижобий ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Масалан, диний ташкилот тузиш учун диндорларнинг талаб қилинадиган энг кам сонини қисқартириш, жамоат жойларида диний кийим кийишни тақиқлашни олиб ташлаш ва диний ташкилотнинг тугатилиши маъмурий орган ўрнига суд томонидан эълон қилиниши бўйича талаблар шулар жумласидандир. Умуман олганда, буларнинг барчаси мақтовга лойиқдир. Шу билан бирга, Қонун лойиҳасида инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мос келмайдиган йирик чекловлар ва камчиликлар сақланиб қолмоқда.

10. Хусусан, Қонун лойиҳасида рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессиявий фаолият ва жамоаларни тақиқлаш давом этмоқда, рўйхатдан ўтишда қатъий ва оғир талаблар қўйилмоқда, шунингдек диний эътиқод эркинлиги, диний таълим, рухсат берилган ибодат жойлари каби ҳуқуқларни амалга оширишда турли хил тақиқлар ёки қаттиқ чекловлар кўзда тутилган ҳамда диний материалларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва тарқатиш ҳамда "*динлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг бузилиши*"² деб

¹ Мисол тариқасида, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг (ИХК), [Ўзбекистоннинг Бешинчи даврий ҳисоботи бўйича яқуний кузатувлари](#)га қаранг, 2020 йил 1 май, ССРР/С/УЗВ/СО/5, 42-43-бандлари; БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг [2018 йилда Ўзбекистонга ташрифи яқунлари бўйича тавсиялари](#), А/НРС/37/49/Add.2, 2018 йил 22-феврал, 97 ва 101(б) бандлари қаранг.

² "Прозелитизм" атамаси ноаниқ халқаро атамадир ва одатда салбий маънога эга. Зўравонлик, кўрқитиш, таҳдид ва бошқа ноқонуний босим усулларини ишлатмасдан бошқа эътиқодга ўтказишга қаратилган алоқа ва фаолиятни назарда

номланувчи, миссионерлик фаолияти ва "прозелитизм"ни тақиқлашда давом этмоқда, ҳанузгача, бошқаларга нисбатан маъмурий ва жиной жазо таъсир кўрсатилмоқда. Қонун лойиҳаси диний ташкилотларнинг автономиясига нисбатан ишончли кафолатларни назарда тутмайди ва ҳалигача тадбирларни ташкил қилиш ёки мамлакат ташқарисида зиёратларда қатнашиш каби динни ёки эътиқодни намоён этиш эркинлигининг асосий элементларини амалга оширишга рухсат олишни ёки давлат назоратини назарда тутди. Диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатишга сабаб бўладиган асослар ноаниқ ва кенг бўлиб, давлат ҳокимияти органларига самарали ечим тақдим қилмасдан жуда кенг ваколат беради. Демак, Қонун лойиҳаси инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга ва ЕХХТнинг инсон ўлчовлари бўйича мажбуриятларига тўлиқ мувофиқлигини таъминлаш учун жиддий равишда қайта кўриб чиқиши керак.

11. Қонун лойиҳасининг инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга ва ЕХХТ мажбуриятларига мувофиқлигини ошириш мақсадида ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси куйидаги асосий тавсияларни беради:

- A. нафақат "дин" ҳамда "диний ёки конфессия ташкилотлари"ни, балки диний бўлмаган эътиқодларнинг ҳам қамраб олинганлигини таъминлаган ҳолда, "фикр, виждон, дин ёки эътиқод эркинлиги" тушунчаларини киритиш мақсадида қонун лойиҳаси ўзгартириш; [24-банд]
- B. диний хусусиятларга эга сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларини бутунлай тақиқини олиб ташлаш; [36-банд]
- C. "ноқонуний диний фаолият" таърифини олиб ташлаш ва диний ёки конфессионал гуруҳлар ўз фаолиятини рўйхатдан ўтказмасдан фаолиятини амалга ошириши мумкинлигини аниқ белгилаб қўйиш [рага. 39], шу билан бирга ҳар қандай диний ёки конфессионал гуруҳлар "диний ташкилот"дан фарқ қилувчи юридик шахс тури сифатида юридик шахс мақомини олиш имкониятига эга бўлишини таъминлаш, масалан, хоҳиши кўра бирлашма ёки фонд сифатида рўйхатга олиш орқали; [42-банд]
- D. Фақатгина зўравонлик, таҳдид ёки бошқа ноқонуний босим усулларидадан фойдаланган ҳолда бошқаларни ўз эътиқодига ўтказишга қаратилган алоқа ва фаолиятни тақиқлаш мақсадида 3-модда ва 11-модданинг 5- бандларини қатъиян чеклаш. [51-банд]
- E. 3-модданинг 5 ва 11 бандларидаги "хусусий тартибда диний таълим бериш" тақиқини олиб ташлаш; [52-53-бандлари]
- F. диний упф-одатларни ва маросимларни муайян белгиланган жойларда ўтказишни чекловчи қоидаларни қайта кўриб чиқиш (13-модда); [58-банд]
- G. Қонун лойиҳасининг 14 ва 20-моддаларидан диний ёки эътиқодга оид материалларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига тарқатишдан олдин "диний экспертизанинг ижобий хулосасини" қўлга киритиш олиб ташлаш; [67-банд]
- H. Дин ишлари бўйича кўмитанинг мамлакат ташқарисидаги диний зиёратга оид ваколатларини қайта кўриб чиқиш; [68-банд]
- I. рўйхатга олиш талаблари ва талаб қилинадиган ҳужжатларни кўриб чиқиш ва уларни оғирлаштирмаслигини таъминлаш учун соддалаштириш, айниқса Дин ишлари бўйича кўмитадан розилик хати ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларидан кафолат хати олиш талабини олиб ташлаш; [72-84-бандлар]
- J. Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 18-моддасида рухсат этилган чеклаш асосларига риоя қилган ҳолда диний ва эътиқод ташкилотларини

тутадиган "мажбурлашсиз кўндириш" иборасига устунлик бериш керак. БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг [БМТнинг Бош ассамблеясидаги маърузаси](#), UN Doc. A/67/303, 2012 йил 13 август; ва ЕХХТ/ДИИХБнинг [Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси](#) (2019 й.), 64-бет

рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асосларни аниқроқ чеклаш ва белгилаш; [89-92-бандлар]

- K. Қонун лойиҳасининг 22-моддасида келтирилган воқеалар тўғрисида Дин ишлари қўмитасини хабардор қилиш мажбуриятини олиб ташлаш; [101-бандлар]
- L. Қонун лойиҳасининг 6-боби бузилиш ёки ҳаракат қилмаслик ҳолатларини бартараф этиш[154] учун охириги чора сифатидаги тўхтатиб қўйиш ёки тугатишдан олдин босқичма-босқич ва мутаносиб тарзда қўлланиладиган санкциялардан иборат огоҳлантириш тизими билан тўлдирилиши керак. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида турли хил санкцияларнинг қўлланилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган қонун лойиҳасини бузиш турлари, шу жумладан диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатишни сўнги чора сифатида оқлайдиган жиддий сабабларнинг аниқ белгиланиши батафсил баён этилиши керак. Диний ёки конфессиявий жамоаларнинг амалда тугатилиши ва уларни ликвидация қилиш/рўйхатдан олиб ташлаш барча имкони бўлгани чоралар қўрилмагунча тўхтатиб турилиши керак; [110 ва 113-бандлар] ва кенгроқ маънода
- M. ижро вазифаси юклатилган давлат ҳокимияти органларига ўзбошимчалик билан ижро этиш /изоҳлашга ва дин ва эътиқод эркинлигини асоссиз чекланишига олиб келиши мумкин бўлган ўта кенг ваколатлар берадиган ноаниқ ва ўта кенг тушунчаларни олиб ташлаш; бу тушунчалар, хусусан, қуйидагилардан иборат: *"динлараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш"* (1 ва 17-моддалар), *"фундаментализм"*, *"экстремизм"* ва *"муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар"* (9-модданинг 2-банди), *"диндорларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлайдиган ҳаракатлар"* (6-модданинг 4-банди ва 9-модданинг 4-банди), *"фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситиш"*, *"фуқаровий тотувликни бузиш"* ва *"бошқа ғаразли мақсадлар"* (11-модда), *"шахснинг шаъни ва қадр-қимматини камситиш"* (13-модда). [27, 30, 31, 46, 104-бандлар].

Келтирилган ва қўшимча тавсиялар қалин ҳарфлар билан ушбу Қўшма Хулосанинг бутун матнига киритилган.

IV. Таҳлил ва тавсиялар

A. Дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига оид халқаро стандартлар ва ЕХХТнинг мажбуриятлари

12. Ушбу Қўшма Хулосада Қонун лойиҳасининг Ўзбекистон Республикаси учун мажбурий бўлган дин ёки эътиқод эркинлиги ва уюшиш эркинлиги билан боғлиқ халқаро стандартларга, шунингдек, ЕХХТнинг ушбу соҳадаги мажбуриятларига мувофиқлиги таҳлил қилинади.

13. Ушбу соҳадаги асосий халқаро мажбуриятлар БМТнинг Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактида³ (бундан буён матнда "ФСХХП"), хусусан 18 (фикр, виждон ва дин эркинлиги) ва 22 (уюшиш эркинлиги) моддаларида ва ушбу икки ҳуқуқ билан боғлиқ ҳолда, 2-моддада (ҳар қандай ажратишларга йўл қўймаган ҳолда ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва таъминлаш мажбурияти) келтирилган. Қонун лойиҳаси таъсир доирасига кириши мумкинлиги сабабли эътиборга лойиқ бўлган ФСХХПнинг бошқа қоидалари – булар 19-модданинг 20-банди (сўз эркинлиги), 2 (камситиш, душманлик ёки зўравонликни қўзғатадиган миллий, ирқий ёки диний адоватни тарғиб қилишни тақиқлаш), 17 (шахсий ҳаётга дахлсизлик ҳуқуқи), 3 (эркаклар ва аёллар ўртасида тенглик ҳуқуқи), 27 (этник,

³ *Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт* (бундан буён матнда – ФСХХП), БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йил 16 декабрдаги 2200А (XXI) қарори билан қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси ФСХХПга 1995 йил 28 сентябрда қўшилди

диний ёки лингвистик озчиликлар), 26 (қонун олдида тенглик) ва 21-моддаларидир (тинч йиғилишлар эркинлиги). Бундан ташқари, БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясининг 14-моддасида боланинг фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи кафолатланган, 30-моддада эса диний озчиликка мансуб боланинг “ўз гуруҳининг бошқа аъзолари билан [...] ўз динига эътиқод қилиш ва амал қилиш ҳуқуқи рад этилмаслиги”⁴ аниқ назарда тутилган.

14. Ўзбекистон Республикаси Европа Кенгаши (бундан буён матнда “ЕК”) аъзо бўлмаслигига қарамасдан, Қўшма Хулоса Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Европа конвенцияси⁵ (hereinafter “the ECHR”), (бундан буён матнда – “ИХЕК”), Европа Кенгашининг бошқа ҳужжатлари ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди⁶ амалиётига (бундан буён матнда – “ИХЕС”) ҳам таянади, чунки улар ФСХҲПдаги қоидаларга ўхшаш қоидаларни ўз ичига олади ҳамда изоҳлаш воситалари ва ушбу масала бўйича фойдали ва ишончли маълумотнома сифатида хизмат қилади.

15. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи билан боғлиқ ЕХҲТнинг бир қатор ҳужжатларида, хусусан 1989 йилда қабул қилинган Вена ҳужжатида турли хил мажбуриятларни ўз зиммасига олган бўлиб, унда бошқалар қаторида диндорлар жамоаларининг юридик шахслари тан олиниши ҳуқуқлари, эркин фойдаланиш мумкин бўлган ибодат жойларини таъминлаш ҳуқуқи ва диний таълим олиш ва ўқитиш ҳуқуқи (16-банди) каби асосий ҳуқуқлар белгиланган.⁷ Бундан ташқари, 1990 йилги Копенгаген Ҳужжати ҳар бир давлатнинг ўз динини ёки эътиқодини ҳам яқка тартибда, ҳам бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда ибодат қилиш, ўқитиш, амал қилиш ва риоя қилиш орқали намоён этиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш мажбуриятини англатади ва иштирокчи давлатларни ушбу ҳуқуқларнинг амалга оширилишида фақат қонун ҳужжатларида белгиланган ва халқаро стандартларга мос келадиган чекловлар қўлланилишини таъминлаш мажбур қилади (9.4-банди). Шунингдек, 2003 йил Маастрихт ҳужжатида дин ёки эътиқод соҳасида камситмаслик принципини ва мажбуриятларни амалга оширишнинг самарали миллий чоралари орқали давлатнинг дин ёки эътиқод эркинлигини енгиллаштириш мажбуриятини таъминлаш мажбурияти таъкидланган (9-банд). Кейинчалик бу мажбуриятлар ЕХҲТ Вазирлар Кенгашининг 2013 йил қарорида такроран ўз тасдиғини топди.⁸ Уюшиш эркинлиги ҳам ЕХҲТ доирасидаги асосий мажбуриятларида ҳимоя қилинади (бошқалар қаторида, 1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг 9.3-бандини қаранг).⁹

16. Бошқа фойдали маълумотномаларга 1981 йилги БМТнинг диний ва эътиқодга асосланган ҳар қандай муросасизлик ва камситишни йўқ қилиш тўғрисидаги декларацияси (бундан кейин матнда – “1981 йилги БМТ декларацияси”)¹⁰, 1992 йил Миллий ёки этник, диний ва лингвистик озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси,¹¹ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмитасининг умумий шарҳлари,¹²

⁴ БМТ 1989 йил 20 ноябрдаги 44/25 қарори билан қабул қилинган *БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси*. Ўзбекистон Республикаси ушбу Конвенцияга 1994 йил 29 июнда қўшилган.

⁵ Европа Кенгашининг 1950 йил 4 ноябрда имзоланган Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси (бундан буён матнда – матнда – “ЕКИХ”), 1953 йил 3 сентябрда кучга кирди.

⁶ Масалан, ECtHR, *Hasan and Chauch v. Bulgaria*, 30985/96-сонли илтимоснома, 2000 йил 26 октябрдаги қарор; *Bayatyan v. Armenia*, 23459/03-сонли илтимоснома, 2011 йил 7 июлдаги қарор; *Ahmet Arslan and Others v. Turkey*, 41135/98-сонли илтимоснома, 2010 йил 23-февралдаги қарор; *Sürek v. Turkey* (1-сон), 26682/95-сонли илтимоснома, 2004 йил 14 июндаги қарор; *Kokkinakis v. Greece*, 14307/88-сонли илтимоснома, 1993 йил 25 майдаги қарор.

⁷ <<http://www.osce.org/mc/40881><http://www.osce.org/mc/40881>> сайтида.

⁸ *ЕХҲТ Вазирлар Кенгашининг фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги 3/13-сонли қарори* (Киев, 2013 й.).

⁹ Бу ва бошқа ЕХҲТнинг инсонийлик мезони доирасидаги мажбуриятлари ҳақида умумий маълумот олиш учун *“ЕХҲТнинг инсонийлик мезони доирасидаги мажбуриятлари” (Маъзувий тўплам)*, 3-нашр, хусусан 3.1.8 қисмига қаранг.

¹⁰ *БМТнинг Дин ва эътиқодга нисбатан муросасизлик ва камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларацияси*, БМТ Бош Ассамблеяси, 1981 йил 25 ноябр, UN Doc. A/RES/36/55.

¹¹ БМТ Бош Ассамблеянинг 1992 йил 18 декабрдаги 47/135 қарори билан қабул қилинган *Миллий ёки этник, диний ва лингвистик озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларацияси*.

¹² Хусусан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари кўмитаси, *22-сонли Умумий шарҳ: Фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқи (ФСХҲПнинг 18-моддаси)*, 1993 йил 27 сентябр, CCPR/C/21/Rev.1/Add.4; ва *19-модда бўйича 34-сонли Умумий шарҳ. Фикр билдириш ва ифодалаш эркинликлари* 12 сентябр 2011 йил, CCPR/C/GC/34.

БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг ҳисоботлари¹³ ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашининг тегишли қарорлари¹⁴ киради.

17. Қабул қилинган тавсиялар, шунингдек, тегишли равишда, мажбурий бўлмаган Диний ва эътиқодга оид қонунчилик бўйича 2004 йилги ЕХХТ/ДИИХБ-Венеция Комиссиясининг Қўшма асосий принциплари¹⁵ (бундан буён матнда – “2004 йилги Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар”), 2014 йилги ЕХХТ/ДИИХБ-Венеция комиссиясининг Диний жамоаларнинг ва муайян эътиқодларга амал қилувчи жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплари¹⁶ (бундан буён матнда – “2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар”), 2015 йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар¹⁷ ва ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича йўриқномаси (2019 й.)¹⁸ каби бошқа ҳужжатларга таянади.

В. Миллий ҳуқуқий асослар

18. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳар кимнинг виждон эркинлиги ва “*хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи*” кафолатланган. Конституциянинг 57-моддасида “*миллий ва диний руҳдаги сиёсий партиялар*” тақиқланган. Конституциянинг 61-моддасига биноан, “*Диний ташкилотлар ва бирлашмалар давлатдан ажратилган ҳамда қонун олдида тенгдирлар*” ва “*давлат диний бирлашмаларнинг фаолиятига аралашмайди*”. Конституциянинг 18-моддасида бошқалар қаторида дин ва эътиқод асосида камситишни умумий ҳолда тақиқланган.

19. Конституциянинг 20-моддасида умуман ҳуқуқлар ва эркинликларни амалга оширишни чеклаш билан боғлиқ аниқ бир қоидалар мавжуд бўлиб, унда бундай ҳаракатлар “*бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт*” эканлиги келтирилган.

20. Виждон эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш, диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш, уларнинг мақоми ва мажбуриятлари ва уларнинг бекор қилинишини тартибга солувчи қоидалар ҳозирги кунда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонунда (1998 й., охириги марта 2018 йилда ўзгартирилган) белгиланган.¹⁹ Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг²⁰ ва Жиноят кодексининг²¹ бир нечта қоидалари бунга тегишлидир, чунки уларда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишга таъсир кўрсатадиган маъмурий ва жиноий жазо чоралари келтирилган (кейинги қисмларда кўриб чиқинг).²² Бундан ташқари,

¹³ <<http://www.ohchr.org/EN/Issues/FreedomReligion/Pages/Annual.aspx>> сайтида.

<<http://www.ohchr.org/EN/Issues/FreedomReligion/Pages/Annual.aspx>> сайтида.

¹⁴ <http://ap.ohchr.org/documents/dpage_e.aspx?m=86> сайтида.

¹⁵ ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси, *Дин ёки эътиқодга оид қонунчиликни қайта кўриб чиқиш бўйича қўшма* (2004 й.), CDL (2004)061 (бундан буён матнда – “2004 йилги Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича асосий принциплар”).

¹⁶ ЕХХТ/ДИИХБ-Венеция комиссиясининг *Диний жамоаларнинг ва муайян эътиқодларга амал қилувчи жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплари* (2014 й.), CDL(2014)029-е (бундан буён матнда – “2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар”).

¹⁷ ЕХХТ/ДИИХБнинг *Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплари* (2015 й.) (бундан буён матнда – 2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁸ ЕХХТ/ДИИХБнинг *Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўшма* (2019 й.)

¹⁹ <<http://www.legislationline.org/topics/country/45/topic/78> <http://www.legislationline.org/topics/country/45/topic/78>> саҳифаларида инглиз ва <<https://lex.uz/docs/65089#65280>><<https://lex.uz/docs/65089#65280>> рус тилларида мавжуд.

²⁰ <<https://lex.uz/docs/97661>><<https://lex.uz/docs/97661>> сайтида мавжуд.

²¹ <<https://lex.uz/docs/111457>><<https://lex.uz/docs/111457>> сайтида мавжуд.

²² Хусусан, **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 240-моддаси**, унга кўра “*нолегал диний фаолият билан шуғулланиш, диний ташкилотлар раҳбарларининг мазкур ташкилотлар уставини рўйхатдан ўтказишдан бош тортиши, диндорлар ва диний ташкилотлар аъзолари томонидан болалар ва ўсмирларнинг махсус йиғилишлари, шунингдек диний маросимга алоқаси бўлмаган меҳнат, адабиёт ва бошқа хилдаги тўғарақлар ҳамда гуруҳларни ташкил этиш ва ўтказиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача бўлган миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади. Бир конфессияга мансуб диндорларни бошқасига киритишга қаратилган хатти-ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа миссионерлик фаолияти – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача*

видеоконференциялар пайтида таъкидланганидек, кўплаб қарорлар ва қонуности ҳужжатлар дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишнинг турли жиҳатларини тартибга солади ва Қонун лойиҳаси ушбу қоидаларни яхлитлашга қаратилган. Умуман олганда, бу мақтовга сазовор мақсаддир.

С. Қонун лойиҳасининг амал қилиш доираси ва мақсади

21. Қонун лойиҳасида *"виждон ва дин эркинлиги"* таърифи келтирилган. Аммо моҳиятига кўра, Қонун лойиҳаси ўз динига эътиқод қилиш ҳуқуқидан фойдаланишни тартибга солади. Шунга қарамай, ФСХҲПнинг 18-моддаси сўзсиз ҳимоя қилинадиган фикр ва виждон эркинликлари (ёки ўз хоҳишига кўра дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки қабул қилиш эркинлиги) бўйича чекловларга йўл қўйилмаслигини таъкидлаш муҳимдир. *"Виждон эркинлиги"* ва *"дин ёки эътиқод эркинлиги"* ўртасидаги фарқ уларнинг субъектлари нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир, чунки ўз моҳиятига кўра виждон эркинлиги ҳуқуқи шахс ҳуқуқи бўлиб, унинг юридик шахслар ва жамоалар томонидан амалга оширилиши мумкин эмас.²³

22. Қонун лойиҳасида, авваламбор, *"дин"/"диний эътиқод"* таърифлари келтирилган, аммо диний бўлмаган эътиқод эркинлиги ҳақида сўз юритилмаган ва шунга қарамасдан баъзи қоидаларда *"эътиқод"* сўзи келтирилган.²⁴ Шундай қилиб, Қонун лойиҳаси диний бўлмаган *"эътиқод"*ни ҳам қамраб олиши ёки олмаслиги аниқ эмас. Бироқ, ФСХҲПнинг 18-моддаси ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар²⁵ каби нафақат дин эркинлигини, балки

муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади" ва такроран содир этилган тақдирда **Жиноят кодексининг 216²-моддасига** биноан шундай жиноий жавобгарликни келтириб чиқарадики, унга кўра *"уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазо"*си тайинланган; **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 184¹-моддаси**, унга кўра *"Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади"* ва **184²-моддага** кўра *"диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиб кириш ёки тарқатиш – материалларни ва уларни тайёрлаш ҳамда тарқатиш учун тегишли воситаларни мусодара қилиб, фуқароларга базавий ҳисоблаш миқдорининг йегирига бараваридан юз бараваригача, мансабдор шахсларга эса – эллик бараваридан юз эллик бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади"*. Такрорий содир этилса, **Жиноий кодексининг 244³-моддасига** мувофиқ, *"базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазо"* ланиш назарда тутилган. **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 202¹-моддаси**, унга кўра *"Ўзбекистон Республикасида ғайриқонуний нодавлат нотижорат ташкилотлари, оқимлар, секталар фаолиятида қатнашишга ундаш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади"* ва такроран содир этилган бўлса, **Жиноят кодексининг 216¹-моддасига** биноан *"уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо"*си тайинланади; **Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 241-моддаси**, унга кўра *"махсус диний маълумоти бўлмағи туриб ва диний ташкилот бошқаруви марказий органининг рухсатсиз диний таълимотдан сабоқ бериш, худди шунингдек хусусий тартибда диний таълимотдан сабоқ бериш – базавий ҳисоблаш миқдорининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади"* ва такроран содир этилса, **Жиноят кодексининг 229²-моддасига** мувофиқ *"уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазо"*си тайинланади. Бундан ташқари, **Жиноят кодексининг 156-моддаси 2-бандига** мувофиқ *"миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга, диний эътиқодига ёки даҳрийлигига қараб, фуқароларнинг ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар, шунингдек, миллий, ирқий, этник мансублиги ёки динга муносабатига қараб, фуқароларнинг ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ёхуд уларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш – икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади"* ҳамда **Жиноят кодексининг 216-моддасида** *"ғайриқонуний жамоат уюштишлари ёки диний ташкилотларни қонунга хилоф равишда тузиш ёки уларнинг фаолиятини тиклаш, шунингдек бундай бирлашмалар ёки ташкилотлар фаолиятида фаол қатнашиш – базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш"* тайинланган.

²³ Европа даражасида таққослаш мақсадида қаранг, Европа инсон ҳуқуқлари комиссияси, [Kontakt-Information-Therapie and Hagen v. Austria](#) 11921/86-сонли маълумотнома, 1988 йил 12 октябрдаги қарор.

²⁴ "Эътиқодлар" сўзининг келтирилганлигини қонун лойиҳаси 4-модданинг 3-бандида ("дин ёки бошқа эътиқодлар"), 6-модданинг 4-бандида ("диний ёки атеистик эътиқодлар") ва 6-модданинг 6-бандида ("дин ёки эътиқод") кўринг.

²⁵ Хусусан, ЕХХТ, [ЕХХТнинг Инсонийлик мезони бўйича конференциянинг Копенгаген йиғилиши ҳужжати](#) (Копенгаген, 1990 йил 5 июн - 29 июл), 5 ва 5.12-бандлари; ва [ЕХХТ Вазирлар Кенгашининг фикр, виждон, дин ва эътиқод эркинлиги тўғрисидаги 3/13-сонли қарори](#) (Киев, 2013 й.). ЕХХТнинг инсонийлик мезони доирасидаги бошқа мажбуриятлари ҳақида умумий маълумот олиш учун ["ЕХХТнинг инсонийлик мезони доирасидаги мажбуриятлари"](#) (*Маъзуевий тўплам*), 3-нашр, хусусан 3.1.8 қисмига қаранг.

"этикод эркинлиги"ни²⁶ ҳам кафолатлайди. Бундан ташқари, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси "фикр эркинлиги" ва "виждон эркинлиги" дин ёки этикод эркинлиги билан бир хил даражада ҳимоя қилинишини,²⁷ аниқ таъкидлаган. Шу билан бирга ФСХПнинг 18-моддаси билан ҳимояланган қиймат тизимлари турларига, шу жумладан, диний, ғайритабиий ва атеистик этикодларга, шунингдек, бирон бир дин ёки этикодга этикод қилмаслик ҳуқуқига потенциал кенг талқин берилади.²⁸ Шу муносабат билан Қонун лойиҳасининг 6-модда 4-бандидаги "*атеистик этикодлар*" таърифининг алоҳида тарзда келтирилиши (масалан, инсонпарварликни истисно этиши) ҳаддан ташқари чекловчи моҳиятга эга.

23. Қонун лойиҳасидаги жамоавий жиҳатларга оид барча қоидаларда (диний бўлмаган) этикодга асосланган ташкилотларга эмас, балки фақат "*диний ташкилотларга*" ҳаволалар мавжуд.²⁹ "Диний ташкилотлар"нинг алоҳида келтирилиш "*диний ташкилотлар*" ва диний бўлмаган "этикодга асосланган ташкилотлар" ўртасидаги тафовутни назарда тутати. Агар этикод асосидаги бирлашмалар нодавлат нотижорат ташкилотларга ёки бирлашмаларга мўлжалланган алоҳида қонунчилик доирасида рўйхатдан ўтолмаса, бундай ёндашув асоссиздир. Бу тафовутнинг олиб ташланиши уларга "*диний ташкилотлар*"га кафолатланган ҳимояни тақдим этарди. Видеоконференциялар давомида давлат органлари (диний бўлмаган) этикод гуруҳлари нодавлат ёки нотижорат ташкилотларига тегишли бошқа қонунларга мувофиқ рўйхатдан ўтишлари мумкинлигига аниқлик киритдилар, шунингдек диний ташкилотлар баъзи имтиёзлар ёки афзалликлардан, масалан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги қарорига биноан коммунал тўловларни тўламасликларини таъкидладилар. Эслатиб ўтамиз, Қонун лойиҳасининг 21-моддаси 2-бандига биноан ҳам диний ташкилотлар давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахсларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан судга мурожаат қилишда давлат божи тўлашдан озод қилинади. Шунга ўхшаш афзалликлар ёки имтиёзлар нодавлат ёки нотижорат ташкилотларига нисбатан қўлланилиши аниқ эмас.

24. Қонун лойиҳаси доираси диний бўлмаган этикодларни ўз ичига оладими деган ноаниқликни олдини олиш учун **Қонун лойиҳасининг номи ва матнига "фикр, виждон, дин ёки этикод эркинлиги" таърифини киритиш ва Қонун лойиҳасида ФСХПнинг 18-моддаси ва ЕХТнинг тегишли мажбуриятларига мувофиқ ҳам диний бўлмаган этикод, ҳам диний ташкилотлар қамраб олинишини таъминлаш тавсия этилади.**³⁰ **Бошқа қонуний ҳужжатларда этикод ташкилотларига тенг ҳимоя ва муносабат таъминланганидагина, Қонун лойиҳасида этикод эркинлигининг индивидуал жиҳатларини тартибга солиш кифоя қилади**

²⁶ 15-сонли ҳаволага қаранг, II.A.3-қисм, 4-5-бетлар (2004 йилги Дин ва этикод эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

²⁷ 12-ҳаволанинг 1-бандга қаранг (БМТ ИХҚнинг 1993 йилги 22-сонли Умумий изоҳи).

²⁸ Худди шу ерда, 1-2-бандлар (БМТ ИХҚнинг 1993 йилги 22-сонли Умумий изоҳи). ИХЕС фикрига кўра ИХЕКнинг 9-моддаси доирасига қиради деб топилган пацифизм, атеизм ва веганизм каби қадриятлар тизимларига ёки коммунизм каби баъзи сиёсий мафкураларга эътибор қаратинг; Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа комиссияси ишларига қаранг: [Arrowsmith v. the United Kingdom](#), 7050/75-сонли илтимоснома, 1977 йил 16 майдаги қарор; [Angelini v. Sweden](#), 10491/83-сонли илтимоснома, 1986 йил 3 декабрдаги қарор; [W. v. the United Kingdom](#), 18187/91-сонли илтимоснома, 1993 йил 10 февралдаги қарор; [Hazar, Hazar and Acik v. Turkey](#), 16311/90, 16312/90 ва 16313/90-сонли илтимосномалар, 1991 йил 11 октябрдаги қарор.

²⁹ "Этикод" атамасининг маъносини 16-ҳаволадаги манбага қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). Унда "дин" ва "этикод" атамаларининг "*кенг талқин қилиниши кераклиги*" ва "*дин ёки этикод эркинлиги амалга оширилиши белгиланиши бошланғич нуқтаси дин ёки этикоднинг ўзи-ўзини идентификацияси бўлиши керак, гарчи, шубҳасиз расмийлар маълум мақсадга эришиш учун ушбу шартларнинг муайян ҳолатга тегишлилигини аниқлаш мақсадида маълум бир объектив, расмий критерийлардан фойдаланиш ваколатларига эгадирлар*" дейилган бўлиб, "*жуда кўп хилма-хил динлар ва этикодлар мавжуд*"дир ҳамда "*дин ёки этикод эркинлиги анъанавий динлар ва этикодлар ёки институционал хусусиятларга эга бўлган динлар ва этикодлар ёки ушбу анъанавий қарашларга ўхшаш амалиётлар билан чекланмайди*" деб таъкидланган; 15-ҳаволанинг II.A.3 қисмига ҳам қаранг (2004 йилги Дин ва этикод эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

³⁰ Шунга ўхшаш қоидалар бўйича ўхшаш тавсияларни, масалан, ДИИХБ/Венеция комиссиясининг [Арманистон Республикасининг Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунига ўзгартиришлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича Қўшма хулосаси](#)га қаранг (2018 йил 20 март), CDL-AD(2018)002, 18-20-бандлари.

25. Қонун лойиҳасининг 4-моддасида "виждон эркинлиги" "фуқароларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмасликдан иборат кафолатланган конституциявий ҳуқуқи" деб таърифланган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқини аниқ белгилаш тавсия этилади. Шундай қилиб, ушбу ҳуқуқ фақат дин ёки эътиқодни тан олиш ёки қабул қилмаслик билан чекланмайди. Бу фикр ва виждоннинг мутлақ ички ўлчамидан (дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки уни қабул қилиш ёки динни ёки эътиқодни ўзгартириш ҳуқуқини ўз ичига олади) ва ибодат қилиш, ўқитиш, риоя қилиш ва амалда ёлғиз ёки бошқалар билан жамоат шаклидаги ташқи кўринишлардан иборат. Ушбу элементларнинг бирортаси 4-моддада кўрсатилган таърифлар орасида келтирилмаган. Ушбу таъриф янада кенгроқ бўлиши керак ва ФСХПнинг 18-моддасидаги қуйидаги таъриф бу борада фойдали бўлиши мумкин: "танлаган дин ёки эътиқодга эга бўлиш ёки уни қабул қилиш эркинлиги ва дин ёки эътиқодига ҳам яқка тартибда, ҳам бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда ибодат қилиш, диний ва маросим амалларини бажариш ва ўқитиш билан шуғулланиш эркинлиги".³¹

26. Қонун лойиҳасининг бир қатор қоидалари "фуқаролар"га³² тегишли бўлиб, унда фуқаро бўлмаганларнинг қонуний манфаатлари тенг равишда ҳимоя қилиниши мумкин эмас деган фикр билдирилган бўлса-да, видеоконференция давомида давлат ҳокимияти органлари қонун лойиҳасининг 6-моддаси 2-бандига мувофиқ чет эл фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар фуқаролар билан тенг равишда ушбу қонун билан кафолатланган барча ҳуқуқлардан фойдаланишини таъкидладилар. Гарчи Конституциянинг 31-моддасида "ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади" ва "ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга" эканлиги назарда тутилган бўлса-да, қонун лойиҳасининг қоидалари янада бошқа чекловларга йўл қўяётганлиги кўринади. Муаллифларнинг қонунни ҳимоя қилишни фуқаролиги бўлмаганларга нисбатан тенг равишда татбиқ этиш ниятини эътироф этган ҳолда, асосий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатлари нафақат фуқароларга,³³ балки ҳаммага ҳам тегишли эканлигини аниқ баён этилсин, **қонун лойиҳаси матнида фақат "фуқаролар" таърифини келтиришдан кўра ҳолатга қараб "барча шахслар" ёки "ҳамма" таърифларига устунлик бериш афзалроқ бўлади.** Бундай ёндашув Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасига ҳам тўғри келади.

27. Қонун лойиҳасининг мақсадини тавсифловчи 1-модда "конфессиялараро ва миллатлараро тотувликни сақлаш" нинг умумий мақсадига ишора қилади. Шунга ўхшаш сўзлар Қонун лойиҳасининг 17-моддаси 3-бандида диний соҳадаги маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг роли ва ваколатларини тавсифлашда ва ушбу уйғунликнинг бузилишига ҳисса қўшувчи миссионерлик фаолияти ва прозелитизмнинг тақиқланиши келтирилган 11-модданинг 5-бандида қўлланилади. Бундай мақсад қонуний ва муҳим мақсад бўлишига қарамасдан, етакчи принцип шахсий ва жамоавий дин ёки эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва тарғиб қилиш бўлиши керак. Бундан ташқари, бундай иборалар қонунларнинг чекланган талқин қилинишига олиб келиши мумкин ва диний ва конфессионал плюрализм ҳар хил шахслар ва гуруҳлар томонидан зиддият сабабларини шахслар дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан тўлиқ фойдаланиши орқали

³¹ Гарчи Ўзбекистон Республикаси Европа Кенгашининг аъзоси эмаслигига қарамасдан, ИХЕКнинг 9-моддасида келтирилган таъриф фойдали ҳавола сифатида хизмат қилиши мумкин: "Ҳар ким фикрлаш, виждон ва дин эркинлигига ҳақлидир; бу ҳуқуқ ўз динини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлигини ва ҳам яқка тартибда, ҳам бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда ибодат қилиш, ўқитиш, унга риоя қилишни ўз ичига олади".

³² Масалан, 1, 3-моддаларга ("диний ташкилот" ва "маҳаллий диний ташкилот" таърифлари), 4-модданинг 1 ва 3 ва 6-бандларига, 4-модданинг 2, 10-13, 15-16, 19, 34 ва 41-бандларига қаранг. Хусусан, 3-модданинг 8-бандида ва 3-модданинг 10-бандида диний ташкилот "фуқароларнинг ихтиёрий уюшмаси" деб номланади ва 34 (с) моддаси маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг бири сифатида "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг имзолари" бўлган ҳужжат назарда тутилган; ва қонун лойиҳасининг 11-моддасида чекловларнинг қонуний асослари сифатида "фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликлари" ва "фуқароларнинг соғлиги ва ахлоқига зиён етказиш" ҳолатлари кўрсатилган.

³³ Масалан, ДИИХБ, [Туркманистон Конституцияси лойиҳасига шарҳлар](#) (2016 й.), 132-бандга қаранг. Шунингдек, Венеция Комиссияси, [Руминия Конституциясини қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги хулоса](#), CDL-AD(2014)010, 2014 йил 24 март, 49-банд; [Болгария Конституцияси тўғрисидаги хулоса](#), CDL-AD(2008)009, 2008 йил 31 март, 55-57-бандлар.

бартараф этиш ўрнига турли диний ёки эътиқод гуруҳлари ўртасида зиддиятларни келтириб чиқарадиган ҳолатларда диний ва конфессионал плюрализмнинг чекланиши ёки йўқ қилинишига олиб келиши мумкин.³⁴ **Конфессиялараро ва миллатлараро тотувликни сақлашга оид ҳаволани қайта кўриб чиқиш ва унинг ўрнига шахсий ва жамоавий дин ёки эътиқод эркинлигини ҳурмат қилиш, ҳимоя қилиш ва тарғиб қилишга эътибор қаратиш тавсия этилади.**

D. "Динни давлатдан ажратиш" ва диний ташкилотларнинг автономияси/мустақиллиги

28. Қонун лойиҳасининг 5-моддасида виждон эркинлигини таъминлашнинг асосий тамойиллари, яъни «*тенглик; қонун устуворлиги; диний ташкилотлар фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлиги; диннинг давлатдан ажратилганлиги*» санаб ўтилган. Дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг асосий кафолатларини ташкил этувчи баъзи бошқа тартибга солувчи тамойиллар ҳам Қонун лойиҳасининг 5-моддасида назарда тутилиши мумкин. Бунга Қонун лойиҳасининг 9-модданинг 4-бандида келтирилган диний ва эътиқод асосидаги жамоалар ва ташкилотларнинг автономлиги ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи принципи ва жамоаларни ва уларнинг автономияларини яхшироқ ҳимоя қиладиган давлатнинг ҳолислиги ва бетарафлиги принципи киради.³⁵

29. Қонун лойиҳасининг 5 ва 8-моддаларида "*диний ташкилотлар фаолиятининг шаффофлиги ва очиқлиги*" га ҳавола қилинган бўлиб, уларда "*диний ташкилотлар ўз фаолиятини давлат органлари ва ижтимоий муассалар билан ҳамкорликда очиқ ва шаффоф амалга*" ошириши қайд қилинган. Ушбу қоидалар ноаниқ бўлиб амалда давлатнинг диний ёки эътиқод ташкилотлари ишларига аралашishi эҳтимолига йўл қўйиб бериши мумкин, бу эса ҳаддан ташқари чекловчи ва ўзбошимчалик чораларига олиб келади. Шунингдек, улар диний ёки эътиқод ташкилотлари учун улардан кутилиши мумкин бўлган нарсалар бўйича аниқ ва тахмин қилинадиган мажбуриятларни ўз ичига олмайди ва сермашаққат ҳисоботларни ёки дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига асоссиз аралашувга олиб келадиган бошқа талабларни қўйишга олиб келиши мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш керакки, очиқлик ва шаффофлик ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-бандида келтирилган чекловларни оқлайдиган қонуний мақсадлар сифатида кўрсатилмаган. **Шунинг учун Қонун лойиҳасига бундай ибораларни киритиш масаласини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.**

30. Қонун лойиҳасининг 9-моддасида "*динни давлатдан ажратиш*" тамойили батафсил баён этилган. 9-модданинг 2-бандида давлат "*диний ақидапарастлик ҳамда экстремизмга, муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга, турли конфессиялар ўртасида адоватни авж олдиришга қаратилган хатти-ҳаракатларга йўл қўймайди*" дейилган. Биринчидан, халқаро миқёсда "экстремизм", "зўравон экстремизм" ёки "фундаментализм" атамаларининг меъёрий таърифи бўйича келишув мавжуд эмас.³⁶ ЕХҲТ/ДИИХБ, Венеция комиссияси ва бошқа халқаро ташкилотлар ҳуқуқий тушунчалар сифатидаги "экстремизм"/"экстремистик" ва "фундаментализм" билан боғлиқ муаммоларни ва бундай атамаларнинг ноаниқ табиатини, хусусан жиной

³⁴ Масалан, таққослаш мақсадида қаранг: ИҲЕС, [Metropolitan Church of Bessarabia and Others v. Moldova](#), 45701/99-сонли илтимоснома, 2001 йил 13-декабр қарори, 116-банд, унда "ҳокимиятнинг бундай ҳолатдаги роли вазиятлар плюрализмни йўқ қилиш орқали кескинлик сабабларини бартараф этишдан эмас, балки рақобатдош гуруҳларнинг бир-бирига нисбатан бағрикенглигини таъминлашдан иборатдир"; шунингдек қаранг: [Serif v. Greece](#), 38178/97-сонли илтимоснома, 1999 йил 14 декабрдаги қарор, 53-банд.

³⁵ 15-ҳаволадаги манбанинг II.B.4 ва II.D қисмларига қаранг (2004 йилги Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар). Европа даражасида таққослаш учун ИҲЕС, [Metropolitan Church of Bessarabia and Others v. Moldova](#), 45701/99-сонли илтимоснома, 2001 йил 13-декабр қарори, 116-бандига қаранг.

³⁶ Масалан, БМТнинг терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси (бундан буён матнда – "БМТнинг терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси"), [2015 йилги тематик ҳисоботу](#), А/НRC/31/65, 2016 йил 22-феврал, 11 ва 21 бандларини кўринг. Унда "зўравон экстремизмнинг олдини олиш ёки унга қарши курашиш бўйича кўплаб ташаббусларга қарамай, зўравон экстремизмнинг умумий тироф этилган таърифи йўқ. Бу ҳали хануз мавжум концепция бўлиб қолмоқда" дейилган.

қонунчилик контекстида кўтаришди.³⁷ Амалда, бундай атамаларнинг ноаниқлиги, давлатларга юқори даражадаги номутаносиб ва камситувчи чоралар кўришга имкон бериши мумкин³⁸, чунки инсон ҳуқуқлари мониторинги халқаро механизмларининг хулосалари кўрсатиб шуни турибдики, бундай ҳолат “экстремизм” айбловлари ва дин, эътиқод, фикр билдириш, бирлашиш ва тинч йиғилиш эркинликлари ҳуқуқларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида ноқонуний ҳибсга олишлар, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз муомалалар каби доимий муаммоларга ишора қилади.³⁹ “Экстремизм” ва “фундаментализм” атамаларидан фойдаланиш диний ёки эътиқод жамоалари устидан давлат назоратини сезиларли даражада ошириши ва улар томонидан амалга оширилган қонуний фаолиятни жинойий жавобгарлик сифатида баҳолашига олиб келиши мумкин.⁴⁰ Бир қатор халқаро ташкилотлар ушбу атамаларнинг ноаниқлиги ва уларни ҳаддан ташқари камситувчи ҳолда суиистеъмол қилиш эҳтимолини ҳисобга олган ҳолда “экстремизм” ёки “диний экстремизм” каби тушунчаларга асосланадиган ёки уларга ишора қилувчи қонуний ёки бошқа чораларни кўришни рад этишни тавсия қилди.⁴¹ Шунга ўхшаб, турли хил эътирофлар ўртасидаги “*муносабатларни қарама-қарши қўйиш ва кескинлаштиришга қаратилган хатти-ҳаракатлар*” ибораси шунчалик кенг ва умумийдирки, у шунчаки расмийлар томонидан қабул қилинадиган зарарни субъектив баҳолашга асосланиб, аслида қонуний бўлган ҳаракатлар ва тадбирларнинг аниқланмаган сонини ўз ичига олиши мумкин. Кенг ва ноаниқ сўзлар туфайли **ушбу қоида уни амалга ошириш вазифаси юклатилган давлат ҳокимияти органларига жуда катта ихтиёрий чегарани беради, шу сабабли ўзбошимчалик билан иш кўриш ва изоҳлашга олиб келади ва шу тариқа дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини асоссиз равишда чеклайди ва қайта кўриб чиқилиши керак.**

31. Қонун лойиҳасининг 9-моддаси 4-бандида “*давлат ... диний ташкилотларнинг қонун ҳужжатларига зид бўлмаган фаолиятига аралашмайди*” дейилган. Бироқ, қонунчилик диний ташкилотлар фаолиятига фақат ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-бандида

³⁷ БМТнинг Терроризмга қарши кураш ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачисининг “[Зўравонлик экстремизмининг олдини олиш ва унга қарши курашиш сиёсати ва амалиётининг таъсири тўғрисида ҳисоботи](#)”, 2020 йил 21 феврал, A/HRC/43/46, 12-14 бандлари; БМТнинг Маданий ҳуқуқлар бўйича махсус маърузачиси, [Фундаментализм ва экстремизм феноменлари тўғрисидаги маъруза](#), 2017 йил 16-январ, A/HRC/34/56, 10-11 бандлари; ва БМТнинг [Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2018 йилда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тавсиялари](#), A/HRC/37/49/Add.2, 2018 йил 22-феврал, 51-банд, бунда “экстремизм” ва “фундаментализм” каби ноаниқ атамалар жинойий-ҳуқуқий тоифалар сифатида ишлатилганда, ҳуқуқий аниқлик тамойилига, шунингдек айтиб ўтилган асосий ҳуқуқларга мос келмайди” деб таъкидланган; шунингдек, 18-сонли ҳаволада келтирилган манбанинг 31-32 ва 35-бетларига қаранг (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси), бунда “экстремизм” – “бу умумий қабул қилинган таърифга эга бўлмаган, жуда кенг ва ноаниқ тарзда талқинлишига имконият қолдирадиган ва қонунларни ўзбошимчалик билан қўллаш эҳтимолига йўл қўйиб берадиган ноаниқ атамадир” дейилган; ЕХХТ/ДИИХБ, [Молдова Республикасининг Экстремистик фаолиятга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳақидаги хулоса](#) (2019 йил 30-декабр), 13-16-бандлар; ЕХХТ/ДИИХБ, [Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизм”га қарши курашиш тўғрисидаги қонун тўғрисида хулоса](#) (2019 йил 22-ноябр), 12-16-бандлари; ЕХХТ/ДИИХБ, [Қозғолистон Республикасида “Экстремизм ва терроризмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунчилик базасига ўзгартиришлар киритиш лойиҳаси бўйича дастлабки хулоса](#) (2016 йил 6 октябр), 21-24 бандлар; Венеция комиссияси, [Россия Федерациясининг экстремистик фаолиятига қарши курашиш тўғрисидаги Федерал қонун ҳақидаги хулоса](#), CDL-AD(2012)016-е, 15-16 июн 2012 йил, 30-банд; шунингдек, ЕХХТ/ДИИХБ, [Инсон ҳуқуқлари химоячиларини химоя қилиш бўйича асосий принциплар](#) (2014 й.), 100, 205 ва 213 бандлар; ЕХХТ/ДИИХБ, [Инсон ҳуқуқлари доирасида хорижий террорчи жангчилар билан боҳлиқ таҳдид ва қийинчиликларга қарши курашиш бўйича асосий принциплар](#), 2018 йил сентябр, 21 ва 31-бетлар; ва ЭХХТ, [Терроризмнинг олдини олиш ва зўравон экстремизмга қарши кураш ва терроризмга олиб келадиган радикализация: жамоат билан биргаликда иш олибориш ёндашуви](#) (2014й.), 2.3.1-бўлим.

³⁸ БМТнинг Терроризм ва инсон ҳуқуқлари бўйича махсус маърузачиси, [БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссиясига тақдим этилган ҳисобот](#), UN Doc. A/HRC/40/52, 2019 йил 1 март, 19-бандга қаранг.

³⁹ ФСХМ, [Ўзбекистоннинг бешинчи даврий ҳисоботи бўйича якуний қузатувлар](#), 2020 йил 1 май, CCRP/C/UZB/CO/5, 20-21 ва 42-бандлари; [БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2018 йилда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тавсиялари](#), A/HRC/37/49/Add.2, 22, 2018 йил 22-феврал, 98 ва 101 бандлари; ва БМТ Бош ассамблеяси, [Ўзбекистон Республикаси бўйича Умумжаҳон даврий текширув ишчи гуруҳининг ҳисоботи](#), A/HRC/39/7 (2018 йил 9-июл).

⁴⁰ БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг изоҳлари, E/CN.4/2005/61/Add 1, 152-банд; ва ЕХХТ/ДИИХБ, [Ўзбекистон Республикасида Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида қўшма хулоса](#), CDL-AD(2008)032-е, 14-банд.

⁴¹ Қаранг, масалан, 18-ҳаволада келтирилган манбанинг 31-32 ва 35-бетларига қаранг (2019 йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси); ва БМТнинг Терроризм ва инсон ҳуқуқларига қарши кураш бўйича махсус маърузачиси, [2020 йилги Зўравон экстремизмнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш сиёсати ва амалиётининг инсон ҳуқуқларига таъсири тўғрисидаги ҳисобот](#), 2020 йил 21 феврал, A/HRC/43/46, 52 (b) банди.

кўрсатилган мақсадларни ҳимоя қилиш учун зарур бўлган даражада тўсқинлик қилиши мумкин. Бу шуни англатадики, бундай ташкилотларнинг эркинлигини бузадиган қонунчилик ФСХПнинг 18-моддаси 3-банди асосида амал қилиши керак. Диний ташкилот фаолиятининг қонунга "зид" бўлганлигини келтириш, ушбу меъёр талабларини акс эттириш ва уларга риоя қилиш мақсадида ўзгартирилиши керак.⁴²

32. 9-модданинг 4-бандида қўшимча равишда, давлат "диндорларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлашга" йўл қўймаслиги келтирилган. Бундай қоида ғоялар, эътиқодлар ёки мафқуралар, диний ёки диний муассасалар ёки диний раҳбарларга қарши қаратилган танқидни ёки диний таълимотларни ёки эътиқодларни танқид қилишни олдини олиш ёки жазолаш учун ишлатилмаслиги керак.⁴³ Бундан ташқари, шуни таъкидлаш керакки, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси "Пактнинг 20-моддаси 2-бандида келтирилган алоҳида ҳолатлардан (камситиш, душманлик ёки зўравонликка ундаш) ташқари ҳар қандай динга ёки бошқа эътиқод тизимига ҳурматсизликка, шу жумладан куфр қонунларига нисбатан ҳурматсизликка қарши тақиқлар Пактга зид" эканлигини аниқ таъкидлаган.⁴⁴ **Ҳукумат томонидан ҳаддан ташқари кенг ва ўзбошимчалик билан талқин қилинишининг олдини олиш учун "диндорларнинг диний эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш" иборасини Қонун лойиҳасининг 9-моддаси 4-бандидан олиб ташлаш тавсия этилади.**

33. Ниҳоят, Қонун лойиҳасининг 9-моддаси 5-бандида "диний моҳиятдаги сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаси, республикадан ташқарида тузилган диний партияларнинг филиаллари ва бўлимларини тузишга ҳамда уларнинг фаолият юритишига, диний ташкилотларнинг сиёсий партия ва бошқа жамоат бирлашмаларининг сиёсий мақсадларни назарда тутувчи фаолиятида иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа кўмак кўрсатиш" таъқиқланган.

34. Уюштириш эркинлиги ва сўз эркинлиги, шу жумладан сиёсий партияларни яратиш ва фаолиятида, ҳар қандай камситишларсиз, шу жумладан дин ва эътиқод асосида ҳурмат қилиниши керак бўлган индивидуал ва жамоавий ҳуқуқлардир.⁴⁵ Бундан ташқари, [Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миллий ёки этник, диний ва лингвистик озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисидаги декларациясида](#) (1992) "озчиликларга мансуб шахслар ўз ҳуқуқларидан ... ўз гуруҳининг бошқа аъзолари билан ҳеч қандай камситилмасдан яқка тартибда ва биргалликда фойдаланишлари мумкин". (3-

⁴² ФСХПнинг 18-моддаси 3-бандида таъкидланганидек, "ўз динига ёки эътиқодига амал қилиш эркинлиги фақат қонун билан белгиланган ва жамоат ҳаёфсизлиги, тартиб, соғлиқ ёки ахлоқни, бошқаларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган чекловларга чалиниши мумкин".

⁴³ 12-хаволада келтирилган манбанинг 48 банди (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитасининг 34-сонли Умумий изоҳи); ва Венеция Комиссиясининг [Сўз эркинлиги ва дин эркинлиги ўртасидаги алоқалар тўғрисида ҳисоботи: Күфрни, диний ҳақоратни ва диний нафратни қўзғашни тартибга солиш ва судга бериш масаласи](#), CDL-AD(2008)026-е, 76-банд. ИҲЕС, [Otto-Preminger Institut v. Austria](#) 13470/87-сон илтимоснома, 1994 йил 20 сентябрдаги қарор, 47-банди, бунда "динига эътиқод қилиш эркинлигидан фойдаланишни истаганлар, хоҳ диний кўпчилик, хоҳ озчиликка мансуб бўлишига қарамасдан, барча танқидлардан озод бўлишини оқилонга тарзда кутмаслиги ва бошқалар тарафидан уларнинг динининг инкор этилишларига ва ҳатто бошқалар томонидан уларнинг эътиқодларига душманлик муносабатларида бўлган таълимотларнинг тарқатилишига тоқат қилишлари ва уларни қабул қилишлари керак", "диний эътиқод ва таълимотларнинг қай тарзда рад ёки инкор этилиши – бу давлатнинг жавобгарлигини, хусусан ушбу эътиқод ва таълимот эгалари учун 9-моддада кафолатланган ҳуқуқнинг тинчлик билан амалга оширилишини таъминлаш жавобгарлигини келтириб чиқариши мумкин бўлган масаладир", хусусан "9-моддада кафолатланган диндорларнинг диний ҳиссиётларига ҳурмат диний ҳурмат объектларини провокацион тарзда тасвирлаш натижасида бузилган деб оқилонга ҳисобланиши мумкин ва бундай тасвир демократик жамиятнинг ўзига хос хусусияти бўлиши керак бўлган бағрикенглик руҳининг бузилиши сифатида кўрилиши мумкин".

⁴⁴ Қаранг: ўша ерда, 48-банд (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли умумий изоҳи). Шунингдек, БМТнинг фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси, ЕХХТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили, Америка Давлатлари Ташкилоти (ОАС), Сўз эркинлиги бўйича махсус маърузачи, Инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси (АЧПР), Сўз эркинлиги ва маълумотдан фойдаланиш эркинлиги бўйича махсус маърузачи, [2010 йил Фикр эркинлигига таҳдид солувчи ўнта асосий таҳдид тўғрисидаги қўшма декларация](#), 2010 йил 3 феврал, жиний жазога тортиладиган тўхматга бағишланган 2-бўлим.

⁴⁵ ФСХПнинг 2 ва 26-моддалари. 53-бандига қаранг; ва ЕХХТ/ДИИХБ-Венеция комиссияси [Сиёсий партияларни тартиб солиш тўғрисидаги асосий принциплар](#) (2011 й.), 53-банд; [2015 йилги Уюштириш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар](#), 5-тамоийил (30-банд).

модда, 1-банд). Диний эътиқодларнинг сиёсий соҳада намоён бўлиши дин ёки эътиқод, фикр билдириш ва уюшиш эркинлиги ҳуқуқи билан ҳимояланган. Фикр билдириш ва уюшиш эркинлиги ФСХҲПнинг 19-моддаси 2-банди ва 22-моддаси 2-бандининг қонуний мақсадларига эришиш, шу жумладан жамият тартиби, аҳолининг соғлиги ёки ахлоқи, миллий хавфсизлиги ва бошқа шахслар ҳуқуқларини (ёки фикр билдириш учун обрўсини) ҳимоя қилиш сабабли чекланиши мумкин.⁴⁶

35. Уюшиш эркинлигини чеклаш қонуний бўлиши учун сиёсий партиянинг фаолияти ёки мақсадлари давлат ва унинг институтлари учун ҳақиқий хавф туғдириши ва/ёки зўравонлик ишлатишдан иборат бўлиши керак.⁴⁷ Бу ҳолат истисносиз автоматик равишда маълум бир диний конфессия билан боғлиқ ёки унинг номига эга бўлган барча сиёсий партияларга тааллуқли эканига рози бўлиш қийин. Аксинча, бундай чекловлар фақат жамоат тартибига жиддий ва бевосита таҳдид соладиган ва ўз мақсадларига зўрлик билан эришмоқчи бўлган сиёсий партияларга тегишли ҳар бир алоҳида ҳолатга нисбатан қўйилиши мумкин.⁴⁸ Шунга кўра, сиёсий партия фақат диний хусусиятларга эга бўлган партия бўлгани учун тақиқланмаслиги керак. Шуни таъкидлаш керакки, Европа Кенгаши ва ЙХҲТ минтақасида диний эътиқодга асосланган ёки уларнинг таъсири остида ёки диний жамоаларнинг иштироки ва кўмаги остида иш юргизаётган сиёсий партиялар фаолияти одатий ҳолдир.⁴⁹ Бундан ташқари, ушбу қоида нафақат диний эътиқодга асосланган сиёсий баҳсларни чеклаш орқали ФСХҲПнинг 19-моддаси билан ҳимоя қилинадиган сўз эркинлигини бузиши, балки ФСХҲПнинг 25-моддаси билан ҳимоя қилинадиган сиёсий баҳс-мунозараларда диний ёки конфессия ташкилотлари аъзоларининг фикрларини ифода этишини чеклаши мумкин.

36. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **қонун лойиҳасининг 9-моддаси 5-бандида диний атрибутларга эга бўлган сиёсий партияларнинг тўлиқ тақиқланиши, гарчи Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 57-моддасида назарда тутилган тақиқни акс эттирса ҳам, дин ёки эътиқод эркинлиги, фикр билдириш ва бирлашиш эркинлиги тўғрисидаги халқаро меъёрларга мос келмайди, чунки у қандай қонуний мақсадга хизмат қилиши аниқ эмас ва ҳар қандай ҳолатда ҳам "демократик жамиятда зарур" ва хизмат қилган мақсадига номутаносиб деб бўлмайди.**⁵⁰ Шунга ўхшаш ташвиш "**диний моҳиятдаги жамоат бирлашмаси**"ни тузишни тақиқлаш билан боғлиқ. Шунинг учун диний атрибутларга эга бўлган сиёсий партиялар ва жамоат бирлашмаларини тўлиқлай тақиқлаш ушбу Қонун лойиҳасидан чиқариб ташланиши керак.

37. Шунингдек, 9-модданинг 5-бандида диний ташкилотларнинг "**бошқа жамоат бирлашмаларининг сиёсий мақсадларни назарда тутувчи фаолиятида иштирок этишига, шунингдек уларга молиявий ёки бошқа кўмак кўрсатишига**" тақиқланади.

⁴⁶ Ўша ерда, 89-90-бандларга (2011 йилги Сиёсий партияларни тартибга солиш тўғрисидаги асосий принциплар); 9-принцип ва 108-111 бандларига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

⁴⁷ ЕХҲТ/ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг [Қирғизистон Республикаси сиёсий партиялари тўғрисидаги қонун лойиҳаси бўйича қўшма хулосасининг](#) 13-14-бандларига қаранг (2009 й.). Шунингдек, таққослаш мақсадида ИҲЕС, [Refah Partisi \(the Welfare Party\) and Others v. Turkey](#), 41340/98, 41342/98 ва 41344/98-сонли илтимосномалар, 2003 йил 13 февралдаги қарор. Бунда суд қарорига кўра, "дин томонидан ўрнатилган ахлоқий қадриятларга асосланган сиёсий партияни демократиянинг асосий тамойиллари билан табиий равишда мос келмайдиган деб ҳисоблаб бўлмасликка қарамасдан" (100-банд), аммо агар шу партия сиёсий ҳокимиятни қўлга киритиш арафасида эканлиги аниқланса (108-банд) ва партиянинг баъзи бир тақлифлари давлатнинг конституциявий тузумига (59-60, 67, 93-бандлар) ёки асосий демократик тамойилларга зид бўлса (98-банд) бу сиёсий партиянинг давлат томонидан тарқатиб юборилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

⁴⁸ Масалан, ЕХҲТ/ДИИХБ, [Туркменистон конституцияси лойиҳасига шарҳлари](#) (2016 йил 1 сентябр), 168-бандига қаранг. Шунингдек, таққослаш мақсадида, шу ерда, ИҲЕС, [Refah Partisi \(the Welfare Party\) and Others v. Turkey](#), 98-бандига қаранг. Суд қарорига кўра, "сиёсий партия қонунлари ёки давлатнинг ҳуқуқий ва конституциявий тузилмаларини ўзгартиришга икки шароитда ўз ҳиссасини қўшиши мумкин: биринчидан, ушбу мақсадга эришиш учун ишлатиладиган воситалар қонуний ва демократик бўлса; иккинчидан, тақлиф қилинаётган ўзгаришлар асосий демократик тамойилларга моҳияти бўйича мос келиши керак".

⁴⁹ Масалан, ЕХҲТ/ДИИХБ, [Қирғизистон Республикаси дин соҳасида давлат сиёсати концепциясига шарҳлар](#), 42-бандига қаранг (2014-й.).

⁵⁰ Масалан, ЕХҲТ/ДИИХБ, [Туркменистон Конституцияси лойиҳасига шарҳлар](#) (2016 йил 1-сентябр), 168-бандига қаранг. Унга кўра, "44-моддадаги диний хусусиятларга эга бўлган сиёсий партияларнинг тўлиқ тақиқланиши номутаносиб бўлиб қўринади ва қайта кўриб чиқилиши керак".

"Сиёсий мақсадларни назарда тутувчи жамоат бирлашмалари" атамаси ноаниқ бўла туриб, бундай тақиқнинг қонуний мақсади нимадан иборат эканлиги ҳам ноаниқ. Қандай бўлмасин, бу диний ташкилотнинг жамоат манфаатларини кўзлайдиган хайрия ёки нотижорат ташкилотлари ёки уюшмалар ташкил этишига тўсқинлик қилмаслиги керак. **Ушбу тақиқ ҳам қайта кўриб чиқилиши керак (қуйидаги 41-бандга ҳам қаранг).**

Е. Мажбурий рўйхатдан ўтказиш ва рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессиялар гуруҳларни тақиқлаш

38. Қонун лойиҳасининг 3-моддаси 5-бандида *"ноқонуний диний фаолият"* атамаси *"диний ташкилотнинг белгиланган тартибда рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиш"* деб таърифланади. Ушбу қоидада рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотнинг ҳар қандай фаолияти *"ноқонуний"* деб таърифланади ва шу тариқа диний ёки конфессиялар жамоани давлат рўйхатидан ўтказиш дин ва эътиқод эркинлигини жамоавий равишда амалга оширишнинг асосий шarti эканлигини англатади. Ҳамда 11-моддада *"ноқонуний диний фаолият"* тақиқланганлиги келтирилган.

39. Бу "диний ёки мафкуравий жамоаларни, уларнинг юридик шахсига эга бўлишидан қатъи назар, ҳимоя қилишни таъминлайдиган" инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунчиликка зиддир.⁵¹ ФСХҲПнинг 19-моддаси 1-банди нафақат дин ёки эътиқод шахсий эркинлигини, балки "бошқалар билан бирга" дин ёки эътиқодни, жамоавий ёки хусусий равишда, яъни, ибодат қилишда, диний ва маросим амалиётларини бажариш ва ўқитишда эркинлик кафолатлайди. "Бошқалар билан биргаликда" дин ёки эътиқод эркинлигини амалга оширишнинг ушбу усули диний ёки конфессиявий бирлашма тузиш ва ўз фаолиятини ушбу жамият томонидан амалга ошириш ҳуқуқини ўз ичига олади, бундан олдин давлат органи томонидан рўйхатдан ўтиш ёки бошқа шунга ўхшаш тартиб-қоидалар билан тан олиними⁵² ёки ҳуқуқий муносабатлар субъекти мақоми эришиш шарт эмас⁵³. 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларида аниқ таъкидланганидек, "рўйхатдан ўтмаган фаолиятни қонуний равишда тақиқлаш ва жазолаш халқаро стандартларга мос келмайди".⁵⁴ Бундан келиб чиқадики, диний ёки конфессиявий жамоа рўйхатдан ўтказилмаганлиги сабабли диний ёки конфессия жамоасининг фаолиятини *"ноқонуний"* деб таснифлаш мумкин эмас, чунки "дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқидан фойдаланиш маълум бир гуруҳ юридик шахс мақомини олишга интиланганига ёки олганига боғлиқ бўлмаслиги керак".⁵⁵ **Қонун лойиҳасидан "ноқонуний диний фаолият" таърифи олиб ташланиши керак ҳамда қонун лойиҳасида рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессия гуруҳларини ҳимоя қилиш назарда тутилиши ва улар рўйхатдан ўтмасдан фаолият кўрсатиши ва амалга ошириши мумкинлиги аниқ кўрсатилиши керак.** Видеоконференцалоқа давомида ҳукумат органлари рўйхатдан ўтмаслик шахслар томонидан дин ёки эътиқод

⁵¹ 16-ҳаволадаги манбанинг 17-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

⁵² Худди шу ерда. 10-банди (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

⁵³ Худди шу ерда, 10 ва 21-бандлари (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар); 30-ҳаволадаги манбанинг 31-бандига қаранг (2018 йил Арманистон бўйича қўшма хулоса). Шунингдек, БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича Махсус маърузачисининг [Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгашидаги хисоботи](#), А/НRC/19/60, 2011 йил 22 декабр 70-банди. Унга кўра, унда "Дин ва эътиқод эркинлигини инсон ҳуқуқи сифатида ҳурмат қилиш маъмурий рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларидан мустақилдир, чунки дин ёки эътиқод эркинлиги ҳукумат томонидан тасдиқланган ҳар қандай ҳаракатлардан олдин ва ҳукумат томонидан тасдиқланган ҳаракатлардан мустақил бўлган инсон ҳуқуқлари мақомига эга". Шунингдек, Венеция комиссияси ва ЕХҲТ/ДИИХБнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича маслаҳат кенгаши, [Қирғизистон Республикасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қўшма хулоса](#), CDL-AD(2008)032, 26-бандига қаранг. Ундаги Венеция комиссияси ва ЕХҲТ/ДИИХБнинг хулосасига кўра "давлат рўйхатдан ўтиш ёки ўтмаслик тўғрисидаги қарорнинг ўзи диний моҳиятдаги қарор бўлиши мумкин ва дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи маълум бир гуруҳнинг юридик шахс мақомини олиш истағига боғлиқ бўлмаслиги керак".

⁵⁴ 16-ҳаволадаги манбанинг 10-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). Шунингдек, 53-ҳаволадаги манбанинг 41-бандига қаранг (БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2011 йилги [хисоботи](#)); 18-ҳаволадаги манбанинг, 35-бандига қаранг (2019-йилги ЕХҲТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси).

⁵⁵ 16-ҳаволадаги манбанинг 21-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишга тўқинлик қилмаслигини тасдиқладилар. Бироқ, бу фақат дин ёки эътиқоднинг индивидуал намоён бўлишига тааллуқлидир, шу билан бирга ушбу ҳуқуқни жамоавий амалга ошириши ҳам кафолатланиши керак (масалан, динга жамоавий эътиқод қилиш ҳуқуқи ёки жамиятда жамоавий иштирок этиш).

40. Қонун лойиҳасининг 18-моддаси 2-бандига кўра "*диний ташкилот рўйхатдан ўтганидан кейин юридик шахс мақомига эга бўлади*". Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **ушбу қондан дин ёки конфессия гуруҳларидан дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишга ва ўз фаолиятини олиб боришга рухсат берилишидан олдин юридик шахс мақомига эга бўлишини талаб қилиш деб талқин қилмаслик керак**. Баъзи бир диний ёки мафкуравий бирлашмаларга баъзи тартиб-қоидалар учун юридик шахс мақомини бериш зарур бўлиши мумкин бўлишига қарамасдан, диний ёки конфессиявий бирлашмалар, агар ўзлари хоҳламаса, рўйхатдан ўтишлари ёки юридик шахс мақомини олишга уринишлари талаб этилмаслиги керак.⁵⁶

41. Шу билан бирга, юридик шахс ҳуқуқи дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқини тўлиқ амалга ошириш учун жуда муҳимдир. Бу соҳада уюшган ижтимоий ҳаётнинг бир қатор муҳим жиҳатлари⁵⁷ юридик шахс мақомисиз ўта қийинлашади.⁵⁸ Бинобарин, ЭХХТ/ДИИХБ ва Венеция Комиссияси томонидан бир неча бор таъкидланганидек, ҳар қандай диний ёки конфессия гуруҳи, ўз хоҳишига кўра, диний ёки конфессиявий ташкилотни тузиш учун зарур миқдордаги аъзо/диндорларга эга бўлмаса ҳам, юридик шахс мақомини камситилмасдан олиш имкониятига эга бўлиши керак. Шунинг учун у бундай мақомга⁵⁹ ташкилотнинг (масалан, жамоат бирлашмалари, фондлар, трастлар ёки бошқа ҳар қандай турдаги мустақил юридик шахсларнинг) динини (ёки эътиқодини) рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган тартиблардан фарқ қиладиган тартиб ва шакллар орқали эга бўлиши керак.⁶⁰ Диний ёки маънавий жамоалар учун юридик шахс мақомига эга бўлиш тезкор, ошкора, адолатли, инклюзив бўлиши ва камситилмаслиги керак ҳамда оғир талабларга дуч келмаслиги керак⁶¹ (*қуйида G.1 кичик бўлимига ҳам қаранг*).

42. Қонун лойиҳасида "*диний ташкилот*" дан бошқа шаклларда юридик шахс мақомини олиш имконияти ҳақида сўз юритилмаган ва ҳаттоки бундай имконият назарда тутилмаганидек туюлади, чунки унда "*диний моҳиятдаги жамоат бирлашмалар*" аниқ

⁵⁶ 16-ҳаволадаги манбанинг 21-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). Масалан, БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг [2014 йилда Қозоғистон Республикасига миссия ҳисоботи](#) A/HRC/28/66/Add.1, 2014 йил 23 декабр, 1.26-бандга қаранг, унга кўра "*рўйхатдан ўтиш давлатнинг тақлифи бўлиб мажбурий қонуний талаб бўлмаслиги керак*".

⁵⁷ Буларга, масалан, ўз номида банк ҳисобварақлари бўлиши; жамият, унинг аъзолари ва унинг мулкни суд томонидан ҳимоя қилишни таъминлаш; диний биноларга эгаллик ҳуқуқини сақлаб қолиш; янги диний биноларни қуриш; мактаблар ва олий ўқув юртларини яратиш ва фаолиятини таъминлаш; диний урф-одатлар ва маросимларда ишлатиладиган буюмларни йирик ҳажмда ишлаб чиқаришни ривожлантириш; ҳодимларни ёллаш; ва оммавий ахборот воситаларини яратиш ва ишлатиш киради – 16-ҳаволадаги манбанинг 20-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). Шунингдек, 53-ҳаволадаги манбанинг 45-51 бандига қаранг (БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2011 йилги [ҳисоботи](#)).

⁵⁸ Худди шу ерда, 20-банди (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

⁵⁹ 30-ҳаволадаги манбанинг 34-банди (2018 йилги Арманистон бўйича қўшма хулоса); ва ЭХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг [Виждон ва дин эркинлиги тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳамда Жиноят кодексига, Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексга ва Арманистон Республикаси билан Арманий Апостол черкови ўртасидаги муносабатлар тўғрисидаги қонунга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунларга қўшма хулосаси](#), CDL-AD(2011)028. 64-банд. Шунингдек, таққослаш учун ИҲЕС, [Religionsgemeinschaft der Zeugen Jehovas ва бошқалар Австрияга қарши](#), 40825/98-сонли илтимоснома, 2008 йил 31-июлдаги қарор, 61-банд; [Gorzelik ва бошқалар Полшага қарши](#), 44158/98-сонли илтимоснома, 2004 йил 17 февралдаги қарор, 52-банд; ИҲЕС, [Sidiropoulos ва бошқалар Грецияга қарши](#), 26695/95-сонли илтимоснома, 1998 йил 10 июлдаги қарор, 31-банд ва бошқа жойларида. Шунингдек, ИҲЕС, [Бессарабия Метрополитен черкови ва бошқалар Молдовага қарши](#), 45701/99-сонли илтимоснома, 2001 йил 13 декабрдаги қарор, 105-бандига қаранг.

⁶⁰ Худди шу ерда, 17 ва 22-бандлари (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар); ва 34-банд (2018 йилги Арманистон бўйича қўшма хулоса).

⁶¹ 16-ҳаволадаги манбанинг 24-25-бандларига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар); шунингдек 53-ҳаволадаги манбанинг 73(d)-бандига қаранг (БМТнинг ФОРБ 2011 [ҳисоботи](#) бўйича махсус маърузачиси).

тақиқланган (Қонун лойиҳанинг 9-моддаси 5-банди).⁶² Бу, шунингдек, диний ташкилот сифатида расмий равишда рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотнинг ҳар қандай фаолиятини ноқонуний деб ҳисоблайдиган 3-модданинг 5-бандидан келиб чиққан кўринади. Шундай қилиб, қонун лойиҳаси диний ташкилотлар сифатида рўйхатдан ўтиш талабларига жавоб бермайдиган, аммо бошқа турдаги юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтиш орқали юридик шахсга эга бўлиши мумкин бўлган диний ёки маънавий жамоаларнинг юридик шахс мақомига эга бўлиш ҳуқуқини чеклайди. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **ҳар қандай диний ёки конфессиявий жамоа "диний ташкилот"дан ташқари юридик шахс мақомини, масалан, ўз хоҳишига кўра, ассоциация ёки фонд сифатида фойдаланилган тизимдан қатъи назар юридик шахсга ва ушбу мақомдан келиб чиқадиган ҳуқуқларга эга бўлиш тез ва содда, шаффоф, адолатли, очиқ, инклюзив ва камситилмасдан таъминланиш шarti билан рўйхатдан ўтиш орқали олиши мумкин. Шу муносабат билан Қонун лойиҳасига қўшимча киритилиши ва ундан "диний моҳиятдаги жамоат бирлашмалар"ни тақиқлаш олиб ташланиши керак.**

43. Шуни таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасининг 20-моддасида (рўйхатдан ўтган) диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари рўйхати берилган. Халқаро стандартларга мувофиқ, ушбу ҳуқуқларнинг аксарияти рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессия гуруҳлари ва ҳаттоки рўйхатдан ўтган диний (ёки конфессионал) ташкилотлар билан шахслар томонидан ҳамкорликда амалга оширилиши керак. Гарчи давлат хайрия учун солиқлардан озод қилиш каби баъзи бир имтиёзларни фақат рўйхатдан ўтган диний ёки конфессиявий ташкилотларга нисбатан қўллаши мумкин бўлишига қарамасдан, рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессия гуруҳининг асосий ҳуқуқлардан, масалан, "ибодат жойларида ёки диний маросимларда қулай шароитлар" яратиш ҳуқуқи (20-модда 1-бандининг биринчи хатбошиси), "фаолияти билан боғлиқ масалалар бўйича тадбирларни ўтказиш" (20-модда 1-бандининг тўртинчи хатбошиси), "зиёратлар ташкил этиш ёки бошқа диний тадбирларда қатнашиш мақсадида халқаро алоқалар ўрнатиш" (20-модда 1-бандининг олтинчи хатбошиси) каби ҳуқуқлардан фойдаланмаслиги учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Улар ФСХХПнинг 18-моддасида кафолатланган ўз динини ёки эътиқодини намоён этиш ҳуқуқининг энг муҳим намоёишларидир. Шу муносабат билан, **Қонун лойиҳасида ҳам рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигига қарамасдан барча диний ёки конфессиявий жамоалари фойдаланадиган ҳуқуқларнинг очиқ рўйхати бўлиши тавсия этилади**⁶³ (шунингдек қуйида G.3 кичик бўлимига қаранг).

F. Ўз дини ёки эътиқодига амал қилиш ҳуқуқининг чекланиши

44. Ҳеч қандай чекловларга дучор бўлолмайдиган дин ёки эътиқодга эга бўлиш, уни қабул қилиш ёки ўзгартириш мутлақ ҳуқуқдан (*forum internum*) фарқли улароқ фикр, виждон ва дин ёки эътиқод *амал қилиш* эркинлиги (*forum externum*) чекланган бўлиши мумкин.⁶⁴ Қонун

⁶² Ўзбекистонда "жамоат уюшмаси" фаолияти нодавлат нотижорат ташкилоти сифатида қаралади, унинг фаолияти "[Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонун](#)" (1991 й., 2018 йилдаги ўзгартиришлар билан) ва "[Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун](#)" билан (1999 й., 2019 йилдаги ўзгартиришлар билан) тартибга солинган ва ФСХХПнинг 22-моддаси билан ҳимояланган "уюшмалар" тушунчасига мос келади.

⁶³ Шу жумладан диндорларни бирлаштириш, маросимларни ёки бошқа амалиётларни ва мунозараларни ўтказиш, уларнинг диний ғоялари ва бошқа эътиқодлари тўғрисида маълумот тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситалари орқали, диний/конфессиявий жамоа ҳаёти билан боғлиқ масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, бошқа гуруҳлар билан алоқа тузиш, аъзолари ёки гуруҳ ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва бошқа ҳуқуқлар. Шунингдек, Чуваш Республикасининг Инжил маркази Россияга қарши, 33203/08-илтимоснома, 2014 йил 12 июндаги қарор, 54-бандига қаранг, унда Суд "худди шу мақсадга эришиш учун кўриб чиқилаётган асосий ҳуқуққа унчалик жиддий таъсир кўрсатадиган бошқа воситалар бўлмаслиги керак ва бундай чоралар йўқлигини исботлаш ваколатли шахслар зиммасида" деган қарорга келди. *Hasan and Chauch v. Bulgaria*, 30985/96-сонли илтимоснома, 2000 йил 26 октябрдаги қарор; *Bayatyan v. Armenia*, 23459/03-сонли илтимоснома, 2011 йил 7 июлдаги қарор.

⁶⁴ 15-ҳаволадаги манбанинг 1-банди, 10-бетига қаранг (2004 йилги Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

лойиҳасида ўз динига ёки эътиқодига амал қилиш ҳуқуқига оид бир қатор чекловлар мавжуд.

1. Умумий чеклаш қоидаси

45. Қонун лойиҳасининг 4-моддаси 3-бандида "Динга эътиқод қилиш ёки ўзга эътиқодлар эркинлиги жамоат тартибини, бошқа фуқароларнинг ҳаёти, саломатлиги, ахлоқи, ҳуқуқи ва эркинликларини таъминлаш учун зарур бўлган даражадагина чекланиши мумкин" дейилган. Ушбу таҳрир қонун лойиҳасининг 11-моддасида ҳам қўлланилади. Дин ва эътиқод эркинлигини чеклашлар қонун билан белгиланиши керак (бошқача қилиб айтганда, улар жисмоний ва юридик шахсларнинг фаолиятлари ушбу чекловларга мувофиқлигини таъминлаши учун етарли даражада аниқ бўлиши керак) ва демократик жамиятда зарур ва уларнинг кўзлаган (қонуний) мақсадларига мутаносиб бўлиши керак. 4-модданинг 3-бандидаги "зарур" деган сўзлардан ташқари, бундай таҳрир на 4-моддада, на бошқа қонун лойиҳасида кўрсатилган. Бундай тамойилларни диний эътиқод ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи нуқтаи назаридан давлат органлари ва судлар томонидан тушунилиши ва мунтазам равишда қўлланилишини таъминлаш учун **қонун лойиҳасининг 4-моддаси 3-бандида дин ёки эътиқодга амал қилиш эркинлиги демократик жамиятда зарур бўлган ва улардан кўзланган қонуний мақсадларига мутаносиб даражадагина чекланиши мумкинлигига аниқлик киритиш** тавсия этилади.⁶⁵

46. Бундан ташқари, 11-модданинг 2-бандида "диндан конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартириш, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлиги, суверенитетига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига зарар етказиш, фуқаровий тотувликни бузиш, бўхтон, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли орасида ваҳима чиқариш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа хатти-ҳаракатларни содир этиш мақсадида фойдаланиш"га йўл қўйилмаслиги таъкидланган. "Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш" ибораси аниқ ҳуқуқий маънога эга эмас ва потенциал равишда турли хил талқинларга ва қонунларнинг ўзбошимчалик билан қўлланилишига олиб келиши мумкин. "Фуқаровий тотувликни бузиш" ва ушбу қонуннинг қолган қисмига нисбатан шунга ўхшаш изоҳлар келтириш мумкин бўлиб, у очиқ ва ўта кенг ва умумийдир. Қонунийлик принципи инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига чеклов қўядиган ҳар қандай қарор учун юридик субъектларга ўзларининг хатти-ҳаракатларини тегишли равишда тартибга солиш ва давлат идораларига ҳаддан ташқари ихтиёрни қолдирмаслик учун етарли даражада аниқлик билан тузилган ҳар қандай қарор учун аниқ ва олдиндан кўриладиган ҳуқуқий асосларни талаб қилади.⁶⁶ Қандай бўлмасин, ушбу модданинг мазмуни дин ва эътиқод эркинлигини чеклаш учун халқаро меъёрлар бўйича рухсат этилган чеклаш асосларидан кўра кенгроқ доирани тақдим этади. **Ушбу иборага аниқлик киритилиши ёки Қонун лойиҳасидан олиб ташланиши керак.** Худди шу шарҳлар Қонун лойиҳасининг 11-моддаси 3-бандидаги аниқ ҳуқуқий маънога эга бўлмаган "бошқа ғаразли мақсадларни" кўзлайдиган диний ташкилотларга бўлган ҳаволага нисбатан қўлланилади.

47. Ва ниҳоят, бундай чекловларни жорий этишга олиб келадиган жараённи, шу жумладан масъул органни белгилаш, чекловлар тўғрисидаги қарорларнинг мазмуни ва шакли ва уларни қўллаш зарурлиги, шунингдек, чеклов таъсирига тушаётган шахс ёки ташкилотнинг

⁶⁵ 30-ҳаволадаги манбанинг 40-бандига қаранг (2018 йилги Арманистон тўғрисида қўшма хулоса); ва 59-ҳаволадаги манбанинг 34-бандига қаранг (2011 йилги Арманистон бўйича қўшма хулоса).

⁶⁶ Масалан, Венеция Комиссияси, [Қонун устуворлиги ҳолатини текшириш рўйхати](#), CDL-AD(2016)007, 58-бандига қаранг. Шунингдек, таққослаш мақсадида, ИҲЕС, [Koretsky v. Ukraine](#), 40269/02-сонли илтимоснома, 2008 йил 3 апрелдаги қарор) йил) 48-банд; ва [The Sunday Times v. the United Kingdom](#) (1-сонли), 6538/74-сонли илтимоснома, 1979 йил 26 апрелдаги қарор, 49-банд.

жараёнда қатнашиш ва уларни тинглаш ҳолатларини тартибга солиш муҳимдир.⁶⁷ Бундан ташқари, ФСХҲПнинг 2-моддаси 3-бандига биноан, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқини ҳаддан ташқари ёки мутаносиб равишда чеклаш ҳолатларида самарали воситалардан фойдаланиш кафолатланиши керак. Шу муносабат билан, агар алоҳида қонун ҳужжатларида назарда тутилган бўлмаса, қонун лойиҳаси тўлдирилиши керак.

48. Бундан ташқари, қонун лойиҳасининг айрим қоидаларида бошқа қонунларга ёки қонун ҳужжатларига ҳаволалар мавжуд.⁶⁸ Ушбу қоидалар фақат улар ишора қилган қонунлар дин ва эътиқод эркинлигини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ва конституциявий стандартларга мувофиқ бўлган тақдирдагина қонунийдир. Бундан ташқари, маъмурий ва суд органлари томонидан ушбу қонунларнинг бажарилиши ҳам ушбу стандартларга мувофиқ бўлиши керак. Ҳам қонунлар, ҳам уларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган бошқа воситалар "демократик жамиятда зарур" бўлиши керак, бу, хусусан, улар ўзлари қаратилган қонуний мақсадга мутаносиб бўлиши кераклигини англатади.

2. "Прозелитизм" ва миссионерлик фаолиятини тақиқлаш

49. Қонун лойиҳасининг 11-моддаси 5-бандига кўра *"жамиятда конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни бузишга кўмаклашувчи миссионерлик ва прозелитизмнинг ҳар қандай кўринишлари"* тақиқланади. Қонун лойиҳасининг 3-моддасида *"миссионерлик фаолияти"* атамаси *"мақсадли мафкуравий таъсир ўтказиш орқали шахсни (бир гуруҳ шахсларни) ўз диний бирлашмаси аъзолигига киритиш учун тегишли диний бирлашманинг диний қарашларини сингдириш ва тарқатишга қаратилган фаолият"* деб таърифланади. *"Прозелитизм"* эса *"бошқа динга эътиқод қилувчиларни ўзи эътиқод қиладиган динга ўтказишни мақсад қилган диний ташкилотларнинг миссионерлик фаолияти шаклларида бири"* деб таърифланади. Шунини таъкидлаш керакки, *"миссионерлик фаолияти"* ёки *"прозелитизм"* Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 240-моддасига биноан маъмурий жавобгарликка тортилади ва такрорланган ҳолатда уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жиноий жавобгарликка тортилади (Жиноят кодексининг 2162-моддаси). Бундан ташқари, 3-моддада белгиланганидек миссионерлик ва прозелитизм ўртасидаги фарқ аниқ эмас. Ушбу фаолият бошқаларни, ўз навбатида, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган *"аъзоликка мурожаат қилиш"* ёки *"бошқа эътиқодга ўтишга"* ишонтиришга қаратилган.

50. Амалдаги 1998 йилги Қонуннинг 5-моддаси 3-банди *"бир динга эътиқод қилувчиларни бошқасига ўтказишга қаратилган ҳаракатлар (прозелитизм) ва бошқа ҳар қандай миссионерлик фаолиятини"* шунчаки тақиқлайди. 11-модданинг 5-бандига, бундай ҳаракатлар *"жамиятда динлараро тотувлик ва диний бағрикенгликнинг бузилишига ҳисса қўшганда"* тақиқланган деган банд кўшилади. Шу билан бирга, *"динлараро тотувлик"* ва *"диний бағрикенглик"* атамалари ноаниқ, жуда кенг ва расмийлар томонидан ўз хоҳишига кўра тапқин қилиниши мумкин. Шундай қилиб, бу қонуннинг сифат талабларига жавоб бермайди, чунки қайси фаолият *"динлараро тотувлик"* ва *"диний бағрикенглик"* ни бузиши мумкинлигини оқилона тахмин қилиш мумкин эмас. Бундан ташқари, улар ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-бандига биноан чеклаш учун қабул қилинадиган асослар эмас.

⁶⁷ 30-ҳаволадаги манбанинг 41-бандига қаранг (2018 йилги Арманистон тўғрисида кўшма хулоса); ва 59-ҳаволадаги манбанинг 38-бандига қаранг (2011 йилги Арманистон бўйича кўшма хулоса).

⁶⁸ Масалан 6-модданинг 4-бандига (*"қонун билан белгиланган"* жавобгарлик ва *"қонун билан белгиланган"* мажбуриятлар), 7-модданинг 7-бандига (*"бошқа қонун ҳужжатларига"* мувофиқлиги), 9-модданинг 4-бандига қаранг (*"агар бу қонунга зид келмаса"*), 11-моддага (*"ноқонуний диний фаолият"*), 13-модда, 3-бандига (*"қонун билан белгиланган тартиб"*), 14-модданинг 1-бандига (*"Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартиб"*), 16-моддага (*"қонун ҳужжатларига риоя қилиш"*, *"диний ташкилотлар фаолиятининг қонунийлигини таъминлаш"*), 17-моддага (*"қонун ҳужжатлари ижросини ташкил қилиш"*), 18-моддага (*"қонунга мувофиқ"*), 20-моддага (*"қонунга мувофиқ"* бўлган диний тадбирлар), 22-моддага (*"бошқа қонун ҳужжатларига"* мувофиқлиги), 29-модданинг 2-бандига (*"қонун ҳужжатларига мувофиқ"*), 43-модданинг 1-бандига (*"Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги"* бузилган тақдирда) ва 45-модданинг 1-бандига (*"қонун ҳужжатлари асосида"*) қаранг.

Умуман олганда, "прозелитизм" атамаси ноаниқ халқаро атама бўлиб, одатда салбий маънога эга⁶⁹. "Мажбурлашсиз кўндириш" иборасига устунлик берган маъкул.⁷⁰

51. Шуни таъкидлаш кераки, ўз динига ёки эътиқодига амал қилиш эркинлиги бошқаларни дини ёки эътиқоди ҳақиқатига ишонтиришга уриниш ёки бошқаларни бошқа динга ўтишга ишонтиришга уриниш ҳуқуқини ўз ичига олади, масалан, "воизлик қилиш" ёки "ўқитиш" орқали.⁷¹ Шундай қилиб, "диний эътиқодларни синғдириш" ва "шахсга мафкуравий таъсир кўрсатиш", агар мажбурлаш орқали амалга оширилмаган ҳолатда, дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи билан ҳимояланган қонуний фаолиятдир. Шундай қилиб, **қонун лойиҳасининг 3 ва 11-моддалари қатъиян чекланган бўлиши керак ва фақат зўравонлик, таҳдид ёки босимнинг бошқа ноқонуний шаклларида фойдаланган ҳолда бошқа шахсларни мажбуран ўтказишга қаратилган алоқа ва фаолиятни тақиқлаш керак.**⁷² ДИИХБ ва Венеция Комиссияси расмийларнинг қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқишда миссионерлик фаолияти ва прозелитизм тушунчаларини белгилашда тўғридан-тўғри мажбурлаш тушунчасига мурожаат қилишга тайёрлигини мамнуният билан қайд этади.

3. Диний таълим беришга оид чекловлар

52. Қонун лойиҳасининг 3-моддаси 5-бандида "ноқонуний диний фаолият"га таъриф берилган бўлиб унда "хусусий тартибда диний таълим фаолият билан шуғулланиш" келтирилган. Бундан ташқари, 11-моддада "хусусий тартибда диний таълим бериш, бундан ота-оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўзларининг болаларига диний амалиёт ва одоб-ахлоқ асосларини ўқитиш" ҳолларидан ташқари ҳолатларда таъқиқланган. Ушбу қоида ота-оналар ёки уларнинг васийларидан бошқа шахслар томонидан шахсий равишда дарс беришнинг тўлиқ тақиқланишини ифодалайди, шунингдек, бу қоида уйларда диний матнларни муҳокама қилиш учун хусусий йиғилишларни тақиқлашда ҳам фойдаланиши мумкин.

53. Дин ёки эътиқод эркинлиги бошқаларга ўз дини ёки эътиқоди асосларини ўргатиш эркинлигини назарда тутати. ФСХҲПнинг 18-моддасида, ИХЕКнинг 9-моддасида бўлгани каби, ўз динига ёки эътиқодига жамоавий ёки хусусий равишда - якка тартибда ёки бошқалар билан биргаликда - "ўқитиш" орқали амал қилиш ҳуқуқи назарда тутилган. 1981 йилги Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Декларациясининг 5-моддасида барча болаларга "ота-оналарининг хоҳишларига биноан дин ёки эътиқод масалаларида таълим олиш ҳуқуқи" алоҳида кафолатланган, 6-моддасида эса "дин ёки эътиқодни шу мақсадга мувофиқ жойларда ўргатиш" ҳуқуқи кафолатланган. Қонун лойиҳасида хусусий жойлар нима учун дин ёки эътиқодни ўргатиш учун мос келмаслиги ҳақида ҳеч нарса айтилмаган. Бундан ташқари, диний таълим муассасалари фақат рўйхатдан ўтган "диний ташкилотлар" томонидан бошқарилиши мумкинлиги (қуйидаги G.2 кичик қисми қаранг) ва рўйхатдан ўтишнинг қатъий талабларини (қуйидаги G.1 кичик қисми қаранг) ҳисобга

⁶⁹ БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси, [БМТнинг Бош Ассамблеясидаги маърузаси](#), UN Doc. A/67/303, 2012 йил 13 август; ва 18-ҳаволадаги манбанинг, 64-бетига қаранг (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси).

⁷⁰ Худди шу ерда, 64-бет (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси), унга кўра "мажбурлашсиз кўндириш" "зўравонлик, қўрқитиш, таҳдид ва бошқа ноқонуний босим усулларини ишлатмасдан бошқа эътиқодга ўтказишга қаратилган алоқа ва фаолиятни" билдиради.

⁷¹ Масалан, БМТнинг Дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг, [Бош ассамблеядаги 2005-йилги маърузаси](#) (A/60/399) 59-68-бандларига қаранг, унга кўра "миссионерлик фаолияти дин ёки эътиқоднинг қонуний ифодаси деб ҳисобланади ва шунинг учун ФСХҲПнинг 18-моддаси ва бошқа тегишли халқаро шартномалар томонидан ҳимояланади" ҳамда "агар иштирок этаётганларнинг барчаси мустақил мулоҳаза юритишга қодир катта ёшдагилар бўлса ва миссионерлар ва миссионерлик фаолияти объектлари ўртасида боғлиқлик ёки иерархия бўлмаса, бу бошқаларнинг дин ёки эътиқод эркинлигини бузиш деб ҳисобланмайди" (67-банд); [Грецияга таъриф билан боғлиқ Диний мурасасизликнинг барча шакллари тўғрисидаги оралик ҳисобот](#) (1996 й.), A/51/542/Add.1, 134-бандига қаранг. Шунингдек қаранг: 30-ҳаволадаги манбанинг 46-бандига (2018 йил Арманистон бўйича қўшма хулоса); ва ўша жойда, 64-65 бетлар (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси).

⁷² 18-ҳаволадаги манбанинг 64-бетига қаранг (2019 йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси). 15-ҳаволадаги манбадаги II.Ј қисми 20-бетига қаранг (2004 йилги Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

олган ҳолда, бундай диний таълимни чеклаш амалиёти "рўйхатдан ўтган динлар" ва диний таълим муассасаларида ишлашга рухсат берилмаган бошқа диний ёки мафкуравий (рўйхатдан ўтмаган) гуруҳлар ўртасида камситишга олиб келади.⁷³ Шундай қилиб, **11-моддада диний амалиёт ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар асосида фақат ота-оналарга ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларга ўқитишга рухсат берувчи чеклов мақсадга номуносибдир ва "демократик жамиятда зарур" бўлиш талабига жавоб бермайди. Модда тўлиқлай қайта кўриб чиқилиши керак.**

54. 12-модданинг 4-бандида ҳар кимнинг "диний таълим муассасаларида профессионал диний таълими" олиш ҳуқуқи назарда тутилган бўлса, 20-моддада диний таълим муассасасига шахс мажбурий ўрта таълимни олганидан кейингина қабул қилиниши мумкинлиги айтилган. Видеоконференциялар пайтида давлат органлари вакиллари томонидан тасдиқланганидек, бу Ўзбекистон Республикасида бошланғич ва ўрта диний таълим муассасаларини яратиш учун имкониятлар мавжуд эмаслигини ва диний таълим муассасаларида фақат *профессионал* диний таълим олиб борилишини англатади. Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг (ИИМХХП) 13-моддаси, 3-бандига мувофиқ⁷⁴ Иштирок этувчи давлатлар «ота-оналарнинг ва тегишли ҳолларда қонуний вакилларининг фарзандлари учун ҳукумат томонидан ташкил этилган мактаблардан бошқа ўрнатилиши ёки тасдиқланиши мумкин бўлган минимал таълим стандартларига жавоб берадиган ва фарзандларига ўз эътиқодларига мувофиқ диний-ахлоқий таълим берадиган давлат органлари томонидан ташкил этилган мактабларни танлаш эркинлиги ҳуқуқи ҳурмат қилиниши керак". Ота-оналарнинг ўз эътиқодига мувофиқ ва боланинг қобиляятларини ривожлантиришни ҳисобга олган ҳолда ўз фарзандларининг ахлоқий ва диний таълимини таъминлаш ҳуқуқи – ФСХҲПнинг 18-моддаси 4-бандида назарда тутилган дин ёки эътиқод эркинлигининг асосий элементларидан биридир.⁷⁵ Бу давлат мактабларида ихтиёрий диний таълим олиш ёки расмий диний таълим олиш учун бошқа имкониятларни назарда тутати. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ота-оналар принципиал равишда ўз фарзандларини бошланғич ва ўрта махсус диний мактабларга беришлари ёки расмий диний таълим олиш учун бошқа имкониятларга эга бўлишлари керак.⁷⁶ Бу Қонун лойиҳасида назарда тутилмаган. Шу билан бирга, осонликча таъсир ўтказиш мумкин бўлган ёшдаги вояга етмаганларни ҳимоя қилиш зарурлигига эътибор қаратиш лозим.⁷⁷

4. Диний ёки эътиқодга оид нутқларга тегишли чекловлар

55. Қонун лойиҳасининг 10-моддаси 5-бандида "*жамоат тартибига, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига таҳдид солувчи турли хил диний ғоялар ва қарашларнинг шаклланиши ва тарқатилишига қарши курашиш*" виждон эркинлиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларининг қисмидир. Бундай иборалар дин ёки эътиқод намоишлари ва ФСХҲПнинг 19-моддаси билан ҳимояланган диний ёки конфессиявий нутқ ёки мулоҳоза юритиш билан шуғулланиш эркинлигини асоссиз равишда чеклаш учун ишлатилмаслиги керак.⁷⁸ Чекловлар учун асослар ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-бандида келтирилган. Унда "ўз динига ёки эътиқодига амал қилиш эркинлиги фақат қонун билан белгиланган ва жамоат хавфсизлиги, тартиб, соғлиқ ёки ахлоқни, бошқаларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур бўлган

⁷³ 15-ҳаволадаги манбанинг II.C.4 қисми 14-бетида қаранг (2004 йилги Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

⁷⁴ БМТнинг 1966 йил 16 декабрдаги 2200A(XXI)-қарори билан Бош Ассамблея томонидан қабул қилинган Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пакт. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга 1995 йил 28 сентябрда қўшилди.

⁷⁵ БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг [2018 йилда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тавсиялари](#), A/HRC/37/49/Add.2, 2018 йил 22-феврал, 45-46 бандларига қаранг.

⁷⁶ Масалан, Венеция комиссияси, [Черногория Дин ёки эътиқод эркинлиги ва диний жамоаларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги хулоса](#) (CDL-AD(2019)010-е) 45-бандига қаранг.

⁷⁷ Масалан, Венеция комиссияси, [Черногория Дин ёки эътиқод эркинлиги ва диний жамоаларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги хулоса](#) (CDL-AD(2019)010-е) 45-бандига қаранг. Шунингдек, ИҲЕС, Çiftçi Туркияга қарши, қабул қилиниши тўғрисида қарор, 71860/01-сонли илтимоснома, 2004 йил 17 июндаги қарор.

⁷⁸ 12-ҳаволадаги манбанинг 11-бандига қаранг (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли умумий изоҳи).

чекловларга чалиниши мумкин"лиги таъкидланган. Бундан ташқари, ФСХҲПнинг 19-моддаси 2-қисмига кўра сўз эркинлиги ҳуқуқини амалга ошириш "махсус бурч ва масъулиятни ўз ичига олади" ва бошқаларнинг ҳуқуқлари ва обрўсига ҳурмат кўрсатилиши ҳамда миллий хавфсизлик, жамоат тартибини ёки аҳолининг соғлиғи ва ахлоқини ҳимоя қилишни чеклаш учун қонуний асослар назарда тутати. Фикр билдириш эркинлиги ФСХҲПнинг 20-моддаси, 2-бандида ҳам келтирилган. Унда иштирок этувчи давлатлардан камситиш, душманлик ёки зўравонликка ундовчи миллий, ирқий ёки диний нафратни тарғиб қилишни тақиқлаш талаб қилинади. Халқаро миқёсда, фикр билдириш эркинликлари тўғрисидаги ноаниқ чекловларни олдини олиш учун, фикр билдириш шакллари тақиқланган "ундаш" ташкил қилиши учун қуйидаги учта критерий биргаликда бажарилиши керак: (1) фикр билдириш олдини олиб бўлмайдиган зўравонликни қўзғатишга қаратилиши; (2) бундай зўравонликни келтириб чиқариши мумкин; ва (3) фикрни билдириш билан бундай зўравонлик эҳтимоли ёки пайдо бўлиши ўртасида тўғридан-тўғри ва тўсиқсиз боғлиқлик мавжуд.⁷⁹ [Венеция Комиссиясининг Сўз эркинлиги ва дин эркинлиги ўртасидаги муносабатларга бағишланган ҳисоботида таъкидланганидек: кўфрни, диний ҳақоратни ва диний адоватни қўзғатишни тартибга солиш ва судга бериш масаласи](#) (2008), "ҳақиқий демократияда, фикрларнинг ҳаддан ташқари кескин бўлишига қарамасдан уларни билдириш эркинлигини чеклаш, жамиятни муҳолиф фикрлардан ҳимоя қилиш воситаси сифатида ишлатилмаслиги керак" ва "демократик режимга бундай ғояларни фақат нашр этиш ёки тарқатиш мос келмайди, чунки улар тақиқланиши керак бўлган нафратга ундайди".⁸⁰ Шунга кўра, **қонун лойиҳасининг 10-моддаси 5-банди фақат ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-банди, 19-моддаси 2-банди ва 20-моддаси 2-банди талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда дин ёки эътиқод билан боғлиқ баёнотлар ёки иборалар, шу жумладан, тинч билдирилган фарқли фикрлар ва "кескин" ҳисобланган фикрларга чеклов қўймасдан қўлланилиши мумкин.**

56. Қонун лойиҳасининг 6-моддаси 4-бандида "фуқароларнинг диний ёки даҳрийлик эътиқоди билан боғлиқ ҳис-туйғуларини ҳақоратлаш қонун билан белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади" деб белгиланган. 9-моддада яна шуниси таъкидланганки, давлат "диндорларнинг диний ҳиссиётларини бузадиган ишларга йўл қўймайди". Ушбу иборалар муаммо туғдиради, чунки бу сўз эркинлигини асоссиз чеклашларига ва давлат идоралари томонидан ўзбошимчалик билан қўлланилишига олиб келиши мумкин. Шунингдек, қонуннинг бузилиш ҳолатларида қандай жавобгарлик пайдо бўлиши аниқ эмас. Шунини таъкидлаш керакки, бундай иборалар ғоялар, эътиқодлар ёки мафқуралар, диний ёки конфессиявий муассасалар ёки диний раҳбарларга қарши қаратилган танқидларнинг олдини олиш ёки уларни жазолаш ёки диний таълимотлар ёки эътиқодларга шарҳлар бериш учун ишлатилмаслиги керак.⁸¹ БМТнинг Инсон ҳуқуқлари

⁷⁹ БМТнинг фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси, ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили, Америка Давлатлари Ташкилоти (ОАС), Сўз эркинлиги бўйича махсус маърузачи, Инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси (АЧПР), Сўз эркинлиги ва маълумотдан фойдаланиш эркинлиги бўйича махсус маърузачи, [2016-йилги Сўз эркинлиги ва зўравон экстремизмга қаршилик кўрсатиш тўғрисидаги қўшма декларация](#), 2016 йил 3 май 2 (d)-банди.

⁸⁰ Венеция Комиссиясининг [Сўз эркинлиги ва дин эркинлиги ўртасидаги алоқалар тўғрисида ҳисоботи: Кўфрни, диний ҳақоратни ва диний нафратни қўзғатишни тартибга солиш ва судга бериш масаласи](#), CDL-AD(2008)026-е, 46-банд. Шунингдек қаранг, масалан, БМТнинг Терроризмга қарши курашда инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини тарғиб қилиш ва ҳимоя қилиш бўйича махсус маърузачиси, [2015 йилги тематик ҳисобот](#), A/HRC/31/65, 2016 йил 22 феврал, 38-банд.

⁸¹ 12-ҳаволадаги манбанинг 48-бандига қаранг (БМТнинг Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли умумий изоҳи). Венеция Комиссиясининг [Сўз эркинлиги ва дин эркинлиги ўртасидаги алоқалар тўғрисида ҳисоботи: Кўфрни, диний ҳақоратни ва диний нафратни қўзғатишни тартибга солиш ва судга бериш масаласи](#), CDL-AD(2008)026-е, 72 ва 74-бандлари. Венеция Комиссиясининг таъкидлашича, "демократик жамиятда диний гуруҳлар бошқа гуруҳлар сингари ўзларининг фаолияти, таълимоти ва эътиқодлари тўғрисида танқидий баёнотлар ва мунозараларга нисбатан, агар бундай танқид жамоат тартибини бузиш ёки маълум бир дин тарафдорларини камситишга ундашни ташкил қилмаса, бағрикенглик кўрсатиши керак. [...] Шу билан бирга, Венеция комиссияси мутлақ либерализмни қўллаб-қувватламайди. [...] ғоялар, Страсбург суди томонидан қўлланилган формуладан фойдаланиб, "инсонийлик ишларида тараққийлашни ривожлантиришга қодир бўлган жамоатчилик муҳокамаларининг ҳар қандай шаклига ҳисса қўшмасдан зарар келтирадиган бўлса, уларни ифода этган шахсни жавобгарликка тортиш имкони бўлиши керак. Венеция комиссиясининг фикрига кўра, нафрат қўзғатишнинг олдини олиш учун етарли бўлган жиноий санкциялар ўрнига, даъво

бўйича қўмитаси "ҳар қандай дин ёки бошқа эътиқод тизимига ҳурматсизлик, шу жумладан, дискриминация, душманлик ёки зўравонликни рағбатлантириш ҳақида гап кетган ҳолатларда, куфр қонунларига ҳурматсизлик қилиш тўғрисидаги тақиқлар, Пактнинг 20-моддаси, 2-бандида назарда тутилган махсус ҳолатлардан ташқари, Пакт қоидаларига зид келиши аниқ таъкидлаган.⁸² Шунинг таъкидлаш керакки, Жиноят кодексининг 156-моддаси, 2-бандида, "миллий, ирқий, этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, мурасимсизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида диний эътиқодига ёки дахрийлигига қараб ҳақоратлашга қаратилган қасддан қилинган ҳаракатлар" учун жавобгарлик белгиланган. Шунга ўхшаш қўшимча изоҳ Қонун лойиҳасининг 6-моддаси 4-бандида ва 9-моддасида эслатиб ўтилиши керак. Бу моддаларда "ундаш" юқорида айтиб ўтилганидек қатъий талқин қилиниши назарда тутилган (юқоридаги 55-бандга қаранг).

5. Диний урф-одатлар ва маросимлар

57. Қонун лойиҳасининг 13-моддаси 1-бандига биноан "Диний маросим ва ибодатлар диний ташкилотлар жойлашган жойдаги ибодатхоналарда ва уларга тегишли ҳудудларда, зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда фуқароларнинг хоҳишига кўра уларнинг уйларида ўтказилади". Шундай қилиб, ушбу қоида диний маросим ва ибодатлар ўтказиш ҳуқуқини рўйхатдан ўтган диний ташкилотларга тегишли бинолар, зиёратгоҳлар ва қабристонлар каби баъзи жойлар билан, айрим ҳолларда эса шахсий уйлар билан чеклаб қўяди. Ушбу қоида диний ёки мафкуравий озчиликларга мансуб, рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар ёки зарур молиявий манбаларга эга бўлмаган ёки диний бинолар ёки ибодат уйлари қуришга рухсат этилмаган шахсларга ноҳақ таъсирини ўтказиши мумкин. Шунингдек, у жамоат жойларида амалиёт ўтказишни истамайдиган диний жамоа ичидаги "норози гуруҳлар"га номутаносиб тарзда таъсир кўрсатиши мумкин.

58. ФСХҲПнинг 18-моддаси, 1-банди ўз динига ёки эътиқодига "ибодат қилиш, диний ва маросим амалларини бажариш ва ўқитишда" "ҳам яққа тартибда, ҳам бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда" амал қилиш ҳуқуқини беради. Диний маросимлар ва ибодатларни муайян жойларда ўтказиш ҳуқуқининг чекланиши халқаро стандартларга мувофиқ равишда асосланиши керак. Шу муносабат билан, ЕХҲТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси диний ташкилотнинг фақат рўйхатдан ўтиш ҳужжатларида кўрсатилган манзил бўйича ҳаракат қилиш мажбурияти қийинчилик туғдиришини ва шунинг учун номутаносиб эканлигини тан олди.⁸³ Диний маросимлар ва ибодатлар диний ташкилотлар эгаллик қилмайдиган, лекин уларнинг ихтиёрида бўлган хусусий биноларда ва хусусий ерларда ўтказилиши мумкин эмаслиги сабаби аниқ эмас. Шунингдек, диний маросимларни ва ибодатларни зарур ҳолларда ўз уйида ўтказиш тўғрисида "илтимоснома"га мурожаат қилиш нимани англатиши ҳамда бунинг учун расмийларга сўров юбориш кераклиги ёки керакмаслиги аниқ эмас; бу халқаро инсон ҳуқуқлари қонунчилигига мос келмайди. Бундан ташқари, қонун лойиҳасидан "маросим зарурати" нимани англатиши ва ким ушбу шарт бажарилганлигини ва қандай мезонларга асосланиб аниқлай олиши аниқ эмас. Ўз динига ёки эътиқодига амал қилиш ҳуқуқи нафақат масжид ва черков маросимлари ёки бошқа диний маросимларга, балки бошқа урф-одатлар ва маросимларга ҳам тегишли бўлиб,

бериш учун мавжуд асослардан, шу жумладан ушбу даъволар муаллифларидан зарарнинг қопланиши талаб қилиш имкониятидан фойдаланиш керак. Ушбу хулоса, агар керак бўлса, бошқа жиний жавобгарликлардан, хусусан жамоат тартибини бузишга тегишли жавобгарликдан фойдаланишни истисно этмайди".

⁸² Қаранг: ўша ерда, 48-банд (БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасининг 34-сонли умумий изоҳи) ва 89 банд (2008-йилги Венеция Комиссиясининг сўз эркинлиги ва дин эркинлиги ўртасидаги алоқалар тўғрисида ҳисоботи). Шунингдек, БМТнинг фикр ва сўз эркинлиги ҳуқуқи бўйича махсус маърузачиси, ЕХҲТнинг ОАВ эркинлиги бўйича вакили, Америка Давлатлари Ташкилоти (ОАС), Сўз эркинлиги бўйича махсус маърузачи, Инсон ва халқларнинг ҳуқуқлари бўйича Африка комиссияси (АЧПР), Сўз эркинлиги ва маълумотдан фойдаланиш эркинлиги бўйича махсус маърузачи, [2010 йил Фикр эркинлигига таҳдид солувчи ўнта асосий таҳдид тўғрисидаги қўшма декларация](#), 2010 йил 3 феврал, жиний жазога тортиладиган тўхматга бағишланган 2-бўлим.

⁸³ 16-ҳаволадаги манбанинг 25-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). ЕХҲТ/ДИИХБ-Венеция комиссияси, [Озарбайжон Республикасининг 2012 йил 15 октябрдаги Диний эътиқод эркинлиги тўғрисидаги қонунни тўғрисидаги қўшма хулоса](#), CDL-AD(2012)022, 80-82 бандлари.

улар анъанавий динлар ёки институционал хусусиятларга эга анъанавий динлар ёки диний эътиқодлар билан чекланмайди.⁸⁴ Бундан ташқари, "маросим зарурияти" критерийсидан фойдаланиш дин ёки эътиқод масалаларида давлатнинг бетарафлиги тамойилига зид бўлиши мумкин. Умуман олганда, ушбу қоидалар уйда маросим ёки ибодат деб ҳисобланмайдиган ҳар қандай фаолиятни тақиқлашга олиб келмаслиги керак. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **диний маросимлар ва маросимларни баъзи жойларда ўтказилишини чеклаш учун ушбу қоида қайта кўриб чиқиш тавсия этилади.**

59. Қонун лойиҳасининг 13-моддаси 3-бандида *"диний ва ибодат биноларидан ташқарида оммавий диний маросимлар ва ибодатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади"*. Бу ҳолат қайси қонунчилик ҳужжати таяниши аниқ эмас, эҳтимол, оммавий намойишлар ёки йиғилишларни тартибга солувчи қонунчиликдир. Шунинг учун бундай қонунчилик ҳар кимга, шу жумладан рўйхатдан ўтган ёки рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессиявий гуруҳларига тегишли бўлиши керак.⁸⁵ Ҳар қандай ҳолатда ҳам диний ёки эътиқод асосидаги жамоалар ёки ташкилотлар, улар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мувофиқ бўлиш шarti билан, ҳар қандай тинч йиғилиш ташкилотчиси билан бир хил талабларга жавоб бериши керак.⁸⁶

60. Ниҳоят, шунини таъкидлаш керакки, амалдаги 1998 йилги Қонуннинг 14-моддаси, 5-банди, *"руҳонийлар"*дан бошқа шахслар томонидан жамоат жойларида *"диний кийим"* кийишни тақиқлайди. Бундан фарқли ўлароқ, Қонун лойиҳасида диний ташкилотлар хизматида бўлмаган шахслар учун жамоат жойларида диний кийим кийиш тақиқланмаган, аммо шунга қарамай Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 1841-моддасида маъмурий жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу тақиқ, шунингдек, ўз динини ёки эътиқодини оммавий равишда намойиш этиш ҳуқуқини асоссиз равишда чеклайди ва ҳижобли аёллар учун асоссиз ноҳақ оқибатларга олиб келиши мумкин.⁸⁷ **Ушбу тақиқни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдан чиқариб ташлаш тавсия этилади.**

6. Диний мазмунга эга материаллар

61. Қонун лойиҳасининг 14-моддаси 1-бандида *"жисмоний ва юридик шахслар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатишга ҳақли"* дейилган. Қонун лойиҳасининг 14-моддаси 2-бандига биноан *"Ўзбекистон Республикаси ҳудудида диний мазмундаги материалларни тайёрлаш, олиб кириш ва тарқатиш жамиятда конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган, диний зўравонлик ва бошбошдоқликка чорловчи ғояларнинг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган диний экспертизанинг ижобий хулосаси олингандан сўнг амалга оширилади"*. Шунингдек, 20-модданинг 2-бандида диний ташкилотлар диний ашёларни, диний адабиётларни ва бошқа диний мазмундаги материалларни ишлаб чиқариш, экспорт қилиш ва олиб кириш учун рухсат олишдан олдин диний ташкилотдан бундай ижобий хулосани олиш талаб этилади. Ушбу қоида Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 184²-моддаси билан биргаликда кўриб чиқилиши керак. Унга мувофиқ, *"диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ёки тарқатиш"* маъмурий жавобгарликка тортилади. Такроран содир этилса жиноий жавобгарликка тортилади. (Жиноят кодексининг 244³-моддаси).

62. Диний/конфессионал мазмундаги материалларга тааллуқли бўлган "давлат

⁸⁴ 59-ҳаволадаги манбанинг 24-бандига қаранг (2011 йил Арманистон тўғрисида қўшма хулоса).

⁸⁵ ЕХҲТ/ДИИҲБ, *"Ўзбекистон Республикасининг йиғилишлар, митинглар ва намойишлар тўғрисида"ги қонун лойиҳасига шарҳлар* (2019 йил 2 сентябр), 48-бандига қаранг.

⁸⁶ 59-ҳаволадаги манбанинг 70-бандига қаранг (2011 йил Арманистон тўғрисида қўшма хулоса).

⁸⁷ БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2018 йилда *Ўзбекистонга таширфи яқунлари бўйича тавсиялари*, А/НRC/37/49/Add.2, 2018 йил 22-феврал, 47-бандига қаранг. Шунингдек, тақослаш учун ИҲЕС, *Ahmet Arslan and Others v. Turkey*, 41135/98-сонли илтимоснома, 2010 йил 23 февралдаги қарор, 49-бандига қаранг.

чегараларидан қатъи назар, оғзаки, ёзма ёки чоп этилган, бадий ёки ўзлари танлаган бошқа усуллар билан ҳар қандай маълумот ва ғояларни излаш, олиш ва тарқатиш эркинлиги" ФСХПнинг 19-моддаси 2-бандида ва ЕХХТ доирасида бир қатор мажбуриятларда тасдиқланган.⁸⁸ Бундан ташқари, ЕХХТга аъзо давлатлар "диний конфессиялар, муассасалар ва ташкилотларга диний нашрлар ва материалларни ишлаб чиқаришга, олиб киришга ва тарқатишга рухсат беришга"⁸⁹ ва "алоҳида диндорлар ва диндорлар жамоаларининг танлаган тилидаги диний нашрлар, диний китобларни ва дин ёки эътиқодга оид бошқа мақолалар ва материалларни олиш, уларга эғалик қилиш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқларини ҳурмат қилишларини" ўз зиммаларига олдилар.⁹⁰ Бундан ташқари, 1981 йилги БМТнинг Декларациясининг 6 (с) ва (д) моддаларида "диний ёки эътиқод маросимлари ёки амалиётлари билан боғлиқ зарур мақолалар ва материалларни ишлаб чиқариш, сотиб олиш ва улардан фойдаланиш" ва "ушбу соҳаларда тегишли нашрларни ёзиш, нашр этиш ва тарқатиш" эркинлиги алоҳида кўрсатилган. Ушбу стандартлар ва мажбуриятлардан фарқли ўлароқ, 14-модданинг 2-банди диний материалларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва тарқатишни "*диний экспертизанинг ижобий хулосаси*"га боғлаб қўймоқда.

63. Умуман олганда, диний ёки эътиқод моҳиятига эга материалларни баҳолаш учун мутахассисларни тайинлашда жуда эҳтиёт бўлиш керак.⁹¹ Дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқига диний ёки эътиқод жамоаларнинг муқаддас матнлар ёки жамоанинг доктринавий асарларини ваколатли тарзда талқин қилиш ҳуқуқлари киради.⁹² Ушбу ҳуқуқ – уни қўллаб-қувватловчи "динни давлатдан ажратиш" принципи билан бир қаторда – давлатнинг диний ёки бошқа эътиқодларнинг ёки бундай эътиқодни ифода этиш учун ишлатиладиган воситаларнинг, шу жумладан диний адабиётлар ёки "*диний таркиб*"га эга деб номланувчи ҳар қандай бошқа материалларнинг қонунийлиги белгилаш бўйича ҳар қандай ихтиёрини истисно қилади.⁹³

64. Бундан ташқари, сўз эркинлиги ва ўз эътиқоди ёки эътиқодини намоеён этиш эркинлигини чеклашлар "*жамиятда конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенглик бузилишига олиб келадиган ғояларнинг олдини олиш*" ниятига асосланиши мумкин эмас. Юқоридаги 50-бандда айтиб ўтилганидек, бу асослар ноаниқ ва ўта кенг маънога эга бўлиб, ФСХПнинг 18 ва 19-моддаларидаги чекловлар учун қонуний асос сифатида қаралмайди. Худди шу нарса "*диний бошбошдоқликка чорловчи*" иборасига ҳам тегишли. Бағрикенглик ва барча инсонларнинг тенг қадр-қимматига ҳурмат – бу демократик, плюралистик жамиятнинг асосидир. Шуни инобатга олган ҳолда баъзи демократик жамиятларда муросасизлик (шу жумладан диний муросасизлик) асосида нафратни тарқатадиган, кўзгатадиган, рағбатлантирадиган ёки оқлайдиган баъзи бир ифода шаклларида "расмиятчиликлар", "шартлар", "чеклашлар" ёки "жазолар" қонуний мақсадга мутаносиб бўлиши шарти билан рухсат бериш ёки ҳатто олдини олиш принципиал жиҳатдан зарур деб ҳисобланиши мумкин⁹⁴ (шунингдек, ундаш тўғрисида юқоридаги 55-бандга қаранг).

65. 20-модданинг 2-бандидаги талаб ҳам қайси материаллар ўзларининг динлари ёки эътиқодлари тамойилларининг акс эттирганлигини аниқлаш ҳуқуқига эга бўлган диний ёки

⁸⁸ Масалан, ЕХХК/ЕХХТ, [ЕХХКнинг инсонийлик мезони бўйича конференциясининг Копенгаген йиғилиши ҳужжати](#), Копенгаген, 1990 йил 29 июн, 9.1-бандига қаранг.

⁸⁹ ЕХХК/ЕХХТ, [Вена йиғилишининг якунловчи ҳужжати](#) (Хелсинки конференциясидан кейинги учинчи учрашув), Вена, 1989 йил, 16.10-бандига қаранг.

⁹⁰ Худди шу ерда, 16.9-бандига қаранг (1989 йилги ЕХХТнинг Вена ҳужжати).

⁹¹ 18-ҳаволадаги манбанинг, 42-бетида қаранг(2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси); ва ЕХХТ/ДИИХБ, [Австриянинг Ислом издошларини диний жамият сифатида тан олиш тўғрисидаги қонунга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида Федерал қонун лойиҳаси бўйича хулоса](#), 2014 йил 7 ноябр, 39. 25-27-бандлари.

⁹² Қаранг: ўша ерда, 42-бет (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси).

⁹³ ЕХХТ/ДИИХБ, [Қозғоғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига диний эркинлик ва диний ташкилотлар тўғрисида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга шарҳлар](#), 2009 йил январ, 60-банд.

⁹⁴ Нафратли сўзлар ва зўравонликни улуғлаш масалалари бўйича, таққослаш учун ИҲЕС, [Sürek Туркияга қарши](#) (1-сон), 26682/95-сонли илтимоснома, 2004 йил 14 июндаги қарор, 62-банд.

конфессионал жамоалар ёки ташкилотларнинг мухториятини, ҳам "чет элдан диний адабиётларни олиб кириш ва ўз динлари тарафдорлари билан давлат ҳудудида алоқада бўлиш" ҳуқуқидан иборат шахсларнинг дин ёки эътиқод эркинлигини асоссиз чеклаш ҳисобланади.⁹⁵

66. Дин ишлари бўйича қўмитанинг ваколатлари санаб ўтилган Қонун лойиҳасининг 15-моддасида, хусусан, *"республикада ишлаб чиқарилган ёки чет элдан олинган диний материалларнинг экспертизасини"* ўтказиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, бундай "экспертиза"ни ўтказадиган шахслар ёки ташкилотлар ҳамда уларни танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисида ҳеч нарса келтирилмаган. Бу ҳолат ушбу қонуннинг амал қилиш доирасини ҳаддан ташқари кенгайтиришга олиб келади ва ўзбошимчалик хавфини келтириб чиқаради.

67. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **Қонун лойиҳасининг 14, 15 ва 20-моддаларидан диний ёки конфессиявий материалларни ишлаб чиқариш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ва тарқатишдан олдин "диний экспертизанинг ижобий хулосасини олиш"** ёки **"диний мазмундаги материалларни экспертизадан ўтказиш"** талабини чиқариб ташлаш тавсия этилади.

7. Чет элга саёҳат

68. Қонун лойиҳасининг 15-моддаси 9-бандида Дин ишлари бўйича қўмита *"Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидagi зиёрат жойларига боришини, фуқароларни диний таълим муассасаларида таълим олиши, малакасини ошириши ва тажриба алмашиши учун чет элларга юборилишини, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни диний таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни, халқаро диний анжуманлар ўтказилишини ташкил қилади"* дейилган. ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси вакиллари билан ўтказилган видеоконференциялар давомида давлат ҳокимияти идоралари ушбу қонундан мақсад Дин ишлари бўйича қўмитага халқаро стандартларга мос келмайдиган бундай саёҳатларни ташкил қилиш бўйича монополияни бериш эмас, балки диний ташкилотларга уларнинг илтимосларига кўра фақат ихтиёрий кўмак бериш эканлигини тушунтиришди. **Шу маънода, 15-модданинг 9-банди таҳририни ўзгартириш керак.** Таъкидланишича, ЕХХТга аъзо давлатлар "диндорлар, диний конфессиялар ва уларнинг вакиллари" гуруҳлари ўртасида ёки шахсий асосда ўз ва бошқа мамлакатларда, шу жумладан турли диний тадбирларда қатнашиш учун бошқа мамлакатларга саёҳат қилиш орқали тўғридан-тўғри шахсий алоқалар ва алоқаларни йўлга қўйишга ваъда беришган.⁹⁶ Бундан ташқари, ФСХПнинг 12-моддаси 2-бандида эътироф этилишича, ҳар бир шахснинг ҳар бир мамлакатдан, шу жумладан ўз мамлакатидан чиқиб кетиш эркинлиги асоссиз равишда чекланмаслиги керак.⁹⁷ Шу муносабат билан, БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси Ўзбекистонга ташрифи чоғида Ўзбекистонлик фуқароларнинг чет элларда ҳаж сафарига боришига давлат томонидан қаттиқ чекловлар қўйилганлигини таъкидлади.⁹⁸ Шунинг учун **лойиҳа муаллифлари Дин ишлари бўйича қўмитага бундай ваколатлар бериш ҳуқуқини қайта кўриб чиқишлари ёки диний эътиқод ва ҳаракат эркинлиги ҳуқуқларини асоссиз равишда чеклаб қўймасликларини таъминлаш учун бундай ваколатларни аниқроқ белгилашлари керак** (шунингдек қуйидаги 118-бандга қаранг).

⁹⁵ БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг [2012 йилги ҳисоботи](#), A/HRC/22/51, 2012 йил 24 декабр, 23-бандига қаранг.

⁹⁶ 89-ҳаволадаги манбанинг "Инсон орасидаги алоқалар" қисми, 32-бандига қаранг (1989 йилги ЕХХТнинг Вена ҳужжати).

⁹⁷ Шунингдек қаранг: БМТ ИХҚ, [Светлана Оразова Туркменистонга қарши](#), 1883/2009-сонли ҳужжат, 2012 йил 4 июн, 7.3-7.4-бандлари.

⁹⁸ 39-ҳаволадаги манбанинг 83-86-бандларини кўринг (БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2018 йилда [Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тавсиялари](#)).

8. Диний сабабларга кўра рад этиш ҳуқуқига оид чекловлар

69. Қонун лойиҳасининг 6-моддаси 5-бандида “*ҳеч ким диний эътиқодини рўқач қилиб қонунда белгиланган мажбуриятларни бажаришдан бош тортишга ҳақли эмас. Бажарилиши мажбурий бўлган бир вазифани диний эътиқоди туфайли бошқаси билан алмаштиришга қонунда назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади*”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида “*Фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар*” дейилган. Муқобил хизмат Ўзбекистон Республикасининг “*Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида*”ги Қонунининг (2002 й., 2020 йилги ўзгартиришлар билан) 37-моддаси⁹⁹ билан тартибга солинган ва фақат рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар аъзоларига мўлжалланган бўлиб “*диний таълимоти қурол-яроғдан фойдаланишга йўл қўймайдиган*” ҳолатларда қўлланилади. Бундай муқобил хизмат бир йиллик ҳарбий хизмат ўрнига икки йил давом этади.

70. ФСХҲПда ҳарбий хизматни эътиқод сабабларига кўра рад этиш ҳуқуқини аниқ кўрсатилмаса ҳам, бундай ҳуқуқ ФСХҲПнинг фикр, виждон ва дин эркинлиги тўғрисидаги 18-моддасидан келиб чиқиши мумкин, чунки жанговар куч ишлатишда иштирок этиш мажбурияти ФСХҲПнинг 18-моддаси билан ҳимояланган ҳуқуқларга жиддий зид келиши мумкин.¹⁰⁰ ЕХҲТ доирасидаги мажбуриятларда ҳам ҳарбий хизматни эътиқод сабабларига кўра рад этиш ҳуқуқини тан олинган.¹⁰¹ Ҳарбий хизматни эътиқод сабабларига кўра рад этиш ҳуқуқи фақат рўйхатдан ўтган “*диний ташкилотлар*” аъзоларига берилганлиги, рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессиявий гуруҳлари аъзолари учун ушбу ҳуқуқни истисно қилади. Тегишли қонуний ҳужжатлар рўйхатдан ўтган ёки ўтмаганлигидан қатъий назар диний ёки конфессиявий жамоалар ўртасида камситишларга йўл қўймасдан, эътиқоди сабабларига кўра воз кечганларга ортиқча оғир ёки жазо тариқасидаги муқобил хизматларини юкламасдан тузилиши керак.¹⁰² Амалдаги қонунчиликка ҳар кимга, **агар ҳарбий хизмат бирон бир кишининг дини ёки эътиқодига мос келмаса, диний ёки конфессионал жамоанинг рўйхатдан ўтганлик ҳолатидан қатъий назар ҳарбий хизматни мажбурий хусусиятидан озод қилишни кафолатлаган ҳолда ва оғир, жазолайдиган ёки камситувчи бўлмаган тинч ёки фуқаролик характеридаги мумкин бўлган алтернативаларни тақдим этиш учун ўзгартиришлар киритилиши керак.**¹⁰³

Г. Диний ташкилотлар, марказий бошқарув органи ва диний таълим муассасалари

71. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, диний ёки конфессиявий жамоаларнинг юридик шахс мақомига эга бўлиш орқали мустақил мавжудлиги дин ёки эътиқод эркинлигидан тўлиқ фойдаланиш учун жуда муҳимдир.¹⁰⁴ Шунга кўра, Ўзбекистонда “*диний ташкилот*” сифатида рўйхатдан ўтиш шартлари ва тартиби оғир бўлмаслиги керак¹⁰⁵ ва рўйхатдан

⁹⁹ Шу ерда.

¹⁰⁰ 12-ҳаволадаги манбанинг 11-бандига қаранг (БМТ ИХҚнинг 1993 йилги 22-сонли Умумий изоҳи). Шу муносабат билан, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳам дин ёки эътиқодни намоён этиш ҳуқуқи ўз-ўзидан қонунда белгиланган барча мажбуриятлардан воз кечиш ҳуқуқини англаймаса-да, у ФСХҲПнинг 18-моддаси, 3-бандига биноан, мажбурлашдан ҳимоя қилади. (қаранг: ССРР, [Yeo-Bum Yoon ва Myung-Jin Choi Корея Республикасига қарши](#), алоқа 1321/2004 ва 1322/2004 сонли ҳужжатлар (ССРР/С/88D/1321-1322/2004). Шунингдек, таққослаш учун ИХЕС, [Bayatyan Арманистонга қарши](#), 23459/03-сонли илтимосномаси, 2011 йил 7 июлдаги қарор, 110-банди.

¹⁰¹ 11-ҳаволадаги манбанинг 18.1 ва 18.4 бандларига қаранг. (ЕХҲТ Копенгаген Ҳужжати (1990 й.)), унда ЕХҲТга аъзо давлатлар “*муқобил хизматнинг турли, виждон эътиқоди бўйича ҳарбий хизматдан бош тортиш сабабларига мос келадиган шакллари жорий этиш масаласини, башарти бу ҳали қилинмаган бўлса, кўриб чиқишга розилик берадилар. Бунда муқобил хизматнинг бундай турлари жанговар қисмлардаги хизмат билан боғлиқ бўлмайди ёки фуқаролик тусига эга бўлади, жамиятга фойдали бўлади ва қандайдир жазолаш тусига эга бўлмайди*” деб келишди.

¹⁰² Худди шу ерда.

¹⁰³ ЕХҲТ/ДИИХБ, [Диний эркинлик ва диний ташкилотлар тўғрисидаги Туркменистон Республикаси қонун тўғрисидаги шарҳлар](#), 2010 йил 25 июн, 30-32-бандларига қаранг.

¹⁰⁴ 16-ҳаволадаги манбанинг 20-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹⁰⁵ Худди шу ерда, 25-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

ўтиш жараёни тез, содда, шаффоф, адолатли, очиқ, инклюзив ва камситмайдиган бўлиши керак.¹⁰⁶

1. Диний ташкилотни таъсис этиш (рўйхатдан ўтказиш)

72. "Маҳаллий диний ташкилот" сифатида рўйхатдан ўтиш учун диндорлар жамоаси қонун лойиҳасининг 3-моддаси 10-бандига мувофиқ "ўн саккиз ёшга тўлган, тегишли туман (шаҳар) ҳудудига доимий яшайдиган камида 50 нафар Ўзбекистон Республикаси фуқароси" иборат бўлиши керак. Ҳозирги вақтда "диний ташкилот" сифатида рўйхатдан ўтиш чегараси 100 кишига тенг (1998 йилги Қонуннинг 8-моддаси 2-банди). Умуман олганда, муаллифлар рўйхатдан ўтиш чегарасини пасайтираётгани қувонтирадиган ҳол. Шу билан бирга, агар 50 кишилик чегара кам туюлишига қарамасдан, агар бу мамлакат бўйлаб қўлланилса,¹⁰⁷ қонун лойиҳасидаги 50 фуқаронинг маълум бир ҳудудда/шаҳарда доимий яшаши шарти талаб қилиниши – 50 киши етмасдан юридик шахсларга таъминланадиган ҳимоя алтернатива мавжуд бўлмаса – бундай ҳолат кам сонли диний ёки конфессиявий, айниқса конгрегациялар асосида ташкил этилган гуруҳлар учун муаммоли бўлиб юридик шахс мақомидан маҳрум бўлишга олиб келиши мумкин.¹⁰⁸ Бундан ташқари, 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларида таъкидланганидек, қонунчилик ушбу диний ёки конфессиявий жамоаларнинг юридик шахс мақомига эга бўлишини тақиқламаслиги керак, чунки ушбу жамиятнинг баъзи асосчилари чет элликлар ёки фуқаролиги бўлмаган шахслар бўлиши мумкин.¹⁰⁹ Шунга қўра, маълум бир ҳудудда/шаҳарда доимий яшайдиган фуқаролар бўйича талаб ҳаддан ташқари кенг бўлиши мумкин. **Шу муносабат билан, маълум бир ҳудуд/шаҳарда эмас, балки Ўзбекистонда доимий яшаш факти етарли бўлиши керак. Фуқаролик талабини бекор қилиш ва фақат маълум бир ҳудудда/шаҳарда эмас, балки Ўзбекистонда доимий яшашни талаб қилиш тавсия этилади.** Шу билан бирга, рўйхатдан ўтишнинг ҳар қандай минимал чегараси асосланиб берилиши ва кичик диний ва конфессиявий жамоаларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинishi керак.¹¹⁰ Шу муносабат билан шуни таъкидлаш керакки, "Жамоат бирлашмалари тўғрисида" ги Қонуннинг 8-моддаси жамоат бирлашмасини тузиш учун камида ўн нафар фуқаронинг мавжудлигини талаб қилади. Умуман олганда халқаро миқёсда уюшма тузишда икки аъзодан кўп киши сонини талаб қилмаслик тавсия этилишига қарамасдан,¹¹¹ Ўзбекистонда жамоат бирлашмасини тузиш учун аъзоларнинг энг кам сони диний ташкилотларникидан фарқ этиш сабаби ноаниқ.

73. Қонун лойиҳасининг 3-моддаси 9-бандига мувофиқ "марказий бошқарув органи", яъни маҳаллий диний ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи ва диний таълим муассасасини ташкил этиш ҳуқуқига эга бўлган орган Ўзбекистон Республикасининг камида саккизта ҳудудий субъектларида фаолият кўрсатадиган маҳаллий диний ташкилотлар томонидан тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасидаги ўн тўртта ҳудудий субъектлардан "саккизта ҳудудий субъектлар"да фаол бўлиш талаблари

¹⁰⁶ Худди шу ерда, 24-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹⁰⁷ Илгари, Венеция комиссияси диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишнинг дастлабки шартли бўлган 50 кишилик чегара танқид қилинмаган деб ҳисоблаган; Венеция Комиссиясининг 98-ялпи мажлисида (Венеция, 21-22 март 2014 й.) қабул қилинган "[Косоводаги* дин эркинлиги тўғрисидаги 02/L-31-сонли Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғрисидаги хулосага](#)" қаранг, CDL-AD(2014)012, 25 март 2014 йил, 106-банд. [***Косовога тегишли ҳар қандай ҳавола, унинг ҳудуди, унинг муассасалари ёки аҳолиси бўлсин, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1244-сонли қарорига тўлиқ мос равишда ва Косово мақомига зарар етказмасдан тушунилиши керак"].

¹⁰⁸ 16-ҳаволадаги манбанинг 27-бандига қаранг. (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар), унга қўра "давлатлар томонидан кичик диний ва конфессиявий жамоаларнинг эҳтиёжлари ҳисобга олинганлиги таъминланиши керак". Масалан, ДИИҲБ, [Қозғистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига диний эркинлик ва диний ташкилотлар тўғрисида ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунга шарҳлари](#) (2009 йил январ), 73-бандга қаранг.

¹⁰⁹ 16-ҳаволадаги манбанинг 29-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹¹⁰ Худди шу ерда. 27-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹¹¹ 17-ҳаволадаги манбанинг 78 ва 148-бандларига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар)

рўйхатдан ўтишни чеклаш ҳисобланади ва бутун давлат миқёсида фаолият юритиши мумкин бўлмаган кичик диний ёки конфессионал жамоалар ва ташкилотларга нисбатан камситувчи бўлиши мумкин. Натижада уларга диний таълим муассасасини ташкил этишга имкон берилмайди. Шундай қилиб, бу диний ва конфессиявий ташкилотларнинг ички ишларига асоссиз аралашувни англаштириши мумкин ва ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-бандида санаб ўтилган асосларга риоя қилиш учун демократик жамиятда зарур бўлмаган оғир талаб келтириб чиқариши мумкин ва шунинг учун бу ўарт **олиб ташланиши керак**.

74. Қонун лойиҳасининг 30-моддасида диний ташкилотнинг таъсис ҳужжатларидан бири сифатида Уставнинг (таъсис ҳужжати) зарур мазмуни батафсил баён этилган. Биринчидан, дин ёки эътиқод эркинлиги ва "динни давлатдан ажратиш" тамойили асосида, давлат диний ташкилотнинг асосий ҳужжати нима эканлигини белгиламаслиги керак, чунки диний ёки конфессиявий жамоалар ва ташкилотлар турли хил таъсис ҳужжатларига эга бўлиши мумкин. Иккинчидан, 30-модданинг 2-бандида Уставнинг мазмуни, хусусан, диний ташкилотнинг "тури", "дин", диний ташкилотнинг мақсадлари ва вазифалари, бошқарув органларининг тузилиши ва ваколатлари, маблағ манбалари ва бошқа мол-мулк манбалари ва "диний ташкилот фаолияти тўғрисида бошқа маълумотлар" тўғрисида батафсил маълумот берилган. Ушбу модданинг моҳияти кенг ва очиқ бўлиб, унда қандай маълумотларни киритиш кераклиги тўғрисида аниқ кўрсатмалар мавжуд эмас. Бундай ноаниқлик диний ташкилотга аниқ ва тўла-тўқис маълумотларни тақдим этишни қийинлаштириши ҳамда тегишли бўлмаган ва/ёки нотўғри маълумотлар берганлиги учун диний ташкилотнинг жазоланиши хавфини туғдириши мумкин.

75. Ушбу қоида ҳаддан ташқари расмий кўринишга ҳам эга бўлиши мумкин ва рўйхатдан ўтиш жараёнида потенциал равишда расмий шартлар ва ташкил этиш шакллари бўйича зафироқ тузилган диний ёки конфессиявий жамоаларини истисно қилиши мумкин. Ҳақиқатдан ҳам, диний ёки конфессия гуруҳларининг барчаси ҳам аниқ тузилмаларга эга эмас ва "камроқ уюшган ёки демократик горизонтал тузилишга эга жамоалар ҳам мавжуд".¹¹² Диний ёки конфессиявий жамоалар амалда қўллашлари мумкин бўлган турли хил ташкилий шакллари ҳисобга олган ҳолда 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларида таъкидланганидек, бу соҳада миллий қонунчиликдан юқори даражадаги мослашувчанлик талаб этилади.¹¹³ Асосий принципларнинг кейинги ўринларида таъкидланганидек, диний ёки конфессиявий ташкилотнинг Уставига ҳаддан ташқари тафсилотларни киритишни талаб қилиш, халқаро ҳуқуқ томонидан асосланмаган оғир талаб ҳисобланади.¹¹⁴ Одатга кўра, "ички қоидалар қандай қабул қилиниши тўғрисида қарор диний ташкилотнинг ихтиёрига топширилиши керак".¹¹⁵ Венеция Комиссияси шундай фикрга келдики, унга кўра, қонунчиликда "диний жамоа фақат давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари билан алоқалари учун ҳамда юридик шахс сифатида ҳаракат қилиш учун вакиллик органга эга бўлиши талаб қилиниши керак. Бундан ташқари, жисмоний ва юридик шахсларга бошқа диний жамоалар билан ишлашда юридик аниқликка эриши мақсадида юридик шахснинг ўзлари ва аъзолари учун мажбурий бўлган қарорларни қабул қиладиган юридик шахс органларини аниқ кўрсатиш

¹¹² 107-ҳаволадаги манбанинг 69-бандга қаранг. (Венеция комиссиясининг Косоводаги* Дин эркинлиги тўғрисидаги 02/L-31-сонли Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғрисидаги хулосаси). [*"Косовога тегишли ҳар қандай ҳавола, унинг ҳудуди, унинг муассасалари ёки аҳолиси бўлсин, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1244-сонли қарорига тўлиқ мос равишда ва Косово мақомига зарар етказмасдан тушунилиши керак"].

¹¹³ 16-ҳаволадаги манбанинг 31-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹¹⁴ Шу ерда, 25-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). Шунингдек, 59-ҳаволадаги манбанинг 66-бандига қаранг (2011 йил Арманистон бўйича қўшма хулоса), унда Венеция Комиссияси ва ЕХҲТ/ДИИХБ "Қонунда ҳаддан ташқари батафсил маълумот диний ташкилотнинг уставига киритилишини талаб қилмаслик керак" ва "барча маълумотни топширмаганлиги сабабли рўйхатдан чиқариш ўзбошимчалик билан рад этиш шакли сифатида ишлатилмаслиги керак".

¹¹⁵ Венеция комиссияси ва ЕХҲТ/ДИИХБ, [Озарбайжон Республикасининг Дин эркинлиги тўғрисидаги қонуни тўғрисидаги қўшма хулоса](#), CDL-AD(2012)022, 15 октябр 2012 йил. 76-банд.

керак".¹¹⁶

76. Шундай қилиб, **Қонун лойиҳаси муаллифлари диний ташкилот уставининг мазмун-моҳиятини қайта кўриб чиқишлари ва фақат вакиллик органи ва диний ташкилотларнинг қайси органлари ўзлари ва аъзолари учун мажбурий бўлган қарорларни қабул қилишлари мумкинлиги тўғрисида маълумот сўралишини ёки Уставда қайд қилиниши шарт бўлган юқорида кўрсатилган талабларни, айниқса, диний ташкилотнинг "тури", унинг мақсад ва вазифалари, молиялаштириш манбаи ва "дин" ҳақида маълумот бериш талабларини қайта кўриб чиқишлари керак.**

77. Қонун лойиҳасининг 34 (с) моддаси 6-бандига биноан, давлат рўйхатидан ўтмоқчи бўлган диний жамоалар рўйхатга олиш органига Дин ишлари бўйича қўмита томонидан берилган розилик хати тақдим этилиши шарт. Рўйхатдан ўтиш сўровини юбориш ҳуқуқининг маълум бир давлат органининг розилиги/ваколатига тақдим этилиши дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг йўл қўйиб бўлмайдиган даражадаги чекланишидир. Бундан ташқари, ушбу розилик хатининг роли аниқ эмас ва қонун лойиҳасида розилик хати берилишида қўлланилиши мумкин бўлган критерийлар ва бундай розилик хати беришдан бош тортиш учун аниқ асослар кўрсатилмаган, бу эса Қўмитанинг жуда кенг ваколат ихтиёрийлигини келтириб чиқаради ҳамда баёнотларида ўзбошимчалikka билан олиб келиши мумкин. ЭХХТ / ДИИХБ ва Венеция комиссияси билан видеоконференциялар давомида Қўмита вакиллари мазкур жараён оддий ва тезкор эканлигига урғу бериб, улар кўриб чиқаётган асосий масала – бу янги диний ташкилотни ташкил этиш натижасида келиб чиқадиган эътироф ва асоратлар ўртасида юзага келиши мумкин бўлган муаммолар хавфи бор-йўқлигига аниқлик киритиш эканлиги таъкидладилар. Бироқ, бундай критерий кенг ва ноаниқдир ва шу сабабли у Қўмита томонидан ўзбошимчалик билан қўлланилиши мумкин.¹¹⁷ Бундан ташқари, бошқа давлат идорасидан розилик хати олиш зарурати диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарорни рўйхатдан ўтиш учун аризани фақат Дин ишлари бўйича қўмитасидан ижобий баҳо олган тақдирдагина кўриб чиқиши мумкин маълум бир рўйхатдан ўтказувчи органга етказиш аҳамиятини сезиларли даражада пасайтиради. Видеоконференциялар давомида ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссиясига розилик хатини бериш раддиятини судда кўриб чиқилишини сўрашнинг мумкин эмаслиги тўғрисида хабар берилди. Розилик хати сўрови, шунингдек, диний ташкилотнинг ҳам марказий бошқарув органини (34 (а) моддаси), ҳам диний таълим муассасасини (34 (б) моддаси) рўйхатдан ўтказишда қўлланилади. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, **Дин ишлари бўйича қўмитадан рўйхатдан ўтиш учун розилик хати олиш талаби қайта кўриб чиқилиши керак ёки қонун лойиҳасида илова хатини беришни рад этиш асослари бундай раддиятнинг асосли эканлиги бўйича судга шикоят қилиш мумкинлиги таъминланган ҳолда кўрсатилиши керак.**

78. Ариза берувчилар Ўзбекистонда рўйхатдан ўтиш учун ариза беришдан олдин жамоа жойлашган туман маҳалла қўмитасидан (*Маҳалла*) рухсат олишлари керак.¹¹⁸ Агар *Маҳалла* рўйхатдан ўтишга эътироз билдирса, жамоа рўйхатдан ўтолмайди ва бундай раддият бўйича судга шикоят қилиниши мумкинлиги номаълум. Амалдаги 1998 йилги Қонунда *Маҳалладан* розилик олиш зарурлиги келтирилмаган, бу аслида Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тартибга солинган. Бу қонун устуворлиги нуқтаи назаридан муаммо туғдиради, чунки у диндорларга қонун билан асосланмаган баъзи қўшимча (оғир) талабларни қўяди. Видеоконференциялар давомида давлат идоралари вакиллари ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссиясига ушбу талаб бекор қилиниши тўғрисида хабар беришди. Ҳар ҳолда, **ушбу талабдан воз кечиш керак. Бу эса шуни англатадики,**

¹¹⁶ 71-ҳаволадаги манбанинг, 71-банди (Венеция комиссиясининг Косоводаги* Дин эркинлиги тўғрисида"ги 02/L-31-сонли Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғрисидаги хулосаси). [*"Косовога тегишли ҳар қандай ҳавола, унинг ҳудуди, унинг муассасалари ёки аҳолиси бўлсин, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 1244-сонли қарорига тўлиқ мос равишда ва Косово мақомига зарар етказмасдан тушунилиши керак"].

¹¹⁷ 39-ҳаволадаги манбанинг 34-бандига қаранг (БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2018 йилда [Ўзбекистонга таърифи яқунлари бўйича тавсиялари](#)).

¹¹⁸ Шу ерда, 27-бандига қаранг (БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг 2018 йилда [Ўзбекистонга таърифи яқунлари бўйича тавсиялари](#)).

Вазирлар Маҳкамасининг амалдаги фармони ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши керак.

79. Бундан ташқари, рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги сўров "маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари) шаҳарсозлик стандартлари, ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва санитария-гигиена меъёрлари талабларини ҳисобга олган ҳолда почта манзили сифатида фойдаланилиши лозим бўлган мол-мулкнинг диний ташкилотга мувофиқлиги тўғрисидаги хулоса (34(с)-модданинг 7-банди) илова қилинган кафолат хати билан биргаликда берилиши керак". Биринчидан, ушбу қоидада маҳаллий диний ёки конфессиявий жамоаларнинг кўчмас мулкка эга бўлиши тахмин қилинади. Агар бу рўйхатдан ўтиш бўйича аризининг зарурий шарти бўлса, унда бу дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг бузилишини англатади. Иккинчидан, маҳаллий диний ёки конфессиявий ташкилотни рўйхатдан фақат шаҳарсозлик қоидалари ва гигиена ва хавфсизлик стандартларига риоя қилган ҳолда ўтказиш имкониятини беради. Ушбу чеклов белгиланган мақсадга яққол номутаносибдир, бунга рўйхатдан ўтишни рад этишни англатмайдиган камроқ чекловли воситалар ёрдамида осонликча эришиш мумкин. Бундан ташқари, баъзи диний ёки конфессиявий жамоаларга рўйхатдан ўтишда ўзбошимчалик билан рад этиш учун фойдаланиш мумкин. **Бундай ҳужжатни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилиши керак бўлган ҳужжатлар рўйхатидан чиқариб ташлаш тавсия этилади.**

80. 34-модданинг 2-қисмининг "в" бандида маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати келтирилган бўлиб, улар электрон шаклда тақдим этилиши керак. Биринчидан, талаб қилинадиган ҳужжатларни электрон тарзда тақдим этиш ушбу механизмларни ўрнатишда рўйхатдан ўтишни осонлаштиришга ёрдам бериши мумкин бўлса-да, рўйхатдан ўтиш тартиби ҳамма учун очиқлиги, инклюзивлиги ва камситилмаслигини таъминлаш муҳимдир. Хусусан, "рақамли" узилиш (яъни, аҳолининг айрим тоифалари учун Интернет ва янги технологияларга кириш имконига эга ёки улардан фойдаланиш имконияти бўлмаганлиги) хавфидан қутулиш муҳимдир. **Шу сабабли, фойдаланиш имкониятини кенгайтириш учун муқобил (электрон бўлмаган) рўйхатга олиш тизимини сақлаб қолиш маъқулдир.**

81. Иккинчидан, унда бир қатор ноаниқ атамалар ва иборалар мавжуд бўлиб улар кенг талқин этилиши мумкин ва шу сабабли диний ёки конфессиявий жамоаларни улардан ўзбошимчалик билан фойдаланиш хавфига дучор қилади. Бу шунингдек диний ёки маънавий жамоаларнинг рўйхатдан ўтиш ҳуқуқини чеклаши мумкин бўлган оғир сўровларга олиб келиши мумкин. "*Диний ташкилотни ташкил этиш*" (34(с)-модданинг 2-банди), "*диний ташкилотни яратиш ташаббускорлари ва унинг бошқарув органи аъзолари*" (34(с)-модданинг 4-банди), "*диний ташкилот раҳбарининг диний таълими*" (34(с)-модданинг 5-банди) ва ҳ.к. тўғрисидаги аниқланмаган "*маълумотлар*" ва "*ҳужжатларни*" тақдим этиш мажбурияти бундай ноаниқликларга мисол бўла олади. Шунга ўхшаш маълумотлар диний ташкилотнинг марказий бошқарув органи (34 (а) моддаси) ва диний таълим муассасаси (34 (б) моддаси) учун ҳам талаб қилинади. **Бундай талабларга аниқлик киритилиши керак.**

82. Учунчидан, қонун лойиҳасининг 34(с)-моддаси, 4-банди ариза берувчидан "*Диний ташкилот тўғрисидаги Уставни*" давлат тилида тақдим этишни талаб қилади. Баъзи диний ташкилотлар ўз ҳужжатларини давлатда расмий равишда ишлатилганидан тилдан бошқа тилда тузишлари мумкин ва баъзида бу диний сабабларга кўра содир бўлиши мумкин. Бошқа тилдан фойдаланиш ҳуқуқи диний ёки конфессия ташкилотлари дин ёки эътиқод эркинлиги бўйича халқаро стандартлар томонидан тан олинган автономия соҳасига тегишлидир. Ушбу қоидадаги ноаниқликдан қутулиш учун, Устав давлат тилида тузилмаган ҳолда, диний ташкилот давлат тилига таржима қилинган вариантини тақдим этиши мумкинлиги аниқ кўрсатилиши керак. Устав тилига тегишли қоидалар худди шу тарзда диний ташкилотнинг марказий бошқарув органини (34 (а) модда) ва диний таълим муассасасини (34 (б) моддаси) рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги аризаларга нисбатан

қўлланилади.

83. Тўртинчидан, 34 (с) моддасининг 5-банди рўйхатдан ўтиш тўғрисидаги аризага "диний ташкилот раҳбарининг диний маълумотларини тасдиқловчи ҳужжат" илова қилинишини талаб қилади. 29-модданинг 1-бандига биноан "диний ташкилот раҳбари тегишли диний маълумотга эга бўлган шахс бўлиши мумкин". Давлат диний ёки конфессиявий жамоаларнинг юридик шахс мақомига эга бўлиш ҳуқуқини бериш мажбуриятини бажаришда, шу жумладан уларнинг раҳбариятига нисбатан ўларнинг автономлигини ҳурмат қилиши керак.¹¹⁹ Шундай қилиб, шахснинг диний ёки конфессиявий ташкилотнинг раҳбари этиб тайинланиши ёки сайланиши учун бажариши керак бўлган талабларни белгилаш давлат ваколатига кирмайди ва автономия принципи билан ҳимояланган. Бу, ўз навбатида, жамоавий дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг ҳамда "динни давлатдан ажратиш" тамойилининг ифодасидир. 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларида таъкидланганидек, ўз динига ёки эътиқодига амал қилиш ҳуқуқи ўз ходимларини ўз талаблари ва меъёрларига мувофиқ танлаш, тайинлаш ва алмаштириш ҳуқуқини ўз ичига олади.¹²⁰ Фақатгина диний ёки конфессия ташкилотининг ўзи унинг "етакчиси" бўлиш учун "тегишли диний таълим" талабининг мажбурийлигини аниқлаши шарт. Бундай ҳолатда, диний таълим даражаси ва мазмунини тўғри аниқлаш ташкилотнинг ўзига ҳавола. Бундан ташқари, "диний таълим тўғрисидаги ҳужжат" деб тан олинадиган ҳужжат ва бунинг учун фақат Ўзбекистонда олинган диний таълим зарур бўлиши ёки бўлмаслиги аниқ эмас. Бундай ҳолда, у рўйхатдан ўтган диний таълим муассасалари томонидан берилган ҳужжатлар, яъни фақат рўйхатдан ўтган диний ташкилотлар билан билан чекланади (шунингдек қуйидаги G.2 кичик бўлимига қаранг). Ушбу талаб, раҳбарлари бундай маълумотга эга бўлмаган ёки аслида профессионал руҳонийлар ёки раҳбарларининг ўрнини босувчиларга эга бўлмаган ёки ўз раҳбарлари учун касбий маълумот талаб қилмайдиган йирик бўлмаган диний ёки конфессиявий жамоаларни камситиши мумкин. **Шунинг учун ушбу талаб қонун лойиҳасининг 34-моддаси 5-банди ва 29-моддаси 1-бандидан чиқариб ташланиши керак.**

84. Бешинчидан, қонун лойиҳасининг 33-моддасида ариза берувчилар диний ташкилотга рўйхатдан ўтиш учун тўлов тўлашлари ҳам талаб этилади. Агар тўлов жуда катта бўлса, унда бу мажбурият диний ташкилотнинг рўйхатдан ўтиш ҳуқуқини чеклайдиган оғир талаб сифатида қаралиши мумкин.¹²¹ Шунингдек, бу ФСХҲПнинг 26-моддаси ва 1981 йилги БМТнинг Декларациясининг 2-моддаси, 2-бандига биноан камситилмаслик ҳуқуқини бузиши мумкин, чунки бу ижтимоий-иқтисодий даражаси паст бўлган ҳуқуқ эгалари учун қийинчилик туғдиради. Диний ташкилот учун дастлабки рўйхатдан ўтиш бадали энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараварида белгиланган эди¹²², аммо яқинда энг кам ойлик иш ҳақининг 10 бараваригача пасайтирилди (9.215.000 сўмдан 1.843.000 сўмгача - 750 евродан 150 еврогача). Умуман олганда, бу қувонарли ҳол.¹²³

85. Ва ниҳоят, юқорида айтиб ўтилганидек, рўйхатдан ўтиш процедурасининг ўзи тез ва содда, шаффоф, адолатли, очиқ, инклюзив ва камситишгв олиб келмайдиган ва ҳаддан ташқари қийинчиликлар туғдирадиган бўлмаслиги керак.¹²⁴ 38-модданинг 3-бандида хатолар ёки камчиликларни тузатиш имконияти кўзда тутилган, аммо хатоларни тузатиш ва янги ҳужжатларни топшириш учун берилган беш кунлик муддат жуда қисқадир. Бу

¹¹⁹ 16-ҳаволадаги манбанинг 31-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹²⁰ Уша ерда, 15-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹²¹ Худди шу ерда, 25-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар), унга кўра "Халқаро қонунларда асосланмаган оғир талабларга мисол қилиб, ҳаддан ташқари ёки асоссиз рўйхатдан ўтиш тўловлари кирди".

¹²² БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг [2018 йилда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича таъсиялари](#), A/HRC/37/49/Add.2, 2018 йил 22-феврал, 27-бандига қаранг.

¹²³ <<http://parliament.gov.uz/ru/events/committee/27884/>> қаранг

¹²⁴ Худди шу ерда. 24-банди (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

қўшимча қийинчиликлар туғдирувчи чекловларга тенгдир¹²⁵ ва шунинг учун уни қайта кўриб чиқиш керак.

86. 38-модданинг 4-бандида "рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончилиги ва уларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан текширишга ҳақли" эканлиги кўрсатилган. Диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлар орасида унинг мақсадлари, вазифалари ва асосий фаолиятига тегишли ҳужжатлар мавжуд. Уларнинг қонунга риоя қилишлари тўғрисидаги талабни рўйхатдан ўтказувчи органга диний эътиқодлар ёки бундай эътиқодларни ифода этиш учун ишлатиладиган воситаларнинг қонуний ёки йўқлигини аниқлаш ҳуқуқини бериш деб талқин қилиниши мумкин, бу эса инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга зиддир.¹²⁶

87. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида рўйхатдан ўтиш тартиб-қоидаларининг айрим элементлари ҳақида сўз юритилган бўлса-да, рўйхатга олиш қоидаларини нейтрал, камситмаслик ва холис тарзда қўллаш учун процессуал кафолатлар берилмаган. Хусусан, **у рўйхатдан ўтказувчи органни ариза берувчиларни тинглаши ёки мумкин бўлган рад этиш сабабларини айтиб беришни мажбур қилмайди. Шу муносабат билан қонун лойиҳасига қўшимча киритиш керак.**

88. Қонун лойиҳасининг 41-моддасида диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асослар, шу жумладан диний ташкилотни ташкил этиш мақсади "Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, яхлитлиги ва хавфсизлигига путур етказса", "фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қилса", "ижтимоий, миллий, ирқий ва диний нафрат" ўйғотса ва "фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш". Халқаро инсон ҳуқуқлари қонунчилигига биноан, давлатнинг дин ёки эътиқод асосида бирлашмаларига юридик шахс мақомини беришни рад этиши, агар бирлашманинг ноқонуний фаолият билан шуғуллангани исботланмаса, дин ёки эътиқод эркинлиги ва бирлашиш эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишга халақит беради.¹²⁷ Бинобарин, диний ёки конфессиявий жамоага ҳар қандай юридик шахсни рад этиш қатъий шартлар билан асосланиши керак.¹²⁸

89. 41-модданинг биринчи қисмида кўрсатилган рўйхатдан ўтишни рад этиш учун асослар ушбу шартларга жавоб бермайди. Бир томондан, уларнинг баъзилари ҳаддан ташқари кенг ва/ёки ноаниқ бўлиб, турли хил талқин қилиниши ва суд қарорига биноан қўлланилиши мумкин (масалан, "фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузиш" ёки "фуқароларнинг ахлоқини бузиш"). Бошқа томондан, улар ФСХҲПга биноан дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқига йўл қўйиладиган чекловлар бўлмаган бир қатор асосларни ўз ичига олади (масалан, давлат хавфсизлиги) ва шунинг учун рўйхатдан ўтишга тўсқинлик қилмаслиги керак. Шу муносабат билан, ЕХҲТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси дин ва эътиқод эркинлигини чеклаш учун асос сифатида "давлат хавфсизлиги" тушунчаси киритилганлиги тўғрисида бир неча бор хавотир билдирган.¹²⁹ Дарҳақиқат, БМТнинг Инсон

¹²⁵ 17-ҳаволадаги манбанинг 160-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар), унга кўра "қонунчилик фақат етишмаётган ҳужжат ёки имзо каби техник етишмовчиликлар асосида рўйхатдан ўтишни инкор этмаслиги керак, аммо аризаларга ҳар қандай камчиликни тўғирлаш учун аниқ ва оқилона муддат тақдим этилиши керак ва шу билан бирга уюшмага барча сўралган ўзгаришлар ва зарур тузатишлар тўғрисида хабар берилиши керак. Вазиятни тўғирлаш учун оқилона муддатдаги вақт берилиши керак ва уюшма норасмий орган сифатида ишлашни давом эттириши керак".

¹²⁶ 16-ҳаволадаги манбанинг 31-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар), унда "давлат диний ташкилот конституциясини ва моҳиятини расмий равишда эмас, балки қайта кўриб чиқишдан бош тортиши керак" деб таъкидланган. Шунингдек, таққослаш учун ИХЕС, [Manoussakis ва бошқалар Грецияга қарши](#), 18748/91-сонли илтимоснома, 1996-йил, 26 сентябр қарори, 47-банди. Унга кўра, суд дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқи ушбу соҳада "давлат томонидан ҳар қандай ўзбошимчаликни истисно қилади" деган қарор чиқарган.

¹²⁷ 16-ҳаволадаги манбанинг 19-банди (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар) ва шу ерда келтирилган ҳаволаларга қаранг. Шунингдек, қаранг: 18-ҳаволадаги манбанинг 30-бетига (2019-йилги ЕХҲТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси) қаранг.

¹²⁸ Худди шу ерда..21-банди (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹²⁹ 30-ҳаволадаги манбанинг 38-бандига қаранг (2018 йил Арманистон бўйича қўшма хулоса); ва 59-ҳаволадаги манбанинг 39-бандига қаранг (2011 йил Арманистон тўғрисида қўшма хулоса). Шу муносабат билан Венеция комиссияси, 2017 йил 23 июнда [Грузия парламенти томонидан иккинчи ўқишда қабул қилинган Қайта кўриб чиқилган Конституция лойиҳаси тўғрисидаги хулоса](#) (CDL-AD(2017)023) 39-бандига қаранг.

хуқуқлари бўйича қўмитаси ҳам, ИХЕК ҳам дин ёки эътиқодни намоён этиш ҳуқуқидан истисноларни асословчи асослар тор ва тўла-тўқис талқин қилиниши керак, деб ҳисоблайдилар.¹³⁰ Халқаро шартномаларда келтирилган "давлат хавфсизлиги" билан боғлиқ бўлмаган чекловчи асослар рўйхати дин ёки эътиқод намоёишлари фақат улар билан боғлиқ бўлган ёки жамоат тартибини ёки хавфсизлигини аниқ бузилишига олиб келадиган ҳолатларда чекланишларга йўл қўяди, лекин давлат хавфсизлигига таҳдидлар тўғрисида умумий ёки мавҳум баёнотлар билан боғлиқ масалаларда эмас.¹³¹ *"Ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоват"*га ҳавола Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 20-моддаси 2-бандига мувофиқ талқин қилиниши керак ва шунга кўра "камситиш, душманлик ёки зўравонликка ундаш" халқаро инсон ҳуқуқлари стандартлари асосидаги таърифига эътибор қаратиш лозим (юқоридаги 55-бандга қаранг). Ва ниҳоят, ушбу қоида рўйхатдан ўтказувчи орган диний ташкилотнинг мақсадини қандай баҳолашига ойдинлик киритмайди. Баҳолаш диний ташкилот томонидан тақдим этилган ҳужжатлар билан қатъий чекланган бўлиши керак. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, **диний ёки конфессия ташкилотини рўйхатдан ўтказишни рад этиш учун асослар янада қатъий белгиланиши ва ФСХҲПнинг 18-моддасида қабул қилинадиган чеклов асосларига мувофиқ бўлиши керак.**

90. Бундан ташқари, Қонун лойиҳасининг 41-моддаси 3 ва 5-бандларида, агар *"қонун билан назарда тутилган диний ташкилотни ташкил этиш тартиби бузилган ёки тақдим этилган ҳужжатларда номувофиқликлар бўлган бўлса"* ёки *"тақдим этилган таъсис ҳужжатларида атайин нотўғри маълумот бўлганлиги аниқланган бўлса"*, рўйхатдан ўтишда рад этиш мумкинлиги кўрсатилган. *"Номувофиқликлар"* рўйхатга олувчи орган томонидан турли хил талқин қилиниши ва тақдим этилган ҳужжатлардаги кичик тафовутларни ўз ичига олиши мумкин бўлган кенг ва ноаниқ атама. Бундан ташқари, диний ташкилот томонидан тақдим этилган маълумотларнинг нотўғрилигини *"атайин"* эканлигини аниқлаш қийин бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда, **рўйхатга олишда рад этиш учун асос сифатида "номувофиқлик" ёки атайлаб "нотўғри маълумотларни" бериш кўзланган мақсадга номутаносиб бўлиб қонун лойиҳасидан чиқариб ташланиши керак.**

91. 41-модданинг 4-бандида, агар *"тузиладиган ташкилот диний ташкилот деб тан олинмаса"*, рўйхатдан ўтишдан бош тортиш мумкинлиги назарда тутилган. Ушбу меъёрнинг ноаниқлиги тенглик масаласига доир муаммони юзага келтиради, чунки талаб қилинадиган "тан олиш" барқарор фаолият юргизаётган диний гуруҳлари/кўпчилиқни ташкил этувчи диний ёки конфессиявий гуруҳлари қарорларига боғлиқ бўлиши мумкин. Бу эса каттароқ диний ёки конфессиявий жамоалар таркибидаги марказий ҳокимият ёки раҳбарият томонидан тан олинмаслиги мумкин бўлган озчилиқни ташкил этувчи гуруҳларга қийинчилик туғдириши мумкин. Бундай таҳрир рўйхатдан ўтказувчи орган диний ёки конфессия гуруҳининг қонунийлик ҳолатини ҳам аниқлаш ваколатига эғалигини англатади, бу эса юқорида таъкидлаб ўтилганидек, инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартларга мос келмайди (юқоридаги 86-банд). Ҳукумат қарашлари муайян *"ишончлилик, жиддийлик, ҳамжиҳатлик ва муҳимлик"* даражасига етолмаган айрим гуруҳларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин,¹³² аммо амалда бундай жиҳатларни объектив баҳолаш қийин бўлиши мумкин. Қандай бўлмасин, рўйхатдан ўтказувчи орган ҳеч қачон ариза берувчининг фикри ёки қадриятлар тизимининг

¹³⁰ 12-ҳаволадаги манбанинг, 8-бандига қаранг (БМТ ИХҚнинг 1993 йилги 22-сонли Умумий изоҳи), унга кўра "Бу ерда кўрсатилмаган асосларда чеклашларга йўл қўйилмайди, ҳатто улар Пакт билан ҳимояланган бошқа ҳуқуқларга, масалан, миллий хавфсизликка нисбатан чекловларга йўл қўйилган бўлса ҳам"; ва ИХЕС, [Нолан ва К. Россияга қарши](#), 2512/04-сонли илтимоснома, 2009 йил 12 февралдаги қарор, 73-банди. Шунингдек, қаранг: 16-ҳаволадаги манбанинг 8-банди (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар); ва БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссияси, [Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактдаги чеклаш ва камситиш қоидалари бўйича Сиракуза принциплари](#), 1984 йил 28 сентябр, E/CN.4/1985/4.

¹³¹ 12-ҳаволадаги манбанинг 8-бандига қаранг (БМТ ИХҚнинг 1993 йилги 22-сонли Умумий изоҳи). Шунингдек, 16-ҳаволадаги манбанинг 8-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар) ва 59-ҳаволадаги манбанинг 39-бандига қаранг (2011 йил Арманистон тўғрисида кўшма хулоса).

¹³² ИХЕС, [Campbell ва Cosans Бирлашган Қиролликка қарши](#), 7511/76; 7743/76-сонли илтимосномалар, 1982 йил 25 февралдаги қарор, 36-бандга қаранг.

тўғрилигини ёки қонунийлигини баҳоламаслиги керак.¹³³ Бундан ташқари, ушбу қоида кичик ёки янги ташкил этилган диний ёки конфессиявий жамоаларни рўйхатдан ўтказишда тўсқинлик яратиши мумкин. Бироқ, 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларида таъкидланганидек, "юридик шахс мақомини олиш жараёни, муайян дин анъанавий ёки тан олинган дин эмаслиги сабабли ёки дин ёки эътиқоднинг ҳаддан ташқари тор талқини ёки таърифи асосида бирон бир жамоани истисно қилмасдан имкон қадар кўпроқ жамоалар учун очиқ бўлиши керак".¹³⁴

92. Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, **халқаро стандартларга мувофиқ рўйхатдан ўтказишни рад этишнинг жуда чекланган ҳолатларини қонун лойиҳасининг 41-моддасида аниқроқ ёритиш тавсия этилади ва ушбу қоидаларни қўллашда мутаносиблик принципига риоя қилиниши кераклиги аниқ белгилаб қўйилган, аммо шу билан бирга белгиланган дин ёки эътиқоднинг ҳақиқийлиги ёки қонунийлигини ҳар қандай баҳолашни аниқ истисно қилиш керак.**

93. Ва ниҳоят, 41-модданинг 6-бандида *"рўйхатдан ўтказувчи органнинг диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни рад этиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиш мумкин"* деган қоида ижобий баҳога сазовор. Ушбу қоида халқаро меъёрларга мос келади, аммо агар у алоҳида қонун ҳужжатларида ишлаб чиқилмаган бўлса, унда мазкур қоида апелляция тартиби, **шу жумладан ваколатли суд ва муддатлар тўғрисидаги батафсилроқ кўрсатмалардан иборат бўлиб ўз самарадорлигини таъминлаши керак.**

2. Диний таълим муассасалари

94. Қонун лойиҳасининг 12-моддаси 4-бандида *"ҳар ким диний таълим муассасаларида профессионал диний таълим олиш ҳуқуқига эга"* дейилган. Диний таълим муассасалари – бу руҳонийлар ва диний ходимлар ўқитиладиган муассасалар (Қонун лойиҳасининг 3-моддаси). Диний ёки конфессиявий раҳбарларни ўқитиш эркинлиги ҳар қандай диний ёки конфессиявий жамоа ва ташкилоти учун жуда муҳимдир. Бу ФСХҲПнинг 18-моддаси билан ҳимояланган таълим бериш орқали дин ёки эътиқодга ибодат қилиш эркинлигининг асосий элементидир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1981 йилги Декларациясининг 6(г) моддасида *"ҳар қандай дин ёки эътиқод талаблари ва меъёрларига мувофиқ равишда тегишли раҳбарларни"* тайёрлаш эркинлиги алоҳида кўрсатилган. Касбий диний ёки мафкуравий маълумот олиш учун номзодларни танлаш ҳуқуқи диний ёки конфессиявий жамоа ёки ташкилотнинг *"талаблари ва стандартлари"*га мувофиқ *"муносиб"* бўлган диний ёки конфессиявий раҳбарларни тайёрлаш жараёнининг бир қисмидир. Ушбу ҳуқуқ диний ёки конфессиявий ҳамжамият ёки ташкилот томонидан белгиланган меъёрларга жавоб бермайдиган номзодлар учун касбий диний/мафкуравий таълим муассасасига киришни рад этиш ҳуқуқини ўз ичига олган диний ёки конфессиявий жамоалар ва ташкилотларнинг автономияси билан ҳимояланган. Бу қонун лойиҳасининг 12-моддаси 4-бандида назарда тутилган *"ҳар кимнинг"* касбий диний таълим олиш ҳуқуқини истисно қилади.

95. 19-модданинг 1-бандига биноан *"диний таълим муассасаси рўйхатдан ўтгандан ва тегишли лицензияни олганидан кейин ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини олади"*. Шундай қилиб, 19-модда ҳар қандай муассасага рўйхатдан ўтмасдан ва тегишли лицензияни олмасдан руҳонийлар ва диний ходимларни тайёрлашни тақиқлайди. ЕХҲТ мажбуриятлари бўйича давлатлар диний кадрларни тегишли муассасаларда ўқитишга рухсат беришлари шарт.¹³⁵ Диний таълим муассасаси талабларига мувофиқлигини аниқлаш диний ташкилотнинг автономиясининг бир қисмидир, гарчи рўйхатдан ўтиш ва лицензияни олиш зарурати фақат таълим муассасаси томонидан берилган малакаларнинг

¹³³ 30-ҳаволадаги манбанинг 57-бандига қаранг (2018 йил Арманистон тўғрисида қўшма ҳулоса).

¹³⁴ 16-ҳаволадаги манбанинг 26-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹³⁵ ЕХҲТ/ЕХҲТ, [Вена йўғилишининг якунловчи ҳужжати](#) (Хелсинки конференциясидан кейинги учинчи учрашув), Вена, 1989 й. 16.8-банд.

давлат томонидан тан олиниши билан боғлиқ бўлиши мумкин. Диний кадрларни фақат рўйхатдан ўтган ва лицензияланган муассасаларда ўқитиш ҳуқуқини чеклаш, ҳар бир инсоннинг ФСХҲПнинг 18-моддаси 1-бандида "ўз динига ёки эътиқодига [...] ибодат қилиш ва ўқитиш" ҳуқуқини ва 1981 йилги БМТнинг Декларациясининг 6 (е) ва (г) моддаларидаги диний ташкилотларнинг ушбу таълимни эркин тарқатиш ҳуқуқини бузиш ҳисобланади. Бундан ташқари, бундай рўйхатдан ўтиш ва лицензиялаш талаблари амалда дин ва эътиқод эркинлигини айниқса ўқув тадбирлари учун маблағ, ўқитувчилар ўртасида диний/эътиқод бўйича маълумот, рўйхатдан ўтиш тўловини тўлаш учун маблағ ва бошқаларнинг етишмаслиги сабабли рўйхатдан ўтиш ва лицензиялаш талабларини бажара олмайдиган диний ёки конфессиявий озчиликлар жамоалари учун номутаносиб равишда чеклаши мумкин.

96. Қонун лойиҳасининг 19-моддаси 2-бандига мувофиқ, "фуқаролар диний таълим муассасаларига" Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунига мувофиқ мажбурий умумий ўрта ёки ўрта махсус маълумот органларидан кейин қабул қилинади". Ушбу моддага мувофиқ, диний муассасага кириш муайян малака мавжудлигига боғлиқ. Шундай қилиб, бу диний ташкилот томонидан белгиланган қабул шартлари асосида ушбу таълим муассасаларида диний таълим олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг дин ва эътиқод эркинлигини чеклайди. Бундан ташқари, бу ўзларининг диний таълим муассасаларига кириш учун шартлар белгилаш ҳуқуқидан иборат бўлган диний ташкилотларнинг автономиясига бевосита таъсир қилади (шунингдек, юқоридаги 94-банддаги 12-модданинг 4-банди тўғрисидаги шарҳга қаранг).

97. Худди шу тарзда, 19-модданинг 3-банди диний ташкилотларнинг автономиясини чеклайди, бу давлатнинг аралашувисиз диний таълим муассасаларида ишлайдиган ўқитувчилар томонидан бажарилиши керак бўлган талабларни белгилаш ҳуқуқини ўз ичига олади. Ўқитувчиларнинг касбий диний таълимига қўйиладиган талаблар давлат томонидан диний таълим муассасаси томонидан берилган малаканинг фақат тан олиниши билан боғлиқ бўлиши мумкин, аммо бундай таълим муассасаларда дарс бериш ҳуқуқига тааллуқли эмас.

98. Ниҳоят, юқоридаги 54-бандда айтиб ўтилганидек, ота-оналар ва/ёки ўз фарзандлари учун диний таълимни ташкил қилиш бошланғич ва уларни ўрта махсус диний мактабларга юбориш имкониятига эга бўлишлари керак. Бу ҳолат ИИМҲҲПнинг 13-моддаси 3-бандидан ва ФСХҲПнинг 18-моддаси 4-бандидан келиб чиқади. Бу шуни англатадики, диний ёки конфессиявий жамоаларга хусусий диний мактабларда, шу жумладан бошланғич ва ўрта даражаларда ўқитиш ва ўқитишни ташкил этиш ҳуқуқини бериш керак,¹³⁶ бу эса Қонун лойиҳасида назарда тутилмаган. Бироқ, бу ҳукуматларни диний асосда ташкил этилган мактабларни молиялаштиришга мажбур қилмайди, гарчи давлат томонидан маблағ ажратиладиган ҳолатларда маблағлар камситишга йўл қўймасдан берилиши керак.¹³⁷

3. Диний ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

99. 3-моддадаги "диний ташкилот" таърифига мувофиқ, рўйхатдан ўтган диний ташкилотларгина Қонун лойиҳасининг 20-моддасида санаб ўтилган ҳуқуқлардан фойдаланишлари мумкин. Юқоридаги Е кичик қисмида таъкидланганидек, ушбу ҳуқуқларнинг баъзилари¹³⁸ ФСХҲПнинг 18-моддаси билан рўйхатдан ўтганлик ҳолатидан

¹³⁶ Масалан, Венеция комиссияси, [Черногория дин ёки эътиқод эркинлиги ва диний жамоаларнинг ҳуқуқий мақоми тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги хулоса](#), (CDL-AD(2019)010-е) 45-бандга қаранг. Шунингдек қаранг: ИҲЕС, [Kjeldsen, Busk Madsen ва Pedersen](#), 5095/71, 5920/72, 5926/72-сонли илтимосномалар, 1976 йил 7-декабр қарори.

¹³⁷ Масалан, ССРР, [Waldman Канадага қарши](#), № 694/1996-сонли ҳужжат, ССРР/С/67/Д/694/1996, 1999 йил 3-ноябр, 10.6-бандга қаранг.

¹³⁸ Масалан, бошқалар қаторида "ибодат жойларида ёки диний маросимларда қулай шароитлар яратиш" (20-модда 1-банди, 1-банди), "диний таълим муассасаларини яратиш" (20-модда 1-банди, 2-банди), "тадбирларни ўтказиш уларнинг фаолияти билан боғлиқ масалалар тўғрисида" (20-модда, 1-банд, тўртинчи банди) "диний адабиётларни ва диний мазмундаги бошқа материалларни қайта ишлаш, экспорт ва импорт қилиш" (20-модда 1-банди, 5-банди),

қатъи назар кафолатланган ўз динига ёки эътиқодига ибодат этиш ҳуқуқининг муҳим намоёни эканлигига зид ҳолатдир. Буларга яқка тартибда ва бошқалар билан бирга оммавий ёки хусусий тарзда ибодат қилиш, семинарлар ёки диний мактаблар ташкил этиш; диний нашрлар ва материалларни ишлаб чиқариш, олиб кириш ва тарқатиш; диний ва эътиқод масалалари бўйича миллий ва халқаро миқёсда, шу жумладан саёҳатлар ва ҳаж зиёратлари орқали шахслар ва жамоалар билан алоқа ўрнатиш ва сақлаш эркинликлари киради.¹³⁹

100. Қонун лойиҳасининг 21-моддаси 1-бандида *"диний ташкилотлар давлат органларининг ноқонуний қарорлари ёки уларнинг мансабдор шахсларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган ноқонуний хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) муносабати билан юқори давлат органига ёки судга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга"*. Рўйхатдан ўтмаган диний ёки конфессиявий жамоалар ҳам худди шундай ҳуқуқдан фойдаланишлари керак. Хусусан, улар бундай мақомни талаб қилиш учун жиддий сабабларга эга бўлган диний ёки конфессиявий жамоанинг юридик шахсини тан олмаслик ёки бекор қилиш тўғрисидаги қарорга қарши самарали ички воситага эга бўлиши керак. Ушбу ҳуқуқ ФСХҲПнинг 2-моддаси 3-бандидан келиб чиқади, унда жисмоний шахслар ва жамоалар уларни самарали юридик ҳимоя билан таъминлаши керак бўлган судга мурожаат қилишлари керак.¹⁴⁰ Бироқ, ушбу қоида анча ноаниқ бўлиб, диний ташкилотдан шикоятларни қабул қилиш учун масъул бирон бир ваколатли органи кўрсатмайди. Ҳар қандай ҳолатда, диний ёки конфессия ташкилотлари ва уларнинг айрим аъзолари давлат идорасининг ҳар қандай ноқонуний қарори ёки хатти-ҳаракатларига судда апелляция (фақат шикоят билан мурожаат қилиш эмас) қилиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак ва қонунда апелляция тартибига оид батафсил, тезкор ва самарали маълумотлар тақдим этилиши керак.¹⁴¹

101. Қонун лойиҳасининг 22-моддасида диний ташкилотнинг вазифалари, шу жумладан, Дин ишлари бўйича қўмитани турли тадбирлар тўғрисида ибодатлар, диний урф-одатлар ва маросимлар (4-банд) ва йиллик ҳисоботларни (6-банд) тақдим этишдан ташқари бошқа фаолият ҳақида хабардор қилишсанаб ўтилган. Дин ёки эътиқод эркинлиги диний ёки конфессиявий жамоа ёки ташкилот ва унинг аъзоларининг бу ҳақда давлат органларига хабар бермасдан диний/конфессиявий фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқини ўз ичига олади, фақат жамоат хавфсизлиги, тартиб, соғлиқни сақлаш ёки бошқаларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликлари қилиш каби мақсадларда ушбу фаолиятнинг моҳияти давлат органларининг иштирокини талаб қиладиган ҳолатлар бундан мустасно. Хабар берилиши керак бўлган тадбирлар рўйхатига бундай ҳамкорликни талаб қилмайдиган тадбирлар (учрашувлар, давра суҳбатлари, семинарлар ва бошқалар) ҳам киради. Бундан ташқари, ушбу талабнинг кўлами аниқ эмас (аксарият ҳолларда диний ташкилотларнинг фаолияти ташкилий муаммоларни келтириб чиқармайди) ва бу амалиёт диний ташкилотнинг ҳар қандай фаолиятига нисбатан қўлланилса, бу ўта оғир ва бюрократик масалаларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, кичик эътиқодга асосланган ташкилотлар Қўмитага бундай барча хабарномаларни юбориш учун етарли ходимлар ва имкониятларга эга бўлмаслиги мумкин. Шундай қилиб, бу "динни давлатдан ажратиш" тамойилига зид келади ва ФСХҲПнинг 17-моддасига мувофиқ диний ёки конфессионал жамоалар ва ташкилотларнинг автономияси ва уларнинг фаолиятига аралашмаслик принципини ҳамда диний ёки конфессия ташкилотлари аъзоларининг шахсий ҳаёти ҳуқуқини бузади.

"зиёратларни уюштириш ёки бошқа диний тадбирларда қатнашиш мақсадида халқаро алоқаларни ўрнатиш" (20-модда 1-банди, 6-банди).

¹³⁹ 16-ҳаволадаги манбанинг 15-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹⁴⁰ Худди шу ерда, 35-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). Таққослаш учун ИҲЕС, [Biserica Adevărat Ortodoxă Din Moldova va boшқалар Молдовеега қарши](#), 952/03-сонли илтимоснома, 2007 йил 27 февралдаги қарор, 49-54-бандларига қаранг.

¹⁴¹ Худди шу ерда, 35-банд (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар), унга кўра *"Давлатлар инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро қонунларда белгиланган бир қатор стандартларни амалда татбиқ этиш бўйича ФСХҲПнинг 2-моддаси 3-бандида ва ИҲЕКнинг 6-модданинг 1 ва 13-бандларида келтирилганидек умумий мажбуриятга эга, масалан, бу жисмоний шахслар ва жамоаларнинг судга мурожаат қилишларини ва уларга самарали воситани тақдим этишини талаб қилади"*.

Тадбирлар тўғрисида Дин ишлари бўйича қўмитани хабардор қилиш мажбурияти дин ва эътиқод эркинлиги ва сўз эркинлигини асоссиз чеклаш ҳисобланади ва шу сабабли Қонун лойиҳасидан чиқариб ташланиши керак. ДИИХБ ва Венеция Комиссияси қонун лойиҳаси қайта кўриб чиқилганда диний ташкилотларнинг Қўмигага режалаштирилган тадбирлар тўғрисида хабар бериш мажбуриятини бекор қилиш бўйича расмийларнинг мажбуриятини олқишлайди. Шунга ўхшаш муаммолар йиллик ҳисобот талаблари билан боғлиқ ҳолларда келиб чиқади. Шунга таъкидлаш керакки, бундай талаблар мавжуд ҳолатларда, уларнинг талаблари оғир бўлмаслиги керак, диний эътиқод ёки эътиқод эркинлиги ва уюшиш эркинлигини асоссиз равишда чекламаслик учун ассоциация ҳажми ва унинг фаолият кўлами билан мутаносиб бўлиши керак.¹⁴² 22-модданинг 3-бандида "диний ташкилотнинг давлат томонидан муҳофаза қилинадиган моддий маданий мерос объектларини сақлаш мажбурияти" ҳам кўрсатилган. Бу талаб кўриб чиқилаётган буюмлар диний ташкилотларнинг қонуний эгаллигида ёки ихтиёрида бўлган тақдирда оқилона талаб сифатида тахмин этилиши мумкин. Бироқ, қонун лойиҳаси бу жиҳатдан анча ноаниқ бўлиб, ушбу моддий маданий мерос объектларининг эгаси кимлигини кўрсатмасдан диний ташкилот зиммасига катта масъулият юклайди.

102. Қонун лойиҳасининг 13-моддаси 4-бандида "диний ташкилотлар диндорлардан маблағ йиғиш ва солиқларни ундириш ҳуқуқига эга эмаслиги" таъкидланган. Шу билан бирга, баъзи динлар ўз доктриналарига асосланиб ўз аъзоларига мажбурий молиявий мажбуриятларни юклайдилар, бу динлар аъзоларидан диний ташкилотлар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашини ёки жамоа фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун баъзи хайр-эҳсон қилишларини кутадилар ёки ҳатто талаб қиладилар (масалан, баъзи протестант жамоалари, Охирги кунлар авлиёлари Исо Масиҳ черкови ва бошқалар). Ушбу жиҳатлар диний ташкилотнинг автономия ва ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқи билан ҳимояланган бўлиб, молиявий ҳиссаларни жалб қилиш ва олиш дин ёки эътиқод эркинлигининг ифодасининг бир туридир.¹⁴³ Гарчи фирибгарлик ёки мажбурлаш йўли билан пул ундириш халқаро ҳужжатлар билан аниқ ҳимояланмаган бўлса-да, ушбу хатти-ҳаракатлар жиноят учун қонунчиликда аллақачон жазо тайинланган деб тахмин қилинади. Диний ташкилотларга ўз аъзоларидан озми-кўпми мажбурий равишда пул йиғишни тақиқлаш "жамоат хавфсизлигини, тартибини, соғлиғини ёки ахлоқини ёки бошқаларнинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш учун зарур эмас" ва шунинг учун ФСХҲПнинг дин ва эътиқод эркинлигини чеклашга тегишли 18-моддасининг 3-банди талабларига жавоб бермайди.¹⁴⁴ **Ушбу қоидага шундай аниқлаштириш киритиш керакки, қоида фақат мажбурлаш (масалан, зўравонлик, таҳдид ёки бошқа ноқонуний босим усулларида фойдаланиш) ёки фирибгарликни қамраб оладиган бўлиши керак.**¹⁴⁵ Шунга таъкидлаш керакки, қонун лойиҳасининг 23-моддаси 1-бандида диний ташкилотларга фақат фуқаролар хайрия қилиш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Ушбу ҳуқуқнинг фақат фуқаролар билан чекланиши Қонун лойиҳасида назарда тутилмаган оқилона асосларни талаб қилади.

103. 13-модданинг 4-бандида қўшимча равишда "диний ташкилотлар шахснинг шаъни ва қадр-қимматига зарар етказадиган чоралар кўришга ҳақли эмас"лиги таъкидланган. Ушбу ибора ҳаддан ташқари ноаниқ ва турли хил талқинланиши мумкин, бу ваколатли органлар томонидан ўзбошимчаликка йўл қўйилишига олиб келиши мумкин. Ушбу хавфни бартараф этиш **учун мазкур қоида аниқроқ терминологиядан фойдаланган ҳолда қайта ишлаб чиқиш ва камситилмаслик тўғрисида аниқ маълумотни киритиш ёки умуман ўчириб ташлаш керак. Бунда ФСХҲПнинг 18-моддаси, 3-бандида**

¹⁴² 17-ҳаволадаги манбанинг 225-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁴³ 1981 йил [БМТнинг Дин ва эътиқодга нисбатан муросасизлик ва камситишнинг барча шаклларини тўғатиш тўғрисидаги декларацияси](#), 6(f)-моддаси, унга кўра "дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқи, хусусан, шахслар ва муассасалардан ихтиёрий молиявий ва бошқа бадалларни сўраш ва олиш эркинлигини ўз ичига олади"; ва [Вена йиғилишининг якуний ҳужжати](#) (Хелсинки конференциясидан кейинги Учинчи йиғилиши), Вена, 1989 йил, 16.4-банд, унда "ихтиёрий молиявий ва бошқа бадалларни сўраш ва олиш" ҳуқуқига ишора қилинган.

¹⁴⁴ Қаранг, худди шундай қоидага нисбатан, ЕХҲТ/ДИИХБ-Венеция комиссияси, [Қирғизистон Республикасида виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қўшма ҳулосаси](#), CDL-AD(2008)032-е, 28 октябр 2008 йил, 129-банд.

¹⁴⁵ Худди шу ерда, 129-банд.

кўрсатилган мезонлар фойдали бўлиши мумкин.

104. 43-модда билан биргаликда кўриб чиқилаётган қонун лойиҳасининг 3-моддаси 5-банди диний ташкилот фаолиятига нисбатан ҳудудий чекловларни белгилайди, чунки унда диний ташкилот ўз фаолиятини маълум бир ҳудудда амалга ошириши кераклиги назарда тутилган. Ушбу талаб 42-моддада қўшимча равишда кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ *"диний ташкилот фаолияти ҳудуди"* диний ташкилотлар реестрида кўрсатилиши керак. Диний ёки конфессиявий жамоа ёки ташкилотнинг ўз фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи, агар улар қонун билан белгиланмаган бўлса, ҳудудий чекловлар қўлланилмайдиган жамоа диний эркинлиги ҳуқуқи билан ҳимоя қилинади, агар улар ИССПРнинг 18-моддаси 3-қисмида санаб ўтилган мақсадларга мутаносиб ва зарур бўлса. Қонун лойиҳасида бундай ҳудудий чекловлар нима учун зарур ва қанчалик даражада қонуний мақсадга мутаносиб эканлиги аниқ эмас. Бундан ташқари, *"дин ва эътиқод масалалари бўйича миллий ва халқаро миқёсда шахслар ва жамоалар билан ҳам мамлакат ҳудудида, ҳам чет элда алоқа ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш"*¹⁴⁶ ҳуқуқи нафақат оғзаки ёки ёзма диний хабарларни етказиш ёки қабул қилишни, балки диний тадбирларда ва фаолиятда қатнашишни ҳам қамрайди.¹⁴⁷ Ушбу ҳуқуқнинг ҳар қандай чекланиши ФСХҲПнинг 18-моддаси, 3-бандида кўрсатилган шартларга мувофиқ бўлиши керак. **Диний ташкилот фаолиятидаги бундай ҳудудий чекловларни бекор қилиш тавсия этилади.**

105. Ниҳоят, қонун лойиҳасининг 22-моддаси 2-бандига биноан *"қонун ҳужжатларига мувофиқ, диний ташкилот бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин"*. Қонун лойиҳасининг 6-боби билан биргаликда, бу ҳолат қонун бузилишларини, шу жумладан қонун лойиҳасида қайд этилмаган ҳолатларни бартараф этмаганлиги учун диний ташкилотнинг фаолиятини тўхтатиш/туғатиш бўйича амалда давлат органларига чексиз ҳуқуқни яратиб беради. Қўлланиладиган жазо ҳеч бўлмаганда қоидабузарликларга мутаносиб бўлиши керак (*қуйидаги G.5* кичик бўлимига қаранг).

4. Хорижий ишчиларни аккредитация қилиш

106. Хорижий фуқаролар бўлган диний ташкилотнинг раҳбари ва ходимлари, шунингдек уларнинг қарамоғида бўлганлар суд органи томонидан аккредитациядан ўтишлари шарт (қонун лойиҳасининг 16-моддаси 3-банди ва 29-моддаси 2-банди). Шундай қилиб, ушбу қоида диний ташкилотларнинг давлат хизматчилари ва чет эллик ишчиларини ажратиб, фақат иккинчиларининг суд органи томонидан аккредитациядан ўтишини талаб қилади. Қонун лойиҳасида аккредитация мақсади ва уни олиш тартиби бўйича кўрсатмалар келтирилмаган. Шундай қилиб, аккредитация бериш учун масъул бўлган орган ўз ихтиёрига кўра иш олиб бориш имкониятига эга бўлиши мумкин. Ўзбекистонда яшаш ва ишлашни истаган барча чет элликлар учун ҳар қандай рўйхатдан ўтишни талаб қилиш оқилона бўлиши мумкин бўлса-да, юқоридаги аккредитация фақат диний ташкилотларда ишлайдиган чет эл фуқаролари учун талаб қилинадими ёки Ўзбекистонда ҳар қандай турдаги юридик шахс таркибида қонуний ишлашни истаган барча чет элликлар учун керакми – буниси номаълум. Агар бундай талаб фақат биринчиларга тааллуқли бўлса, унда ушбу қоида дин ва эътиқод эркинлигининг жамоавий ҳуқуқини чеклаш ҳисобланади. Бу ҳолатнинг ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-бандида кўрсатилган критерийларга тўғри келиши тасдиқланиши керак. Агар бунга оқилона сабаб топилмаса, бу бошқа юридик шахслардан фарқли ўлароқ оғирроқ шароитга тушиб қоладиган диний ташкилотларга нисбатан камситиш деб топиллиши мумкин.

¹⁴⁶ [БМТнинг 1981-йилги Дин ва эътиқодга нисбатан мурасасизлик ва камситишнинг барча шакллари тўғрисидаги декларациясининг](#) 6-моддаси.

¹⁴⁷ [Вена учрашувининг якуний ҳужжати](#) (Хелсинки конференциясидан кейинги учинчи йиғилиш), Вена 1989 йил, 32-банд; [БМТнинг Дин ва эътиқодга нисбатан мурасасизлик ва камситишнинг барча шакллари тўғрисидаги декларацияси](#); 2004 йилдаги ЕХҲТ/ДИИХБ-Венеция комиссиясининг Дин ва эътиқодга оид қонунчилик бўйича қўшма қўлланилмаси; Уюшмаларни молиялаштириш бўйича Венеция комиссиясининг ҳисоботи, CDL-AD (2019)002, 19-банд.

107. Ҳар қандай ҳолатда, бундай аккредитация учун қонуний ва маъмурий асослар шундай ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши керакки, уларга асосан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини сақланиши ва кафолатланиши ҳамда эркин ҳаракатланиш, яшаш жойини танлаш, ва шахсий ва оилавий ҳаётни ҳимоя қилиш ҳуқуқи каби ҳуқуқларнинг амалга оширилишига халақит берилмаслик керак.¹⁴⁸

5. Диний ташкилотларнинг фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш

108. Қонун лойиҳасининг 6-боби диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш ва тугатишни тартибга солади. 43-модданинг 1-бандига биноан "диний ташкилотнинг фаолияти, агар у Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларини бузса, суд томонидан тўхтатиб қўйилиши мумкин". Агар ушбу қонунбузарлик бартараф этилмаса, бу охир-оқибат диний ташкилотнинг суд қарори билан тугатилишига олиб келиши мумкин (44-модданинг 3-банди). "Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини бузиш" диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш учун жуда кенг ва ноаниқ тушунчадир. Ушбу модданинг сўзма-сўз талқин қилиниши, қонун бузилишининг моҳияти ва оғирлигидан қатъи назар, ҳар қандай Уставнинг ҳар қандай қоидаларини бузганлиги учун, ҳатто кичик қонунбузарликлар билан боғлиқ ҳолда, масалан, янги манзил тўғрисида кеч хабар бериш, белгиланган муддат ичида жарима тўлаш ёки меҳнат ёки фуқаролик қонунчилигининг бошқа кичик қонунбузарликлар учун фаолиятнинг тўхтатиб қўйилишига олиб келиши мумкин. Диний ёки конфессиявий ташкилотнинг юридик шахс мақомининг тўхтатиб қўйилиши ёки тугатилиши унинг мақоми, молиялаштирилиши ва фаолиятига олиб келадиган кенг ва муҳим оқибатларни ҳисобга олган ҳолда, **ҳар қандай қарор фақат жамоат тартибига таҳдид соладиган жиддий ва такрорий ҳуқуқбузарлик ҳолатларида ёки асосий демократик принциплар ёки давлат қонунларини ўта жиддий бузилиши билан боғлиқ аниқ ва бевосита таҳдид юзага келган тақдирдагина охириги чора бўлиши керак.**¹⁴⁹ Бундан ташқари, диний ташкилот фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги қарор ФСХҲПнинг 18-моддаси 3-қисмига биноан "кўзланган қонуний мақсадга мутаносиб" бўлиши керак¹⁵⁰. Бундай қарор фақатгина бундан оғир бўлмаган чоралар етарли бўлмаган тақдирда қабул қилиниши керак.

109. Қонун лойиҳасининг 43-моддаси, 2-бандига биноан, диний ташкилотнинг ўз Устави мақсадларининг бузилиши ҳам фаолиятни тўхтатиб қўйиш учун асос сифатида қайд этилган. 2015 йилги Уюшма эркинлиги бўйича қўшма асосий принципларда таъкидланганидек, "ҳеч қандай шароитда уюшмаларга уларнинг фаолияти фақатгина ўзларининг ички тартиб-қоидаларининг бузилганлигига олиб келиш сабабли жазо қўлланилиши берилиши мумкин эмас".¹⁵¹ **Ушбу фаолиятни тўхтатиб қўйиш учун асос сифатида қаралаётган ҳолат Қонун лойиҳасидан олиб ташланиши керак.** Қонун лойиҳасининг 43-моддаси 2-бандида қонунбузарликни бартараф этиш учун "муддат" ҳам белгиланган. Бундай қоидабузарликларни бартараф этиш учун диний ташкилотларга етарли вақт ажратиш бериш муҳимдир.

110. Қонун лойиҳасида санкцияларнинг фақат икки тури, яъни тўхтатиб туриш ва бекор

¹⁴⁸ ФСХҲПнинг 12-моддаси 1 ва 17-бандлари. [Вена учрашувининг яқуний ҳужжати](#) (Хелсинки конференциясидан кейинги учинчи йиғилиш), Вена 1989 йил. Европадаги хавфсизликка бағишланган масалалар, Принциплар, 20-банд

¹⁴⁹ 16-ҳаволадаги манбанинг 33-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар) ва 17-ҳаволадаги манбанинг 225-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар). Масалан, ЕХҲТ/ДИИХБ-Венеция комиссиясининг [Арманистон Республикаси Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунига ва Жиноят кодексига, Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодексига ва Хайрия иши тўғрисидаги қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун бўйича оралик қўшма ҳулосаси](#) (CDL-AD(2010)054), 98-бандига қаранг, унга кўра "диний ташкилотнинг тугатилиши фақат суд қарори билан ва фақат қонунни 'кўп марта лаб ёки кўпол равишда' бузганлиги учун амалга ошириш мақсадга мувофиқдир"; ва 18-ҳаволадаги манбанинг, 32-бетига қаранг (2019-йилги ЕХҲТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси). Шунингдек, таққослаш учун ИҲЕС, [Чуваш Республикасининг Инжил маркази Россияга қарши](#), 33203/08-илтимоснома, 2014 йил 12 июндаги қарор, 54-бандига қаранг.

¹⁵⁰ 16-ҳаволадаги манбанинг 9-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар). Шунингдек, ИҲЕС, [Москванинг Иегова Шохидлари ва бошқалар Россияга қарши](#), 302/02-сонли илтимоснома, 2010 йил 10 июндаги қарор, 108-бандига қаранг.

¹⁵¹ 17-ҳаволадаги манбанинг, 178-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

қилиш назарда тутилган кўринади, агар бошқа қонун ҳужжатлари қўлланилмаган бўлса. Ҳар қандай санкциялар мутаносиблик принципига амал қилиши керак, яъни улар керакли мақсадга эришишнинг энг кам даражадаги интрузив воситаси бўлиши керак.¹⁵² Мутаносиблик принципига риоя қилиш учун 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларида таъкидланганидек, "қонун ҳужжатлари огоҳлантириш, жарима ёки солиқ имтиёзларини олиб ташлаш каби бир қатор турли хил, жиноятнинг оғирлигига қараб юридик шахс мақомидан маҳрум этиш жараёни тугагунига қадар қўлланилиши керак бўлган унчалик оғир бўлмаган санкциялардан иборат бўлиши керак".¹⁵³ Шуларни инобатга олган ҳолда **қонун лойиҳасининг 6-боби бузилиш ёки ҳаракат қилмаслик ҳолатларини бартараф этиш**¹⁵⁴ учун тўхтатиб қўйиш ёки тугатишдан олдин қўлланиладиган босқичма-босқич ва мутаносиб тарзда қўлланиладиган санкциялардан иборат огоҳлантириш тизими билан тўлдирилиши керак. Бундан ташқари, қонун лойиҳасида турли хил санкцияларнинг қўлланилишини келтириб чиқариши мумкин бўлган қонун лойиҳасини бузиш турлари, шу жумладан диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатишни сўнгги чора сифатида оқлайдиган жиддий сабабларнинг аниқ белгиланиши батафсил баён этилиши керак. Лекин шу билан бирга ушбу қоидаларни қўллашда мутаносиблик принципига риоя қилиш кераклигини аниқ белгилаб қўйиш керак. Қонун лойиҳасида ваколатли орган қандай тартиб ва қандай муддатларни белгилаши мумкинлиги ҳам аниқроқ кўрсатилиши керак.¹⁵⁵

111. Қонун лойиҳасининг 44-моддаси 1-бандида ташкилото фаолияти тўхтатиб қўйилган тақдирда *"тадбирларни ташкил этиш тақиқланади"* дейилган. Ушбу тақиқ, ушбу ташкилотнинг айрим аъзоларининг дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқини бузмаган ҳолда диний тадбирларнинг ташкил этилишига амал қилмаслиги керак. 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларига мувофиқ "диний ёки конфессиявий ташкилотининг юридик шахсини рад этиш ҳеч қандай тарзда тегишли диний ёки конфессиявий жамоа ёки унинг алоҳида аъзолари бундан буён ўзларининг дин ёки эътиқод эркинликлари ёки бошқа инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликлар ҳимоясидан фойдаланмаслигини англамаслиги керак".¹⁵⁶ Шунинг учун **диний тадбирларни ўтказиш диний ташкилот фаолияти тўхтатилганидан кейин ҳам тугатилиши мумкин эмас ва ушбу тақиқ қонун лойиҳасининг 44-моддаси 1-бандидан чиқариб ташланиши керак.**

112. Юридик шахс мақомидан маҳрум этиш тўғрисидаги қарорларда **бунинг сабаблари аниқ кўрсатилиши керак**.¹⁵⁷ Қонун лойиҳасини бекор қилиш ва тугатиш тўғрисидаги қоидаларида бу борада ҳеч нарса қайд этилмаган, фақат қонун бузилиши тўғрисида ноаниқ ҳаволалар келтирилган. Бу қоидалар **тегишли равишда тўлдирилиши керак.**

113. Диний ташкилот фаолиятининг тугатилиши суд қарори билан эълон қилинади (44-46-моддалар). Суд диний ташкилот фаолиятини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилгандан сўнг, агар бошқа қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, қўшимча юридик ҳимоя чоралари назарда тутилмаган. Лекин, ҳеч бўлмаганида муҳим ишлар кўрилганда, агар иш миллий қонунчиликка мувофиқ юқори судга юборилган бўлмаса, юқори судга ёки трибуналга апелляция билан мурожаат қилиш мумкин.¹⁵⁸ Шунга кўра, юридик шахс мақомини беришда ёки рўйхатдан ўтишда рад жавоби берилган

¹⁵² Худди шу ерда, 237-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁵³ 16-ҳаволадаги манбанинг 33-34-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹⁵⁴ 17-ҳаволадаги манбанинг 238-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁵⁵ 30-ҳаволадаги манбанинг 79-бандига қаранг (2018 йилги Арманистон тўғрисида қўшма хулоса); ва 59-ҳаволадаги манбанинг 84-бандига (2011 йилги Арманистон бўйича қўшма хулоса) қаранг.

¹⁵⁶ 16-ҳаволадаги манбанинг 34-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹⁵⁷ 16-ҳаволадаги манбанинг 32-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар); ва 18-ҳаволадаги манбанинг, 35-бетдаги 5-тавсиясига қаранг (2019-йилги ЕХҲТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси).

¹⁵⁸ Масалан, таққослаш учун Европа Кенгаши, [Маъмурий ҳужжатларни суд томонидан кўриб чиқиш тўғрисидаги тавсиялари](#) (Rec(2004)20) В.4.1-бандига қаранг, 2004 йил 15 декабр.

тақдирда, **мазкур процедура бўйича апелляция ёки қайта кўриб чиқиш аризаси билан судларга мурожаат қилиш тартиби назарда тутилиши керак. Бу ҳолат тезкор, ошкора ва камситишга йўл қўймасдан амалга оширилиши керак.**¹⁵⁹ Бундан ташқари, дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг жиддий оқибатларини ҳисобга олган ҳолда, **диний ёки конфессиявий жамоаларнинг бекор қилиниши ва рўйхатдан чиқарилиши барча мурожаат турлари имконияти кўриб чиқилмагунча тўхтатиб турилиши керак.** Бу шуни англатадики, апелляция ёки шикоят бўйича қарор қабул қилинмагунча, қарор ижро этилиши мумкин эмас.¹⁶⁰ Истисно ҳолларда, ижрони тўхтатиб туриш, оғир жиноят содир этилганлиги тўғрисида ўта ишончли далиллар мавжуд бўлган тақдирда қўлланилмайди.¹⁶¹ **Шу муносабат билан қонун лойиҳасига қўшимча киритиш керак.**

Н. Дин ишлари бўйича қўмитаси ва бошқа давлат ҳокимияти органларининг роли ва ваколатлари

114. Умуман олганда, қонун лойиҳасида, хусусан 15-моддасида Дин ишлари бўйича қўмита ва бошқа давлат органларига *"диний ташкилотлар"* фаолиятини *"мувофиқлаштириш"*, *"ёрдам бериш"* ва мониторинг қилиш бўйича турли функциялар берилган.¹⁶² Давлат органларининг ушбу имтиёзлари диний ташкилотларнинг ички ишларига потенциал аралашувга олиб келиши мумкин, шунингдек, давлатнинг бетарафлиги ва холислиги тамойилига зид бўлиши мумкин.

115. Қонун лойиҳасида Дин ишлари бўйича қўмитанинг иши моҳияти ва таркиби аниқланмаган. Шу сабабли, у сиёсий, маъмурий ёки техник органми ва ким ва қандай қилиб унинг таркибини, хусусан, унинг аъзоларини сайлаши аниқ эмас. Натижада диний ташкилотлар фаолиятига асоссиз аралаштириш имкониятини оширадиган объектив жиҳатдан ноаниқлик ҳолати вужудга келади. Умуман олганда, баъзи диний ёки маънавий жамоалар ва ташкилотлар аъзоларини, ҳеч бўлмаганда маслаҳатчи сифатида жалб қилиш яхши амалиёт деб ҳисобланади.

116. 15-модданинг 6-бандида Қўмита *"рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг манфаатларини давлат сиёсатида акс эттиради"* деб таъкидлайди. 2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принципларида таъкидланганидек, диний ёки конфессиявий жамоалар ва ташкилотларнинг мустақил мавжудлиги демократик жамиятда плюрализм учун зарурий шарт бўлиб, дин ва эътиқод эркинлиги ҳимояси остида бўлган масаладир.¹⁶³ Диний ёки конфессиявий жамоалар ва ташкилотларнинг автономлиги уларнинг манфаатларини белгилаш ҳуқуқига эгаллигини ва агар ўзлари керак деб ҳисоблаган ҳолатларда, уларни ваколатли давлат органларига тўлиқ эркинлик шароитида ва бошқа органларнинг воситачилигисиз ифода этиш ҳуқуқини

¹⁵⁹ 18-ҳаволадаги манбанинг, 33-бетига қаранг (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси).

¹⁶⁰ Шу ерда 18-ҳаволадаги манбанинг, 33-бетига қаранг (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси), 17-ҳаволадаги манбанинг 120-бети (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁶¹ Худди шу ерда 120-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁶² Буларга, масалан, Дин ишлари бўйича қўмитанинг диний ташкилотлар фаолиятига мувофиқлаштириш бўйича ёрдам кўрсатиш ва уларнинг фаолиятида иштирок этиш (15-модда), Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ёки чет элдан олинган диний материалларнинг экспертизасини ўтказиш ва ушбу фаолиятни мувофиқлаштириш (15-модда), диний таълим муассасаларини лицензиялашни ташкил этиш ва уларга рияз этишни назорат қилиш (15-модда), Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг чет давлатларидаги диний зиёрат жойларига ташрифларини ташкил этиш (15-модда), диний ташкилотларнинг тадбирлари тўғрисида хабардор бўлиш (22-модда); диний ташкилотга ер участкаларини ажратиш ва диний биноларни қуриш учун розилик бериш (24-модда), марказий бошқарув органи, диний таълим муассасаси ёки маҳаллий диний ташкилотни рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган розилик хати тақдим этиш (34-модда) бўйича ҳуқуқлар киради. Бундан ташқари, *"давлат диний ташкилотларнинг хайрия фаолиятини, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик маданий-маърифий дастур ва тадбирларни амалга оширишда кўмаклашди ва уларни қўллаб-қувватлайди"* (25-модданинг 2-банди); адлия органлари *"диний ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатлари ва устас фаолиятига рияз этилаётганлиги устидан назоратни амалга оширади"* (16-модда) ва чет эл раҳбарлари ва ходимларининг аккредитациядан ўтказилишини таъминлайди (қонун лойиҳасининг 16-моддаси 3-банди ва 29-моддаси 2-банди); маҳаллий давлат ҳокимияти органлари *"муайян ҳудудда давлат органларининг диний ташкилотлар билан ўзаро алоқа ва ҳамкорлигини таъминлайди"* (17-модда).

¹⁶³ 16-ҳаволадаги манбанинг, 18-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

англатади. "Манфаатларини акс эттиради" иборасини Қўмитага диний ташкилотлар номидан иш юритишга ва уларнинг давлат органлари билан муносабатларда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга ваколат бериш деб тушуниш мумкин. Бундай ҳолда, бу диний ташкилотларнинг автономияларига нисбатан йўл қўйиб бўлмайдиган чекловни келтириб чиқаради.

117. 15-модданинг 8-бандига мувофиқ, Қўмита "диний ташкилотлар, шу жумладан диний таълим муассасалари фаолиятига (ўқув жараёни ва дастурлари, ўқув ишлари, ўқув режалари, диний мавзулар бўйича илмий тадқиқотлар) мувофиқлаштирувчи сифатида ёрдам беради, уларга тадбирларни ўтказишда ташкилий, ҳуқуқий ва услубий ёрдам беради ҳамда улар томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этади". Ушбу банд диний ташкилотлар Қўмита томонидан тақдим этилган ёрдамдан фойдаланишга мажбур бўлади деб тахмин қилинадиган тарзда ёзилган. Агар шундай бўлса, бу ўз фаолиятини давлат идораларидан ҳеч қандай ёрдамсиз амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлган диний ташкилотларнинг мустақиллигини чеклайди. **Ушбу қоидада бундай ёрдам фақат диний ташкилотнинг илтимосига биноан берилишини аниқлаштириш мумкин.** Бу шубҳаларни бартараф этишга ёрдам берар эди. Диний ташкилотларнинг автономияси Қўмитанинг уларнинг тадбирларида иштирок этиши билан янада жиддийроқ равишда чекланади. Автономия ҳуқуқига диний ташкилотлар фаолиятида кимлар иштирок этиш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи киради.¹⁶⁴ **Қўмитанинг ушбу имтиёзли ваколлати қонун лойиҳасидан чиқариб ташланиши керак.**

118. 15-модданинг 9-бандига кўра, Қўмита қўшимча равишда "Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мамлакат ташқарисидаги зиёрат жойларига боришини, шу жумладан, Ҳаж ва Умра ибодатини амалга оширишини, фуқароларни диний таълим муассасаларида таълим олиши, малакасини ошириши ва тажриба алмашиши учун чет элларга юборилишини, чет эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни диний таълим муассасаларига ўқишга қабул қилишни, халқаро диний анжуманлар ўтказилишини ташкил қилади". Юқорида айтиб ўтилган фикрлар ушбу ҳолатга ҳам тегишли. Шунга аниқлик киритиш керакки, Қўмита хорижий саёҳатлар ва чет эл фуқароларининг Ўзбекистонга таклифномаларини уюштирадиган ягона канал эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 1981 йилги Декларациясида таъкидланишича, дин ёки эътиқод эркинлиги миллий ва халқаро миқёсда дин ёки эътиқод масалаларида шахслар ва жамоалар билан алоқа ўрнатиш эркинлигини ўз ичига олади.¹⁶⁵ Диний ишлар қўмитаси орқали шахсларни ва диний ташкилотларни ушбу ҳуқуқдан фойдаланишга мажбурлаш, Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 13-14-моддаларига мувофиқ шахсларнинг дин ёки эътиқод эркинлиги, сўз эркинлиги ва таълим олиш ҳуқуқидан фойдаланишларига асоссиз равишда тўсқинлик қилади.¹⁶⁶ ДИИХБ ва Венеция комиссияси расмийлар қонун лойиҳасини қайта кўриб чиқишда қўмитанинг бу борадаги ваколлатларини кўриб чиқишга тайёрлигини мамнуният билан таъкидлайдилар.

119. 15-модданинг сўнгги бандида Қўмита "қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколлатларни амалга ошириши" мумкинлиги айtilган. Бу эса Қўмита ваколлатларининг ҳаддан ташқари даражада кенгайишига олиб келиши мумкин.

120. Қонун лойиҳасининг 17-моддаси 3-бандида маҳаллий давлат ҳокимияти органлари "ижтимоий-маънавий соҳа барқарорлигини таъминлаш, жамиятда конфессиялараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб

¹⁶⁴ 18-ҳаволадаги манбанинг, 25-бетга қаранг (2019-йилги ЕХХТ/ДИИХБнинг Дин ва эътиқод эркинлиги ва хавфсизлик сиёсати бўйича қўлланмаси), унга кўра, "Иштирок этувчи давлатлар ва диний ёки эътиқод жамоалари ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик ташаббуслари" "диний ёки эътиқод жамоаларининг автономлигини" ва "диний ёки эътиқод жамоаларининг иштирок этишининг ихтиёрий хусусиятларини ҳурмат қилишлари" керак".

¹⁶⁵ БМТнинг 1981-йилги [Дин ва эътиқодга нисбатан муросасизлик ва камситишнинг барча шакллари тугатиш тўғрисидаги декларациясининг](#) 6(i) моддасига қаранг. Шунингдек, ЕХХК/ЕХХТнинг [Копенгаген ҳужжати](#), ЕХХКнинг [инсонийлик мезони бўйича конференциясининг йиғилиши](#), Копенгаген, 1990 йил 29 июн, 9.1-бандга қаранг, унга кўра "ҳар ким ўз фикрини ифода этиш ҳуқуқига, шу жумладан мулоқот қилиш ҳуқуқига эга".

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактга 1995 йил 28 сентябрда қўшилди.

чиқишни ва амалга оширишни" назарда тутати. "Ижтимоий-маънавий соҳа барқарорлиги" ибораси жуда ноаниқ ва аниқ ҳуқуқий маънога эга эмас. Юқоридаги 27-бандда таъкидлаб ўтилганидек, бундай ноаниқлик турли хил диний ёки эътиқод гуруҳлари ўртасидаги зиддиятлар пайдо бўлган ҳолларда, маҳаллий ҳукумат томонидан диний плюрализмни чеклаш ёки йўқ қилишда ўзбошимчаликка йўл очиши мумкин. **Шунинг учун ушбу таҳрир қайта кўриб чиқилиши керак.**

121. Қонун лойиҳасининг 25-моддасида *"Давлат диний ташкилотларнинг хайрия фаолиятини, шунингдек, ижтимоий аҳамиятга молик маданий-маърифий дастур ва тадбирларни амалга оширишда кўмаклашда ва уларни қўллаб-қувватлайди"* дейилган. Диний ташкилотлар фаолиятига тўсқинлик қилмаслик учун **бундай ёрдам ва қўллаб-қувватлаш диний ёки конфессионал жамоанинг илтимосидан кели чиқиши керак ва уларни истамаган диний ташкилотга юкланмаслиги керак. Бундай ёрдам ва қўллаб-қувватлаш камситишга йўл қўймасдан кўрсатилиши керак.**

I. Диний ташкилотларни қайта рўйхатдан ўтказиш

122. 36-модданинг 1-бандида *"Уставга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ушбу Қонунда назарда тутилган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилади"* дейилган. Бироқ, ушбу модданинг сарлавҳаси ва кейинги мақоланинг сарлавҳаси диний ташкилотнинг Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, уни янги рўйхатдан ўтказиш зарурлигига ишора қилмоқда. Ушбу нотўғри талқиннинг олдини олиш учун 36-модданинг сарлавҳасини *"Уставга ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш"* деб ўзгартириш тавсия этилади. Худди шу тарзда, 36-модданинг 2-банди Уставга ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шунингдек биринчи рўйхатга олиш муносабати билан тақдим этилган барча ҳужжатларни тақдим этишда диний ташкилотни янги рўйхатдан ўтказишни талаб қилиш деб изоҳланиши мумкин. Ушбу талқин диний ташкилотга ҳаддан ташқари оғир вазифани юклайди. **Ушбу модданинг таҳрири фақат 37-модданинг 2-5-бандларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилиши аниқ бўлиши учун ўзгартирилиши тақлиф қилинмоқда.**

123. Шу билан бирга, Уставга киритилган ҳар қандай тузатишларни қайта рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги талаб жуда оғир бўлиб кўриниши мумкин. Ҳар қандай тузатишларни қайта рўйхатдан ўтказиш қоидаларида кўпроқ мослашувчанликни таъминлаш, эътиқодга асосланган ташкилотларга ўзгарувчан шароитлар ва ривожланиб боровчи тасаввурларни гуруҳ ва бутун жамият ичида тутиб сақлаб туришга имкон беради ва диний ёки эътиқод жамоасининг ўз фаолиятини ташкил қилишда автономияга бўлган ажралмас ҳуқуқи ҳурмат қилинишини ва уюшиш эркинлиги ҳуқуқи таъминлашга ёрдам беради.¹⁶⁷ **Қонун лойиҳасида Уставга ҳар бир ўзгартириш/қўшимчалар ўрнига қонуний вакилнинг номи ёки рўйхатдан ўтган манзил каби баъзи бир муҳим ўзгаришлар киритилиши талаб қилиниши мумкин.**

124. Қонун лойиҳасининг 35-моддаси қайта ташкил этиш натижасида ташкил топган диний ташкилотни рўйхатдан ўтказишни тартибга солади. Бу дастлабки диний ташкилотни тарқатиб юборишни назарда тутати, аммо бу амалда қайта рўйхатдан ўтишни ташкил этадими ёки йўқми номаълум. Биринчидан, янги рўйхатдан ўтиш мақсадга мувофиқ эмас, яъни ҳуқуқий муносабатларни эски диний ташкилотдан янги диний ташкилотга тартибли равишда ўтказиш билан боғлиқ эмас. Иккинчидан, 35-модданинг 5-бандига кўра *"диний ташкилотни бошқа юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига қайта ташкил этишга йўл қўйилмайди"*. Ушбу қоида халқаро стандартларга жавоб бермайдиган диний ташкилотнинг ўзи маъқул кўрган ҳуқуқий шаклни олиш ҳуқуқини чеклайди. Агар юридик шахс мақомини бошқа турдаги юридик шахс сифатида рўйхатдан ўтказиш йўли билан олиш мумкин бўлса, диний ташкилотни диний ташкилот сифатида рўйхатдан ўтказишга

¹⁶⁷ ЕХҲТ/ДИИҲБ, 2010 йил 25 июндаги [Туркменистоннинг диний эркинлик ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунига шарҳлари](#), 51-бандига қаранг.

мажбур қилиш мумкин эмас (юқоридаги 41-42-бандлар). **Бундай чекловнинг зарурлиги ёки мутаносиблиги тушунарсиз. Бу ҳолат қайта кўриб чиқилиши керак.**

125. Ва ниҳоят, қонун лойиҳасида мавжуд бўлган (рўйхатдан ўтган) диний ёки конфессиявий ташкилотларининг янги қонун кучга киргандан кейин мақомини аниқлашга қаратилган ўтиш қоидалари мавжуд эмас. Видеоконференция давомида ҳукумат вакиллари амалдаги рўйхатдан ўтган диний ташкилотларнинг қайта рўйхатдан ўтишлари талаб қилинмаслигини тасдиқладилар, бироқ айрим манфаатдор томонлар қонун лойиҳасини қабул қилиш уларнинг Уставларига жиддий ўзгартиришлар киритилишини талаб қилиши ва шунинг учун бож тўлаб қайта рўйхатдан ўтказилиши кераклигини таъкидладилар. Ҳар қандай ҳолатда, диний ёки эътиқод жамоаларини тартибга солиш бўйича янги қоидалар киритилганда, тегишли ўтиш қоидалари мавжуд жамоаларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак ва янги мезонларга мувофиқ юридик шахсга мурожаат қилишни талаб қилмаслиги керак, агар давлат бундай чекловларнинг зарурлигини ва қонуний мақсадга мутаносиблигини намоён қилмаса.¹⁶⁸

J. Қонун лойиҳасини тайёрлаш ва қабул қилиш жараёни билан боғлиқ тавсиялар

126. ЕХҲТга аъзо давлатлар зиммасига олган мажбурият бўйича "тегишли ошкор тартибот тугаллангач, қабул қилинган қонунлар ва маъмурий қоидалар матбуотда чоп этилади, бу уларнинг қўлланилиши шартидир" (1990 йилги Копенгаген ҳужжатининг 5.8-банди).¹⁶⁹ Бундан ташқари, асосий мажбуриятларда "қонун ҳужжатлари халқ иродасини бевосита ёки у сайлаган вакиллар орқали ифодалайдиган очиқ жараён натижасида ишлаб чиқилади ва қабул қилинади" деб таъкидланган (1991 йилги Москва ҳужжатининг 18.1-банди).¹⁷⁰ Венеция Комиссиясининг Қонун устуворлигини назорат қилиш рўйхати ҳам жамият вакиллари ўз ҳиссаларини қўшиш учун ҳақиқий имкониятга эга бўлиши кераклигини таъкидлайди.¹⁷¹ 2015 йилги Уюшма эркинлиги бўйича қўшма асосий принципларда ҳам уюшмалар билан уларнинг мақоми, молиялаштирилиши ва фаолият кўрсатиши тўғрисидаги қонунларга ва бошқа қоидаларга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида ҳар доим маслаҳатлашиш тавсия этилади.¹⁷² Яқинда бўлиб ўтган ЕХҲТ/ДИИХБнинг Ўзбекистон Республикасидаги қонунчилик жараёнини дастлабки баҳолашида ҳам тавсия этилганидек, "жамоатчилик билан маслаҳатлашиш қонунчилик жараёнининг, айниқса Қонунчилик палатасидаги жараёнларнинг ҳар бир босқичининг умумий ва муҳим қисмининг доимий элементига айланиши керак".¹⁷³

127. Қонун лойиҳаси бўйича маслаҳатлар самарали бўлиши учун, улар кенг қамровли бўлиши ва жамоатчиликнинг, шу жумладан фуқаролик жамияти ва диний ва конфессиявий жамоаларнинг маслаҳатлари ва шарҳларини ўз ичига олиши керак, бу БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачиси томонидан махсус тавсия этилган.¹⁷⁴ Қонун лойиҳалари бўйича тавсияларни тайёрлаш ва тақдим этиш учун манфаатдор томонларга етарли вақт таъминланиши керак. Ҳукумат тегишли ва тезкор қайта алоқа механизмини яратиши керак, бу орқали давлат органлари келиб тушган аризаларни тан олиши ва уларга жавоб қайтариши, ҳар қандай шарҳлар/таклифларнинг киритилиши ёки киритилмаслиги учун аниқ асосларни тақдим қилиши керак.¹⁷⁵ Самарали натижа таъминланиши учун

¹⁶⁸ 16-ҳаволадаги манбанинг 36-бандига қаранг (2014 йилги Жамоаларнинг субъект сифатидаги ҳуқуқларига доир асосий принциплар).

¹⁶⁹ <<http://www.osce.org/fr/odihr/elections/14304>><http://www.osce.org/fr/odihr/elections/14304> сайтида мавжуд.

¹⁷⁰ <<http://www.osce.org/fr/odihr/elections/14310>><http://www.osce.org/fr/odihr/elections/14310> сайтида мавжуд.

¹⁷¹ Венеция Комиссияси, *Қонун устуворлиги ҳолатини текшириш рўйхати*, CDL-AD(2016)007, II.A.5-қисмига қаранг.

¹⁷² 17-ҳаволадаги манбанинг 186-бандига қаранг (2015 йилги Уюшиш эркинлиги бўйича қўшма асосий принциплар).

¹⁷³ Қаранг: ЕХҲТ/ДИИХБ, *Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёнининг дастлабки баҳолаш ҳужжати* (2019 йил 11-декабр), N Тавсияси.

¹⁷⁴ БМТнинг Дин ва эътиқод эркинлиги бўйича махсус маърузачисининг *2018 йилда Ўзбекистонга ташрифи якунлари бўйича тавсиялари*, A/HRC/37/49/Add.2, 2018 йил 22-феврал, 101(b)-бандига қаранг.

¹⁷⁵ Масалан, *Қарорларни жамият иштирокида қабул қилиш жараёнларида уюшмаларнинг иштирокини кучайтириш бўйича тавсияларга* қаранг (Тинч йиғилишлар ва уюшишлар эркинликлари бўйича инсонийлик мезони бўйича 2015 йилги қўшимча йиғилиш доирасида ЕХҲТ/ДИИХБ томонидан ташкиллаштирилган Фуқаролик жамияти форуми иштирокчилари номидан), Вена ш., 15-16 апрел 2015 йил.

маслаҳат механизмлари жамият вакилларининг *жараёнини бошидан охиригача* қатнашишини таъминлаши керак.¹⁷⁶ Бу нафақат тегишли вазирликлар томонидан лойиҳани ишлаб чиқиш босқичида, балки уларнинг парламентдаги муҳокамаларида ҳам иштирок этиш демақдир (масалан, жамоат тингловларини ташкил этиш орқали).

128. Қонун лойиҳаси 2020 йил 19 августда парламент Қонунчилик палатаси (*Олий Мажлис*) веб-сайтида шарҳларни электрон почта орқали юбориш имконияти билан жамоатчилик муҳокамасига қонун лойиҳаси сифатида қўйилди.¹⁷⁷ Видеоконференция давомида расмийлар 500 дан ортиқ шарҳлар олганликлари ҳақида хабар беришди ва уларга кўра, иккинчи ўқишга тайёргарлик кўриш учун шарҳлар таҳлил қилинмоқда. Шунингдек, улар қонун лойиҳаси эълон қилинишидан олдин улар Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган 16 та конфессия вакиллари билан маслаҳатлашганларини хабар қилишди. Қонунчилик палатасининг биринчи ўринбосари ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссиясига консультацияларнинг иккинчи босқичи иккинчи ўқишдан олдин ташкил этилиши тўғрисида хабар берди. Шу билан бирга, видеоконференциялар пайтида эълон қилинганидек, 2020 йил 15 сентябрда биринчи ўқишда тақдим этилган қонун лойиҳаси жамоатчилик муҳокамасига қўйилган қонун лойиҳаси билан бир хил. Видеоконференция давомида бир қатор манфаатдор томонлар кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш жараёнида шаффофлик йўқлиги ҳақида хавотирларини ҳам билдирдилар. Жамоатчилик муҳокамасини ўтказишга тайёргарлик қонуний ҳужжат яратилишининг бутун жараёни давомида олқишланиб келишига қарамасдан, бундай жамоатчилик муҳокамасини ўтказиш шароитлари ва етарли тезкор қайта алоқа механизмнинг йўқлиги, юқорида айтиб ўтилганидек, жамоатчилик муҳокамасининг самарали ва инклюзивлиги ҳақида шубҳа туғдириши мумкин.

129. Қонун лойиҳасининг дин ёки эътиқод эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишга потенциал таъсирини ҳисобга олган ҳолда, ушбу соҳадаги қонунчиликни ишлаб чиқишдан олдин тартибга солувчи таъсирни чуқур баҳолаш, шу жумладан инсон ҳуқуқларига риоя қилиш масалалари, муаммоларни тўғри таҳлил қилиш, энг самарали тартибга солиш вариантини аниқлаш учун далилларга асосланган усуллардан фойдаланиш муҳимдир.¹⁷⁸

130. Юқоридагиларни инobatга олган ҳолда, **давлат ҳокимияти органларига қонун лойиҳасини фуқаролик жамияти ва турли хил диний ёки конфессия жамоалари вакиллари, шу жумладан озчиликлар, диний жамоалар ёки тенг имкониятларни таъминлайдиган эътиқодга асосланган жамоалар вакиллари билан кенг қамровли ва самарали, аёллар ва эркаклар иштирокида муҳокама қилинишини таъминлаш тавсия этилади.** Юқорида келтирилган принципларга мувофиқ, бундай муҳокамалар ўз вақтида қонунчилик жараёнининг барча босқичларида, шу жумладан парламентда ҳам ўтказилиши керак. Самарали қонун ижодкорлигининг муҳим элементи сифатида, қонун қабул қилингандан кейин унинг фаолияти ва самарадорлигини самарали баҳолайдиган қонунни амалга ошириш ва унинг таъсирини изчил мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини яратиш керак.¹⁷⁹

* * *

¹⁷⁶ 90-ҳаволадаги манбанинг Жамият ишларини юритишда қатнашиш ҳуқуқи тўғрисидаги II бўлимнинг G кичик бўлимига қаранг (ЕХХТ/ДИИХБнинг 2014 йилги Инсон ҳуқуқлари ҳимоячиларини ҳимоя қилиш бўйича асосий принциплар).

¹⁷⁷ Қаранг: <<http://parliament.gov.uz/ru/laws/discussed/>>

¹⁷⁸ ЕХХТ/ДИИХБ, [Ўзбекистон Республикасида қонунчилик жараёнининг дастлабки баҳолаш ҳужжати](#) (2019 йил 11-декабр), L ва M тавсияларига қаранг; Венеция Комиссияси, [Қонун устуворлиги ҳолатини текшириш рўйхати](#), CDL-AD(2016)007, II.A.5-қисмига қаранг.

¹⁷⁹ Масалан, ИХТТ, [Баҳолашдан кейинги халқаро амалиёт](#) (2010) га қаранг.